

A photograph showing a business meeting. In the foreground, two people are shaking hands. In the background, another person is writing on a document. A document with the word 'CONTRACT' is visible on the table. The image is framed by a teal and dark blue abstract graphic.

2021

**ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ**

**ТИҚХММИ хузуридаги
ПКҚТ ва УМО тармоқ маркази**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУЎАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ЎЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ИҚТИСОДИЁТИ”

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент 2021

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: Сангирова У.Р. – ТИҚХММИ, “Иқтисодиёт” кафедраси
мудири
Намозов Ж.А. – ТИҚХММИ, “Иқтисодиёт” кафедраси
ассистенти

Тақризчи: доктор Н.Жанибеков ИАМО Германия, и.ф.д.

Ўқув - услубий мажмуа Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти кенгашининг 2020 йил 24-декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	13
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	22
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ.....	101
V. КЕЙСЛАР ВА ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ	139
VI. ГЛОССАРИЙ	148
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	159

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим

хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиёти” модулининг мақсад ва вазифалари:

- Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларини юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги

инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиёти” курсини ўзлаштириш жараёнида доирасида:

Тингловчи:

– Мамлакатнинг иқтисодиёти ҳолати ва ривожланишини ифодаловчи умумлашган кўрсаткичлар тизимини;

– миллий бойлик, ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, соф миллий маҳсулотни;

– миллий даромад, аҳоли даромадлари, давлат ва хусусий инвестициялар йигиндиси, муомаладаги жами пул миқдори ва жами хўжалик бўйича жамланма, умумлаштирувчи кўрсаткичларни;

– ўртача иш ҳақи, инфляция даражаси, ишсизлик, бандлик, меҳнат унумдорлиги сингари ўртача иқтисодий кўрсаткичларни;

– Рақамли иқтисодиётнинг бизнес ва ижтимоий соҳадаги ўрни ва аҳамиятини;

– бизнес жараёнларини рақамлаштириш, бизнес моделларини;

– макро ҳамда тармоқлар даражасида турли иқтисодий вазиятларни таҳлил қилишнинг асосий ёндашувларини;

– рақамли иқтисодиётнинг технологик, ҳолати, ташкилий-ҳуқуқий ҳамда институционал хусусиятларини;

– рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини ташкил этишни;

– давлат-хусусий шериклик шартларида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни;

– электрон бизнес жараёнларини самарали ташкил этишни *билиши* керак.

Тингловчи:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ва бошқаришни ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалигининг иқтисодий механизмларини қўллаши;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш тизими фаолиятини таҳлили қилиш;
- сув хўжалиги қурилиши корхоналарда бизнес-режалаштириш ва лойиҳалар ишлаб чиқиш;
- молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш;
- бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этилишни назарий ва амалий жиҳатдан қўллаш;
- бошқарув ҳисобининг хорижий тажрибаси ва замонавий тизимларини қўллаш
- молиявий ҳисобот юзасидан аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тайёрлаш ҳақида
- сув хўжалиги ташкилотиде инсон ресурсларини бошқариш, ташкилий маданият, етакчилик (лидерлик) ва бошқарув услубларини танлаш;
- сув хўжалиги ташкилотиде ўзгаришларни тушуниши ва ўзгариш концепциясини қўллаш;
- сув хўжалиги корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш ва қурилиш маҳсулотлари бозори муаммоларининг асосий иқтисодий талабларини ифодалаш *қўникмаларига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда иқтисодий қонунлар, илмий тушунчаларни (категорияларни) ечимлар қабул қилишда ишлата олиш;
- сув хўжалиги корхоналари фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш;

- сув хўжалиги қурилишида бозор иқтисодиёти механизмларидан фойдаланиш;
- иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда махсус компьютер дастурларидан фойдаланиш;
- бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро тажрибалари қиёсий таҳлил қилиш ва ҳамда таълим жараёнида қўллаш;
- бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳамда айти ўтказишга босқичларида махсус компьютер дастурларидан фойдаланишга оид;
- сув хўжалиги ташкилотлари ва уларнинг институционал таҳлил қила олиш;
- сув хўжалигида муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини билиш ва тармоқ даражадаги вазиятларда ечимлар қабул қилиш *малакаларига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни чуқур таҳлил этиш ва олинган хулосаларини кенг жамоатчиликга тушунтириб бериш ҳамда сув хўжалиги иқтисодиёти соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- сув хўжалиги қурилиши ташкилоти (корхонаси) бизнес-режасини ишлаб чиқиш;
- оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- сув хўжалиги қурилиши лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- ҳисоб ва аудит маълумотлари асосида хўжалик юритувчи субъектлар истиқболини белгиловчи оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- ҳисоб ва аудитни ташкил қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги тартиб ва қоидаларни амалиётга жорий қилиш;

– республикада ва хорижда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқаруви соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва уларни таҳлил этиш;

– сув хўжалигини бошқариш соҳасида мавжуд бўлган долзарб амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни қўллаш;

– сув хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш, корхоналарни инновацион ва стратегик ривожлантириш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” курси маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва мультимедиа технологияларидан;

-ўтказиладиган амалий ва кўчма машғулотларда лаборатория жиҳозларидан техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиёти” модули мазмуни ўқув режадаги “Амалий эконометрия”, “Сув хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва аудит” ва “Сув хўжалиги менежменти” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларни қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиёти бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Кўчма машғулот
			жами	жумладан		
				Назарий	Амалий машғулот	
	Макроиктисодиёт. Дастлабки макроиктисодий таҳлил элементлари.	6	6	4	2	
	Камёб ресурслар шароитида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишлари. Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати ва ундаги мавжуд муаммолар.	6	6	2	4	
	Рақамли иқтисодиётнинг бизнес ва ижтимоий соҳадаги ўрни ва аҳамияти.	10	6	2	4	4
	Жами:	22	18	8	10	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу. Макроиктисодиёт. Дастлабки макроиктисодий таҳлил элементлари (4 соат)

Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш. Бозор иқтисодиётининг даврий ривожланиши. Ишсизлик. Инфляция ва аксилинфляция сиёсати. Ялпи талаб – ялпи таклиф модели. Истеъмол, жамғариш ва инвестиция функциялари. Пул таклифи. Пул бозорида мувозанат. Давлат бюджети. Солиқлар.

2-Мавзу. Камёб ресурслар шароитида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишлари. Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати ва ундаги мавжуд муаммолар (2 соат)

Камёб ресурслар шароитида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни барқарор бошқариш. Экологик-иқтисодий хўжалик юритиш услублари ва бошқарув тизимлари.

3-Мавзу. Рақамли иқтисодиётнинг бизнес ва ижтимоий соҳадаги ўрни ва аҳамияти (2 соат)

Рақамли иқтисодиёт: электрон бизнесни бошқариш асослари. Электрон савдо (интернет савдо) нинг ривожланиш хусусиятлари. Иқтисодиётни рақамлаштириш кўрсаткичлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот. Макроиқтисодиёт. Дастлабки макроиқтисодий таҳлил элементлари (2 соат)

Миллий ҳисобчилик тизимидаги бошқа кўрсаткичлар ва улар ўртасидаги нисбат. Макроиқтисодий айниятлар.

2-Амалий машғулот. Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати ва ундаги мавжуд муаммолар (4 соат)

Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш ва барқарор бошқаришнинг назарий асослари. Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати ва ундаги мавжуд муаммолар. Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг экологик-иқтисодий хусусиятлари ва йўналишлари.

3-Амалий машғулот. Рақамли иқтисодиётнинг бизнес ва ижтимоий соҳадаги ўрни ва аҳамияти (4 соат)

Рақамли иқтисодиётда бизнесни бошқаришнинг хусусиятлари. Мобил технологиялар. Бизнесда фикрлаш дизайни. Электрон ҳукумат ва хизматлар

соҳасини рақамлаштириш хусусиятлари.

4- Кўчма амалий машғулот. Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари иқтисодиётини таҳлил қилиш. (4 соат)

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва сотиш тизимларини таҳлил қилиш. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни режалаштириш. Қишлоқ ва сув хўжалигининг моддий–техника воситалари ва улардан фойдаланиш таҳлили.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган масала ёки муаммолар бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (масала ёки муаммолар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш);

- кўчма машғулотлар (трактор ва двигателларни синовдан ўтказиш бўйича билимларни мустаҳкамлаш, мавжуд жиҳозлар билан яқиндан танишиш)

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Интерфаол (Interactive) сўздан олинган – суҳбатли маъносини билдиради. **Интерфаол** таълим бериш - суҳбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро ҳаракати амалга оширилади.

Интерфаоллик даража қанча юқори бўлса, таълим бериш жараёни шунча натижали бўлади. Қишлоқ хўжалик мобил энергетик воситалари модулини ўқитишда қуйидаги интерфаол методлардан фойдаланиш мумкин.

Кластер методи


Кластер – тутам, боғлаш маъносини билдиради. Кластер маълумот харитасини тузиш воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йиғади. Билимлар фаоллашишини таъминлайди, мавзу бўйича фикрлаш жараёнида янгича ассоциация тақдим этишга эркин ва очик кириб боришга ёрдам беради.

Кластерни тузишда синф доскаси ёки катта қоғоз варағи марказида калит сўзлар 1 – 2 сўздан иборат мавзу номланиши ёзилади.

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томонидан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси. Улар чизик билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар” да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин ва бошқалар. Ёзув ажратилган вақт тугагунга ёки ғоя йўқотилмагунча давом эттирилади.

Кластер намунаси

Двигателлар мойлаш тизими элементлари учун кластер



Тоифали жадвал методи

Тоифа-мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган умумий белги.
- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди;

- тизимли мушоҳада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Тоифали шарҳни тузишда дастлаб уни тузиш қоидалари билан танишилади. Янги ўқув материали билан танишилгандан кейин олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади. Бунда гуруҳни мини гуруҳларга ажратиш ва ақлий ҳужумдан фойдаланиш мумкин.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ҳақ маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин. Иш якунида олинган натижа тақдимот қилинади.

Тоифали жадвал намунаси

Иқтисодиёт соҳаси учун тоифали жадвал

Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари		
Чорвачилик тармоғи	Дехқончилик тармоғи	Сув хўжалиги тармоғи

Концептуал жадвал методи

Концептуал жадвал - ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, қараш, мавзу ва шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жиҳат бўйича таққослаш имконини беради. Тизимли мушоҳада қилиш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Концептуал жадвал тузишда дастлаб уни тузиш қоидалари билан

танишилади. Таққосланадиган нарса аниқланади, таққослаш амалга ошириладиган тавсифлар ажратилади.

Якка тартибда ёки мини - гуруҳларда концептуал жадвал қурилади ва тўлдирилади;

- вертикал бўйича - таққослаш талаб этиладиган нарсалар (қарашлар, назариялар) жойлаштирилади

- горизонтал бўйича - таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилади. Иш якунида олинган натижа тақдимот қилинади.

Т- жадвал методи

Т – жадвал - битта концепция (маълумот)нинг жиҳатларини ўзаро солиштириш ёки уларни (ҳа/йўқ, ҳа/қарши) афзаллик/камчиликларини аниқлаш учун ишлатилади. Бу жадвал танқидий мушоҳадани ривожлантиради, у кўпроқ якка тартибда расмийлаштирилади.

Олдин Т – жадвал қоидалари билан танишилади. Ажратилган вақт оралиғида якка тартибда (ёки жуфтликда) тўлдиради, унинг чап томонига сабаблари ёзилади, ўнг томонига эса чап томонда ифода қарама – қарши ғоялар, омиллар ва шу кабилар ёзилади.

Т-жадвал намунаси

Тармоқлар учун Т-жадвал

Афзалликлари	Камчиликлари

Топшириқ якунида тузилган жадваллар таққосланиб барча ўқув гуруҳи ягона учун ягона Т – жадвал тузилади.

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари

топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



Намуна: Қишлоқ ва сув хўжалигидаги корхоналар фаляти SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Қишлоқ хўжалигида ресурслардан самарали фойдаланишнинг кучли томонлари	Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади ва тежамкорликни яхшиланиши ...
W	Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги тизимининг кучсиз томонлари	Рентабеллиг даражасининг пасайиши...
O	Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимининг яратилган имкониятлардан фойдалана олиши	...
T	Тўсиқлар (ташқи)	...

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллار умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзў яқинланали.

Намуна:

афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:			

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда

фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Венн диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига

хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

«Нима учун?» схемаси

«Нима учун?» схемаси - муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича бир бутун қатор қарашларни ўз ичига олади. Тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Топшириқни беришдан олдин «Нима учун?» схемасини тузиш қоидалари билан танишилади.

Якка тартибда (жуфтликда) муаммо шакллантирилади. «Нима учун?» сўроғи билан стрелка чизилади ва ушбу саволга жавоб ёзилади. Ушбу жараён муаммони келтириб чиқарган илдиз яширинган сабаби ўрнатилмагунча давом эттирилади. Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мини-гуруҳларга бирлашади, ўз схемаларини таққослайди ва қўшимчалар киритадилар, маълумотларни умумий схемага жамлайди. Натижалар тақдимоти қилинади.

«Нима учун?» схемаси намунаси

Қишлоқ хўжалигида сотиш тизими учун «Нима учун?» схемаси

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида

Ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Ш. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1- Мавзу: Макроиктисодиёт

Режа:

1. Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш.
2. Бозор иқтисодиётининг даврий ривожланиши. Ишсизлик.
3. Инфляция ва аксилинфляция сиёсати.
4. Ялпи талаб – ялпи таклиф модели.
5. Истеъмол, жамғариш ва инвестиция функциялари.
6. Пул таклифи. Пул бозорида мувозанат.
7. Давлат бюджети . Солиқлар..

Таянч иборалар: макроиктисодий кўрсаткичлар, даврий ривожланиш, ишсизлик, инфляция, ялпи талаб, ялпи таклиф, пул таклифи, солиқ турлари.

Миллий иқтисодиётни таҳлил қилишда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар

Мамлакат иқтисодиёти ривожланишини таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), Соф ички маҳсулот (СИМ), Ялпи миллий даромад (ЯМД), Соф миллий даромад (СМД), шахсий даромад (ШД), Шахсий тасарруфидаги даромад (ШТД), Истеъмол(С), Жамғариш (S) кўрсаткичларининг ҳажми ва ўсиш суръатлари;

. иқтисодиётнинг таркибий тузилиши;

. мамлакат экспорти ва импорти ҳажми, таркиби, ЯИМдаги улуши ва ўсиш суратлари;

. ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини характерловчи кўрсаткичлар (Меҳнат унумдорлиги, Фонд қайтими);

. давлат бюджети тақчиллиги, дефлятор, истеъмол баҳолари индекси, инфляциянинг ўсиш суръатлари;

- ишсизлик даражаси ва ишсизлар сони, аҳолининг иш билан бандлик даражаси;

- аҳолининг моддий неъматлар ва хизматлар истеъмоли ҳажми, уларнинг жамғармалари, иш ҳақининг қуйи миқдори ва бошқалар.

Давлат бюджети тақчиллиги ва инфляция сурати каби кўрсаткичлар умумий макроиқтисодий вазиятга баҳо беришда қўлланилса, ЯИМ, СИМ, ЯМД, СМД, ШД, ШТД, С, S кўрсаткичлари миллий ишлаб чиқаришнинг параметрларини ва динамикасини таҳлил этишда фойдаланилади.

Ялпи ички маҳсулот тушунчаси ва уни ҳисоблашнинг асосий шартлари

1993 йилда қабул қилинган БМТ МҲТнинг янги талқинига кўра Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) асосий макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади.

ЯИМ - мамлакат резидентлари томонидан маълум муддат давомида ишлаб чиқарилган пировард товарлар ва хизматлар бозор баҳоларининг умумий йиғиндисидан иборат.

Бошқа бир таърифга кўра ЯИМ- мамлакат ҳудудида маълум муддат давомида янгидан яратилган қийматлар йиғиндисидир.

ЯИМ нинг «ички» деб аталишига сабаб унинг мамлакат резидентлари томонидан яратилишидир. Резидент деганда фақатгина мамлакатнинг юридик ва жисмоний шахслари тушунилмайди. Чунки мамлакат юридик шахси бошқа мамлакат ҳудудида бир йилдан ортиқ фаолият юритса ўша мамлакат резиденти деб қаралади.

ЯИМ уч хил усул билан ҳисобланади:

- 1) ишлаб чиқариш усули;
- 2) харажатлар усули;
- 3) даромадлар усули.

Ҳар учала усул билан ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичи ҳажми статистик хатолар истисно этилганда ўзаро тенг бўлиши лозим. Шу бирга бирга ҳар учала усул билан ЯИМ кўрсаткични ҳисоблашда ўзига хос талабларга амал

қилиниши талаб этилади.

ЯИМни ишлаб чиқариш усулида аниқлаш

Ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган ЯИМ якуний товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида аниқланади. ЯИМни бу усулда аниқлаш статистик жиҳатдан қулай бўлиши билан бирга уни ҳисоблашнинг муҳим шартига амал қилиш, яъни бир қийматни икки бор ҳисобга олиш, ёки оралиқ маҳсулот қийматини ЯИМга киритиб юборишнинг олдини олади.

Қўшилган қиймат товар ва хизматларнинг сотиш баҳоси билан уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган хом ашё ва материалларни сотиб олишга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади.

2019 йилда ЯИМнинг 24,0 фоизи саноат тармоқларида, 21,7 фоизи қишлоқ хўжалигида, 5,5 фоизи қурилиш соҳасида ва 39,3 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида яратилди. Иқтисодиёт ривожланиши, реал секторда ишлаб чиқариш самарадрлиги ошиб бориши билан саноат ва айниқса хизмат кўрсатиш соҳаларининг ЯИМдаги улуши ортиб борилиши жаҳон иқтисодий тарихида кузатилган ҳодисадир. Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йилларда саноат тармоқларининг ЯИМ даги улуши ортиб бораётганлиги прогрессив таркибий силжишдан далолат беради. “Жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирлари саноат ишлаб чиқаришида нисбатан кўпроқ намоён бўлиши натижада унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилдаги 24 фоиз ўрнига 2018 йилда 22,3 фоизни ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги салмоғининг 19,4 фоизга қадар пасайиши эса мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибининг такомиллашиб, унда саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши йилдан-йилга ошиб бораётганлигини англатади”. Қўшилган қийматлар йиғиндиси кўринишида ҳисобланган ЯИМ таркибига соф билвосита солиқлар, яъни давлат бюджетига тушган қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва божхона божи тўловлари билвосита солиқлар билан давлат бюджетидан ишлаб чиқарувчиларга берилган субсидиялар

ўртасидаги фарқ ҳам қўшилади.

Соф солиқларнинг ЯИМдаги улуши 2019 йилда Ўзбекистон Республикасида 9,5 фоизни, 2018 йилда эса 9,3 фоизни ташкил этди. Соф солиқларнинг ЯИМдаги улуши камайиб боришини ижобий тенденция деб баҳолаш мумкин.

ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблаш

Бу усул якуний фойдаланиш усули деб ҳам юритилиб, унда ЯИМни ҳисоблаш учун якуний маҳсулотларни сотиб олишга қилинган барча харажатлар ўзаро қўшиб чиқилади. Бу харажатлар қуйидагича гуруҳланади:

Уй хўжалиқларининг истеъмол харажатлари (С):

Ялпи ички хусусий инвестиция харажатлари (I):

Товар ва хизматларнинг давлат хариди (G).

Соф экспорт (Хп): мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари бўйича харажатлар ўртасидаги фарқ.

ЯИМни харажатлар орқали ҳисоблаш формуласини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$\text{ЯИМ} = \text{С} + \text{I} + \text{G} + \text{Хп}$$

Ўзбекистон Республикасида яратилган ЯИМнинг фойдаланиш (харажатларга кўра) таркиби таҳлили шуни кўрсатадики уй хўжалиқларининг истеъмол харажатлари ЯИМ таркибидаги энг салмоқли компонент экан. Бу кўрсаткичнинг ЯИМдаги улушига кўра Ўзбекистон Россия Федерацияси, Япония ва Франция давлатларига яқин туради. Ялпи жамғариш, ёки ялпи инвестициялар улуши катталиги бўйича иккинчи компонент бўлиб 2007 йилда ЯИМнинг 21,3 %ини (шу жумладан асосий капиталга киритилган инвестициялар 22,6 %ни, захираларнинг ўзгариши -1,3 % ни ташкил этган. Таққослов учун мақлумотлар келтирадиган бўлсак [2019 йил якунларига кўра ялпи инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши Россия Федерациясида 21%ни, Японияда 17 фоизни, Францияда 24%ни, Хитой Халқ Республикасида эса 40

фоизни ташкил этган.

Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози шароитида ташқи талабнинг пасайиши соф экспортнинг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши 2008 йилда 12,8 %га тушиб қолишига олиб келди.

ЯИМни даромадлар(таксимот усули) бўйича ҳисоблаш

ЯИМни даромадлар бўйича аниқлашда якуний маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида резидент-ишлаб чиқариш бирликлари томонидан, қўшилган қийматлар ҳисобидан, тўланган дастлабки даромадлар қўшиб чиқилади.

ЯИМни даромадлари йиғиндиси кўринишида ҳисоблашда асосан куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

-соф билвостиа солиқлар (T_n);

- ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари (W) ва ижтимоий суғурта ажратмалари;

- Корпорацияларнинг ялпи фойдаси + нокорпоратив корхоналар даромади (P).

$P =$ Корпорацияларнинг соф фойдаси (P_1) + нокорпоратив корхоналар соф даромадлари(P_2) +амортизация (A);

ЯИМни даромадлар кўринишида ялпи қўшилган қийматни кўрсатилган уч гуруҳга бўлиб топиш мумкин:

$$\text{ЯИМ} = T_n + W + P$$

Харажатлар ва даромадлар кўринишида ҳисоблаб топилган ЯИМ ҳажми ўзаро мос келади. Чунки миллий иқтисодиёт доирасида бир субъект томонидан қилинган ҳар қандай харажат иккинчи субъект учун даромад бўлиб тушади.

Миллий ҳисобчилик тизимидаги бошқа кўрсаткичлар ва улар ўртасидаги нисбат

ЯМД - мамлакат резидентлари томонидан, мамлакатда ва мамлакат ташқарисида, ишлаб чиқаришда иштирок этиш ва мулкдан олган бошланғич

даромадлари йиғиндисидир.

ЯМД = ЯИМ + мамлакат резидентларои томонидан хориждан олинган даромадлари - норезидентларнинг мамлакатдан хорижга жўнатган даромадлари.

Соф ички маҳсулот (СИМ) ва Соф миллий даромад (СМД) кўрсаткичлари ЯИМ ва ЯМД кўрсаткичларидан амортизация (истеъмол қилинган асосий капитал) суммаси миқдорига фарқ қилади.

$$\text{СИМ} = \text{ЯИМ} - \text{А}$$

$$\text{СМД} = \text{ЯМД} - \text{А}$$

Макроиктисодий таҳлилда шунингдек МХТга кирмаган Шахсий даромад (ШД) кўрсаикичи ҳам қўланилади.

ШД = СМД – [ИСА (Ижтимоий суғурта ажратмалари) + Т (билвосита солиқлар) + (P1.1) корпорация фойдасига солиқлар) + P1.3 (Корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдаси + бизнеснинг фоиз даромадлари) + трансферт тўловлари (TR) + фоизлар кўринишида олинган шахсий даромад

Фоизлар кўринишида аҳоли олган даромадга давлат қарзлари бўйича олинган фоиз даромадлари ҳам киритилади.

ШТД уй хўжаликлари томонидан истеъмол (С) ва жамғариш (S) учун ишлатилади.

$$\text{ШТД} = \text{С} + \text{S}$$

$$\text{ЯМТД} = \text{ЯМД} + \text{Хориждан олинган соф трансфертлар}$$

Хориждан олинган соф трансфертлар = Мамлакат ташқарисидан олинган трансфертлар – Мамлакатдан ташқарига берилган трансфертлар)

$$\text{ЯМТД} = \text{Якуний истеъмол} + \text{Миллий жамғармалар}$$

Якуний истеъмол уй хўжаликларининг истеъмол харажатларидан ташқари ҳукуматнинг истеъмолга харажатларини ҳам ўз ичига олади.

Асосий макроиктисодий айниятлар.

Турли макроиктисодий кўрсаткичлар, ёки кўрсаткичлар гуруҳлари ўртасидаги мавжуд бўладиган, ёки мавжуд бўлиши иқтисодий қонуният

ҳисоблаган ўзаро тенгликка макроиқтисодий айният дейилади.

Харажатлар ва даромадлар кўринишида ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичларининг ўзаро тенглиги асосий макроиқтисодий айният ҳисобланади.

$$Y = C + I + G + X_n$$

Иккинчи бир макроиқтисодий айният инвестициялар ва жамғармалар ўртасидаги тенглик ҳисобланади.

Айтайлик, мамлакат иқтисодиёти очик, яъни экспорт-импорт алоқалари йўлга қўйилган, солиқ солиш ва трансферт тўловлари кўринишида давлат аралашуви мавжуд бўлсин. Бундай ҳолатда жамғариш тушунчаси мураккаблашиб, қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$S = S_p + S_d + S_x$$

Бу ерда: S_p - хусусий жамғармалар;

S_d - давлат жамғармалари;

S_x - бошқа мамлакатлар жамғармалари.

Бунда хусусий жамғармалар даромадлар (Y), трансферт тўловлари (TR), давлат заёмлари бўйича фоизлар йиғиндисидан (N) солиқлар (T) ва истеъмол (C) харажатлари йиғиндисини айириш натижасига тенг бўлади.

$$S_p = (Y + TR + N - T) - C$$

Давлат жағмармалари қуйидаги миқдорга тенг бўлади:

$$S_g = (T - TR - N) - G$$

Агар давлат жамғармалари нолга тенг бўлса, давлат бюджети мувозанатлашган, жамғаришнинг манфий миқдори бюджет тақчиллигини (БТ) билдиради:

$$BT = - S_g$$

Бу ерда: БТ – бюджет тақчиллиги миқдори.

Бошқа мамлакатларнинг жамғармалари ташқи дунёнинг бизнинг импортимиз ҳисобига олган даромадларидан уларнинг бизнинг экспортимизга сарфланган харажатларини айириб топилади.

$$S_x = M - X \text{ ёки } S_x = -X_n$$

Агар мамлакат экспортига нисбатан кўпроқ импорт қилса, унда даромадларнинг бир қисми хорижда қолади ва кейинчалик ундан хорижий шериклар томонидан мамлакатимизда кўчмас мулк ва молиявий актив сотиб олишда фойдаланилади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам барча турдаги жамғармаларнинг умумий йиғиндиси инвестицияларга тенг бўлади:

$$S_p = S_d + S_x = (Y + TR + N - T) - C + (T - TR - N) - G + (-X_n)$$

ёки

$$S_p + S_d + S_x = Y - C - G - X_n$$

$$S = C + I + G - X_n - C - G - X_n$$

$$S = I$$

Демак, иқтисодиётдаги инвестиция харажатлари нафақат ички жамғармалар ҳисобига, балки ташқи дунё жамғармалари ҳисобига ҳам амалга оширилиши мумкин. Мамлакатда инвесторларга кафолатланган юқори фойда олиши учун яратилган шарт-шароитлар хорижий инвесторлар оқимининг ўсишига олиб келувчи муҳим шартлардан биридир.

Номинал ва реал ЯИМ.

Иқтисодиётда доимий инфляция жараёнининг мавжудлиги макроиқтисодий кўрсаткичларни таққослама баҳоларда ҳисоблашни зарур этиб қўяди. Чунки, инфляция иқтисодиётнинг реал ҳолатини бузиб кўрсатади. Иқтисодиётни таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишни қийинлаштиради. Бу вазифани бажариш учун жорий баҳоларда ҳисобланган номинал кўрсаткичлардан эмас, балки таққослама (базис) баҳоларда ҳисобланган реал кўрсаткичлардан фойдаланиш зарур. Баҳолар индексини ёки инфляция даражасини ҳисоблаш учун: дефлятор (ефл индекси); истеъмол нархлари индекси (Ласпейрес индекси); саноат ишлаб чиқариш баҳолари индекслари ҳисобланиши лозим.

Дефлятор кўрсаткичи қуйидаги формула ефля ҳисоблаганади:

$$\sum Q_{i1} P_{i1}$$

Дефлятор = ----- 100

$\sum Q_{i1} P_{i0}$

Номинал ЯММ

Реал ЯИМ = ----- 100

Дефлятор

Истеъмол нархлари индекси куйидагича аниқланади:

$\sum Q_{i0} P_{i1}$

ИНИ = ----- 100

$\sum Q_{i0} P_{i0}$

Бу ерда:

Q_{i0} – базис йилда бозор саватига киритилган i – товар ва хизматлар ҳажми;

P_{i1} – i – товарнинг жорий йилдаги баҳоси;

P_{i0} – i – товарнинг базис йилдаги ҳажми.

Саноат ишлаб чиқарувчилар баҳо индекси истеъмол нархлари индекси сингари ҳисобланади. Лекин бозор саватига саноат маҳсулотларигина киритилиб улар улгуржи баҳоларда ҳисобланади.

Иқтисодий даврлар ва иқтисодий тебранишларнинг сабаблари

Ишлаб чиқариш, бандлилик ва инфляция даражасининг даврий тебранишга иқтисодий давр (цикл)лар дейилади. Айрим иқтисодий даврлар бошқаларидан ўтиш даврининг давомийлиги ва фаоллиги билан фарқ қилади. Шунга қарамасдан уларнинг барчаси бир хил босқичлардан ташкил топади.

Иқтисодий даврлар тўртта босқични ўз ичига олади: «чўққи», пасайиш (рецессия), пасайишнинг куйи нуқтасидаги турғунлик, кўтарилиш босқичи.

Иқтисодий даврлар бир хил босқичларга эга бўлсада, аммо улар давомийлиги ва фаоллигига кўра ўзаро фарқ қилиб туради. Шунинг учун ҳам иқтисодчилар, бу жараёнларни иқтисодий даврлар деб эмас, балки иқтисодий тебранишлар деб аташ тўғри бўлади деб ҳисоблашади. Иқтисодий тебранишларнинг асосий сабаби сифатида иқтисодчилар уч омилини кўрсатади:

1) техника ва технологияларда рўй берадиган ўзгаришлар;

2) сиёсий ва тасодифий вазиятлар;

3) монетар омиллар.

Барча иқтисодчилар, ишлаб чиқариш ва бандлилик даражаларини ялпи талаб ва бошқача айтганда ялпи харажатлар миқдорига боғлиқ, деган фикрни қўллаб-қувватлайдилар.. Иқтисодий тебранишлар сабабларини, уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш, иқтисодий тебранишлар амплитудасини қисқартириш барча ҳукуматлар макроиқтисодий сиёсатининг муҳим мақсадларидан биридир.

Ишсизлик тушунчаси ва ишсизлик даражасининг ўлчаниши.

Ишчи кучи ёки иқтисодий фаол аҳоли деганда меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишлаётган ва ишсиз юрган аҳолининг умумий сони тушунилади.

Ишчи кучига бўлган талаб миқдорининг ишчи кучи таклифи миқдоридан кам бўлиши ишсизликни келтириб чиқаради.

Ишсизлар – бу, ишчи кучининг бир қисми бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган, лекин ишлашни хоҳловчи ва фаол иш қидираётган аҳолидир.

Ишсизлик даражаси деб ишсизларни ишчи кучи сонига нисбатига (% ҳисобида) айтилади ва уни қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

Ишсизлик даражаси = (ишсизлар сони / ишчи кучи сони) × 100

Ишсизликнинг қуйидаги турлари мавжуд:

-фрикцион ишсизлик;

-таркибий ишсизлик;

-даврий ишсизлик.

Тўла иш билан бандлик ишчи кучининг 100 фоиз иш билан таъминланганлигини билдирмайди. Аксинча, фрикцион ва структурали ишсизлик иложсиз ҳол бўлганлигини ҳисобга олсак, биз мутлақ тўла иш билан бандлиликка эришиб бўлмаслигини тушунамиз.

. Тўла иш билан бандлик давридаги ишсизлик, ишсизликнинг табиий

даражаси дейилади. Бунга иш қидирувчилар сони бўш иш жойлари сонига мувофиқ келсагина эришиш мумкин. Ишсизликнинг табиий даражаси фрикцион ва таркибий ишсизлик йиғиндисига тенг бўлади.

Ишсизликнинг табиий даражаси доимий эмас, чунки у иқтисодий вазият, конун ва миллий анъаналар билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари. А. Оукен қонуни.

Макроиқтисодий беқарорлик туфайли, иқтисодий пасайиш даврида мамлакат ўз иқтисодий потенциалини тўлиқ ишга солмасдан, яратилган ҳақиқий ЯИМ ҳажми (Y_x) потенциал ЯИМ (Y_p) ҳажмидан ортда қолади. Яъни ЯИМнинг узилиши (Y_{UZ}) рўй беради.

$$Y_x - Y_p$$
$$Y_{UZ} = \frac{Y_x - Y_p}{Y_p} \cdot 100$$

Потенциал ЯИМ деганда мамлакатдаги ишлаб чиқариш ресурсларидан тўлиқ фойдаланилган шароитда мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми тушунилади.

Потенциал ЯИМ*ни ҳисоблашда мамлакатда ишсизлик мутлақо йўқ деб эмас, балки мавжуд, бироқ у табиий даражада, деб ҳисобланади.

Ишсизлик даражасининг ошиши натижасида иқтисодиёт потенциал ЯИМ ҳажмидан кам маҳсулот яратади. Оукен қонунига кўра агар ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан бир фоизга ошиб кетса, яъни даврий ишсизлик 1 фоизни ташкил этса миллий иқтисодиёт ЯИМни 2,5 фоизга кам яратади.

Оукен қонуни ишсизликнинг турли даражаларидаги маҳсулот йўқотишлари ҳажмини аниқлаш имконини беради. Ҳозирги кунда β коэффициенти деб аталган бу коэффициент миқдори 2 фоиздан 3 фоиз оралиғида деб ҳисобланади.

Оукен қонунини формулада қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$Y_{UZ} = -2,5[u - u^*]$$

Бу ерда: u^* – ишсизликнинг табиий даражаси;

u – ишсизликнинг ҳақиқий даражаси.

ЯММ узилишини ифодалайдиган формула билан Оукен қонунини формуласини умумлаштириб қуйидаги формулани оламиз:

$$Y_x - Y_p$$
$$\frac{\quad}{Y_p} 100 = -\beta [u - u^*]$$
$$Y_p$$

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, намоён бўлиш шакллари ва ишсизлик даражасига таъсири.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди.

АҚШ иқтисодиёти яратилган шарт-шароитлар туфайли арзон кредит ресурсларига тўйинди ва бу Федерал заҳира тизими (ФЗТ) амалга ошираётган пул-кредит сиёсатини ўзгартиришига олиб келди. Натижада 2004-2006 йилларда Федерал заҳира тизими фоиз ставкаларни 6,25% гача кўтарди. Кредитларнинг қимматлашуви аҳолини ипотекага нисбатан талабининг пасайишига ва кредитларни қайтариш бўйича қарздорлар тўловининг қисқаришига олиб келди. Пировард натижада 2007 йил бошида АҚШда аҳолининг ипотека кредитларини қайтариши билан боғлиқ муаммо кучайди. Қарздорларнинг кўчмас мулк гарови билан олинган кредитларни қайтаришдан кўра тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолати кенгайди. Банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган мижозларнинг кўчмас мулкларини қайта сотувга қўйиши натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларнинг кескин пасайишига олиб келди.

Пировард натижада 2007 йил бошида АҚШда аҳолининг ипотека кредитларини қайтариши билан боғлиқ муаммо кучайди. Қарздорларнинг кўчмас мулк гарови билан олинган кредитларни қайтаришдан кўра тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолати кенгайди. Банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган мижозларнинг кўчмас мулкларини қайта сотувга қўйиши

натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларнинг кескин пасайишига олиб келди.

Аксарият молиячи-иқтисодчилар вужудга келган молиявий инқирознинг ҳақиқий сабабларидан бири сифатида ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни ҳаддан зиёд ортикча эркинлаштириш сиёсатининг «меваси» эканлигини, яъни «ўз-ўзини бошқарувчи бозор» ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий иқтисодиётга ва хусусан молиявий бозорларга аралашувини чекланганлиги билан ҳам изоҳламоқдалар.

Юзага келган глобал молиявий –иқтисодий инқироз жаҳоннинг асосий молиявий марказлари ҳисобланган йирик фонд бозорларини ўз ичига олувчи мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, молиявий инқироз инфляция, қатор банклар ва молиявий муассасаларнинг таназулга юз тутиши таъсирида ишсизлик, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ва бошқалар негизида иқтисодий инқироз шаклида кучайиб бормоқда. Бундан кўринадикки, ҳозирги жаҳон молиявий инқирозининг ўзига хос хусусияти – бу унинг иқтисодиётнинг молиявий секторидан бошланиб, реал секторига ўтганлигидир.

Глобал инқироз бўйича кўп сонли нашрларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, дунёнинг ривожланган давлатлари учун инқирознинг ҳаракат нуқтаси молиявий бозорларнинг беқарорлиги бўлди ва инқирознинг ривожланиши схемаси қуйидаги кўринишда бўлди:

Молиявий бозорларнинг беқарорлиги → Кредитларнинг қисқартирилиши ва истеъмолнинг пасайиши → Ишлаб чиқариш ва экспортнинг қисқариши, ишсизликнинг ўсиши.

Ҳукуматлар даражасида инқироздан чиқиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда бандлик масалаларини, талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга қаратилган кескин чораларни кўриш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Инфляциянинг моҳияти ва ҳисобланиш усуллари.

Инфляция (лотинча *inflatio* - шишиш, бўртиш, таранглашиш) – маълум

давр мобайнида мамлакатда баҳолар ўртача (умумий) даражасининг барқарор ўсиши, пулнинг харид қобилиятини узоқ муддатли пасайиши.

Умуман олганда инфляция пул муомаласи қонунларининг бузилиши шакли сифатида макроиктисодий мувозанатнинг бузилишини, талаб ва таклиф номуносивблигини англатади.

Кейнсчиар мактаби намоёндалари бундай номуносивбликнинг сабаби тўлиқ бандлик шароитида талабнинг ҳаддан зиёд бўлишида деб билишади. Бошқача айтганда ялпи талабни кўпайтириш инфляцияга олиб келмайди деб ҳисоблашади.

Неоклассик ёндошув тарафдорлари инфляциянинг манбаи ишлаб чиқаришнинг ҳаддан зиёд ўсишида, ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайишида деб билишади. Демак кейнсчилар инфляцияга талаб томонидан, неоклассиклар эса таклиф томонидан ёндошишади.

Инфляция нафақат пул муомаласининг издан чиқиши, балки бутун такрор ишлаб чиқариш механизмининг касали, макроиктисодий бузилишлар натижасидир. Баҳоларнинг ўсиши, пул бирлиги харид қобилиятининг пасайишидан ташқари инфляция намоён бўлишининг қуйидаги уч белгиси ҳам бор. Булар:

валюта курурсларининг ўзгариши;

кредит бериш шартларининг қимматлашув ва муддатларининг қисқариши томон ўзгариши;

кундалик эҳтиёж молларидан иборат истеъмол савати баҳосининг ўсиши.

Инфляция баҳо индекслари - дефлятор ва истеъмол нархлар индекси ёрдамида аниқланади.

Баҳолар ўртача (умумий) даражасининг нисбий ўзгариши инфляция даражаси (баҳоларнинг ўсиш суръати) деб аталади. Макроиктисодий моделларда инфляция даражаси қуйидагича ифодаланиши мумкин:

P-P-1

$\pi = \text{-----}$

P-1 бунда: π – йиллик инфляция суръати;

P - жорий йилнинг нархлар индекси; P-1 - ўтган йилнинг нархлар индекси.

Инфляциянинг турлари. Талаб ва таклиф инфляцияси.

Талаб инфляцияси иқтисодиётда талаб кескин ошиб кетиши ва уни ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми билан қондириш мумкин бўлмайдиган қолган шароитларда келиб чиқади. Яъни, тўлиқ бандлиликка яқин шароитда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ўсиб бораётган ялпи талабни қондириб бўлмайди. Ортиқча талаб эса реал товарлар баҳосининг кўпайишига иқтисодий босим беради ва талаб инфляцияси келиб чиқади.

Таклиф инфляцияси бу, мамлакат иқтисодиётида товар ва хизматлар таклифининг камайиши натижасида товар ва хизматлар баҳоларининг ошишидан пайдо бўлади. Бундай ҳолларда ортиқча талаб бўлмаса ҳам товарларнинг баҳолари ошиб боради. Ҳатто иш билан бандлик ва ЯИМ ишлаб чиқариш камайган йиллари товарларнинг баҳоси ошади. Жами таклиф қисқаришининг асосий сабаби маҳсулот бирлигига сарфланган харажатларнинг ўсиши ҳисобланади. Бунда номинал иш ҳақи, хом ашё ва ёқилғи нархларининг ошиши натижасида ишлаб чиқариш таннархи ҳам ошади.

Таклиф инфляциясининг келиб чиқишига, шунингдек, таклиф механизмининг бузилиши ҳам таъсир қилади. Таклиф механизми эса тасодифий ҳолда асосий ишлаб чиқариш омиллари баҳосининг кескин кўпайишидан келиб чиқади.

Инфляцияни реал даромадлар даражасига таъсири у кутилаётган ёки кутилмаётганига ҳам боғлиқ. Кутилаётган инфляция шароитида даромад олувчи инфляциянинг у олаётган даромадга таъсирини камайтириш, яъни реал даромади даражавсини сақлаб қолиш чорасини кўради.

Бу учун Фишер тенгламасидан фойдаланиш мумкин:

$i = r + \pi_{\text{кут.}}$, бу ерда i -номинал фоиз ставкаси; r - реал фоиз ставкаси; $\pi_{\text{кут.}}$ кутилаётган инфляция даражаси.

Инфляция суръати 10 фоиздан ошганда Фишер тенгламаси қуйидаги кўринишни олади:

i - лкут.

$r = \text{-----}$


$1 + \text{лкут.}$

Кутилмаган инфляция даромадларни дебиторлар ва кредиторлар ўртасида кредиторлар фойдасига қайта тақсимлайди. Шунингдек кутилмаган инфляция даромадларни қайд қилинган даромад олувчилар ва қайд қилинмаган даромад олувчилар ўртасида кейингилари фойдасига қайта тақсимлайди. Талаб ва таклиф инфляциясини қатъий чегаралаш қийин. Баъзида бу икки турдаги инфляция бир-бири билан қўшилиб кетади.

Инфляция ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқлик. Филлипс эгри чизиғи.

Иқтисодиёт ўз ривожланишида потенциал даражага яқинлашган шароитда ёки бандлилик даражасини ошириш ёхуд инфляция даражасини пасайтириш каби муқобил вариантлардан бирини танлашга мажбур бўлинади. Чунки қисқа муддатли даврда ишсизлик ва инфляция даражалари ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. Ишсизлик ва инфляция кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик инглиз иқтисодчиси А.В.Филлипс томонидан аниқланган ва Филлипс эгри чизиғи (4.1 -чизма) деб аталади.

Филлипс эгри чизиғи ишсизлик ва инфляция даражалари ўртасидаги тескари боғлиқликни характерлайди.





4.1.-чизма. Филлипс эгри чизиғи

Мамлакат иқтисодиётининг хусусиятига кўра, шунингдек, инфляциянинг кайси тури мавжудлигига караб Филлипс эгри чизиғидаги инфляция ва ишсизлик даражаларининг комбинацияси фарқ қилиши мумкин. Бундай танлов кутилаётган инфляциянинг суръатига боғлиқ. Кутилаётган инфляция даражаси қанчалик юқори бўлса ишсизликнинг ҳар қандай даражасида (суръати паст бўлган инфляция даражасига нисбатан) ҳақиқий инфляция даражаси юқори бўлади. Ишсизлик даражаси ва инфляция суръатининг мақбул миқдорлари қуйидаги формула кўринишида тасвирланиши мумкин:

$$\pi = \pi_{кут} + f \left(\frac{Y_x - Y_p}{Y_p} \right) + \varepsilon$$

Бу ерда π - инфляциянинг ҳақиқий даражаси; $\pi_{кут}$ - инфляциянинг кутилаётган даражаси;

$$f \left(\frac{Y_x - Y_p}{Y_p} \right) + \varepsilon - \text{талаб инфляцияси};$$

f - Филлипс эгри чизиғининг оғиш бурчагини белгиловчи эмпирик коэффициент;

ε - ташқи баҳо шоки (таклиф инфляцияси).

Оукен қонунига кўра ЯИМнинг узилиши, яъни $(Y_x - Y_p) / Y_p$ миқдор даврий ишсизликнинг ўзгаришига боғлиқлиги сабабли қисқа муддатли Филлипс эгри чизиғини тенгламасини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$= \pi_{кут} - \beta [u - u^*] + \varepsilon$$

Келтирилган тенгламадан кўриниб турибдики, ҳақиқий инфляция даражаси миқдори кутилаётган инфляция даражасига ҳамда ташқи баҳо шоклари даражаси билан тўғри боғлиқликка, даврий ишсизлик даражаси

билан эса тескари боғлиқка эга экан.

Ҳукумат Филлипс эгри чизигига асосланиб, қисқа давр учун, иқтисодий сиёсат мақсадларидан келиб чиқиб ишсизлик ва инфляция даражаларининг исталган комбинациясини танлаши мумкин.

Аксинфляция сиёсати ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида уни амалга ошириш хусусиятлари.

Аксинфляция сиёсати-баҳолар умумий даражасини барқарорлаштириш, инфляцион кескинликни юмшатишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат.

Аксинфляция сиёсати инфляцияни юзага келтирган сабабларни тугатишга қаратилган фаол ва инфляция шароитларига мослашишга қаратилган пассив кўринишда бўлиши мумкин.

Аксинфляция сиёсати ўз ичига қуйидагиларни олади:

-ялпи талабни тартибга солиш;

-ялпи таклифни тартибга солиш.

Кейнсчи иқтисодчилар биринчи йўналиш тарафдорлари бўлиб, улар давлат буюртмаси ва арзон кредит ҳисобига самарали талабни шакллантириш асосида ялпи таклиф даражасини кўтариш мумкин деб ҳисоблашади. Ҳукуматнинг бу тадбирлар иқтисодий пасайишни қисқартиради ва ишсизликни камайтиради.

“Аксинфляция сиёсатининг монетарстик йўналиши тарафдорлари кейинчалик, кейнсчиларнинг инфляцияга қарши кураш бўйича таклифлари доимо самара беравермагач ва камчиликлари юзага чиқиб қолгач юзага келди. Жумладан, бир қатор мамлакатларда давлат қарзи ҳаддан ошиб кетди. Бундай шароитда монетаристлар радикал аксинфляция усуллари таклиф этишди. Улар ялпи талабни конфискация типигаги пул ислоҳоти ўтказиш ҳисобига чеклаш ва бюджет тақчиллигини ижтимоий дастурларни қисқартириш камайтиришни таклиф этишди”*.

* Агапова Т.А.Серегина С.Ф. Макроэкономика:Учебник.-7-е изд.перераб. и доп.-М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. с. 214

Монетаристлар инфляция айнан пул билан боғлиқ ходиса бўлганлиги сабабли шок терапияси пул массасининг ўсиш суръатларини кескин қисқартиради ва инфляция суръатларини туширади деб ҳисоблашади. Аммо бунда ишлаб чиқариш кескин пасайиши ва бандлилик қисқариши мумкин.

Монетаристлар томонидан таклиф қилинаётган аксилинфляция сиёсатининг яна бир кўриниши - инфляция суръатларини аста секинлик билан пасайтириб бориш (градуаллаш) усулидир. Бу усулда инфляция суръатлари пул массасини кўп мароталаба, лекин оз оздан камайтириш орқали пул массасининг ўсиш суръатини пасайтиришни кўзда тутлади. Градуаллаш усули инфляцияни аста секинлик билан пасайтира бориб иқтисодиётда чуқур пасайишни олдини олиш имконини беради.

Градуаллаш усулини қўллаш пул массаси ва баҳолар даражасининг йиллик ўсиш суръати 20-30 фоиздан ошмаганда муваффақиятли бўлади, деб ҳисобланади.

“Солиқлар таркибини ўзгартириш, ялпи солиқ тушумларидаги тўғридан-тўғри солиқларнинг улушини камайтириш, билвосита солиқлар улушини кўпайтириш, солиқ ставкаларини пасайтириш, уларнинг рағбатлантириш функцияларини кучайтириш, давлат бюджети харажатларини пасайтириш кабилар ҳам инфляцияга қарши кураш тадбирлари ҳисобланади”*.

Аксилинфляция сиёсатининг у ёки бу турини танлаш инфляция жараёнларининг хусусиятига боғлиқ.

Инфляциянинг юқори суръатларини олдини олиш учун ҳукумат қўйидагиларни таъминлаши керак:

самарали солиқ тизимини ва давлат харажатлари нинг баақарорлигини;
пул массаси ва миллий даромаднинг бир маромдаги ўсиш суръатларини;
“инфляцияни импорт қилиш” га йўл қўймаслик.

Жаҳон молиявий -иқтисодий инқирози шароитида инфляцияга қарши чора тадбирларни кескин амалга ошириш зарурати янада кучайди

* Киселёва Е.А. Макроэкономика. /Экспресс курс:учебное пособие- М.:КНОРУС,2007, с.62.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Инқирозга қарши чоратadbирлар дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш, жумладан ишлаб чиқаришни модернизация ва техник қайта қуроллантиришни изчил давом эттириш, энергетика тизимини модернизация қилиш, асосий саноат тармоқларида маҳсулот таннархини 20 фоизга қисқартириш, коммунал хизматлар баҳолари ўсишини чеклаш механизминини шакллантириш, банк тизимини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва ҳ.к.лар инфляция суръатларини чеклаш имконини беради.

Ялпи талаб-ялпи таклиф моделига умумий тавсиф. Ялпий талаб тушунчаси ва графиги.

Макрокўламда миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан бирга баҳолар умумий даражасининг ўзгариши ўртасида боғлиқликни тадқиқ қилиш, нима учун миллий ишлаб чиқариш ҳажми айрим даврларда барқарор ўсиши, баъзи даврларда эса пасайиб кетишни изоҳлаб бериш учун ялпи талаб - ялпи таклиф (AD-AS aggregate demand- aggregate supply) моделидан фойдаланамиз.

Макроиктисодиётда AD-AS модели ишлаб чиқариш ҳажмлари ва баҳолар даражаларининг тебранишларини ҳамда улар ўзгаришининг оқибатларини ўрганиш учун базавий модел бўлиб ҳисобланади.

Ялпи талаб – уй хўжаликлари, корхоналар, ҳукумат ва чет эллик харидорларнинг баҳоларнинг маълум даражасида иқтисодиётда ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажмига бўлган талабидир.

Формула кўринишида ялпи талабни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$AD = C + I + G + X_n.$$

Баҳолар даражаси ва талаб қилинган ялпи ички маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифода этувчи чизиқ ялпи талаб эгри чизиғи деб аталади. Баҳодан бошқа омиллар таъсири

Миллий бозорда AD-эгри чизиғининг траекториясини, яъни унинг қуйига

эгилганлигини, аввало пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси ёрдамида изоҳлаш мумкин:

$$M V = Y P$$

Бу ерда: M – муомаладаги пул миқдори; V – пулнинг айланиш тезлиги;

P – иқтисодиётдаги баҳолар даражаси (баҳолар индекси); Y – талаб қилинаётган реал ишлаб чиқариш ҳажми.

Бу тенгламадан:

$$P = M V / Y \text{ ва } Y = M V / P$$

тенгламаларни келтириб чиқарамиз. Бу тенгламалардан кўринадикки, баҳолар даражаси қанча ошса, реал ЯИМ ҳажмига талаб шунча паст бўлади, яъни пул массаси (M) ва унинг айланиш тезлиги (V) ўзгармас бўлса баҳолар даражаси ва ялпи талаб ўртасида тесқари боғлиқлик мавжуд бўлади.

Ялпи талабнинг баҳо ва баҳодан бошқа омиллари

Баҳолар даражаси ва ялпи талаб ўртасидаги тесқари боғлиқлик қуйидаги баҳо омиллари билан изоҳланади:

1. Фоиз ставкаси самараси;
2. Бойлик самараси ёки реал касса қолдиқлари самараси;
3. Импорт харидлар самараси.

Фоиз ставкаси самараси шуни билдирадигани, ялпи талабнинг эгри чизик бўйича сурилиши нархлар даражаси ўзгаришининг фоиз ставкасига бўлган таъсирига боғлиқ. Буни қуйидаги мантиқий чизма кўринишида тасвирлаш мумкин:

$$P \uparrow \rightarrow MD \uparrow (MS \text{ const}) \rightarrow R \uparrow \rightarrow I \downarrow \rightarrow AD \downarrow$$

Бойлик самараси ёки реал касса қолдиқлари самараси шуни билдирадигани, нархлар даражасининг ошиши, жамғарилган молиявий активлари (омонатлар, облигациялар) реал харид қобилиятини пасайтириб юборади. Бундай шароитда аҳоли молиявий активларнинг реал қийматини тиклаш учун жорий даромадидан истеъмол харажатлар миқдорини қисқартиради. Истеъмол харажати ялпи талабнинг бир қисми бўлганлиги туфайли унинг камайиши AD нинг пасайишига олиб келади.

Молиявий

$P \uparrow \rightarrow \text{активларнинг} \downarrow \rightarrow \{ C \downarrow (S \uparrow) \} \rightarrow AD \downarrow$

реал қиймати

Импорт харидлар самараси шуни билдирадики, бирор мамлакатда товар ва хизматларнинг ички нархлари ташқи нархларга нисбатан ошиб борса, шу мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларга талаб камаяди ва ўз навбатида шу мамлакатда импорт маҳсулотларга бўлган талаб ошади.

$P \uparrow \rightarrow \{ X \downarrow (M \uparrow) \} \rightarrow X_n \downarrow \rightarrow AD \downarrow$

Ялпи талабнинг баҳога боғлиқ бўлмаган омилларига қуйидагиларни киритамиз:

1. Истеъмол харажатларидаги ўзгаришлар:
2. Инвестиция харажатларидаги ўзгаришлар:
3. Давлат харажатларининг ўзгариши. Масалан, ҳарбий харажатлар ва янги касалхона ва бошқа муассасалар қуришга қарор қилинганда.
4. Соф экспорт ҳажмидаги ўзгаришлар.

Ялпи талабнинг баҳога боғлиқ бўлмаган омиллари таъсирида АД эгри чизиғи ўнгга ёки чапга силжийди (5.1.-чизма). Натижада маълум баҳо даражасига мос келувчи талаб қилинаётган ялпи ички маҳсулот ҳажми ўзгаради.

Пул таклифининг, пулнинг айланиш тезлигининг ошиши, бошқа давлатлар миллий даромадининг ошиши, миллий валюта курсининг маълум миқдорда пасайиши (булар экспортнинг ортиши, импортнинг пасайишига олиб келиши туфайли) оқибатида соф экспортнинг пасайиши ва ялпи харажатлар турли компонентларининг ошиши АД эгри чизиғининг ўнгга силжишига олиб келади

Ялпи таклиф графиги ва омиллари.


Ялпи таклиф деганда муайян баҳолар даражасида ишлаб чиқарилиши ва таклиф қилиниши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг реал ҳажми тушунилади. Ялпи таклиф тушунчаси кўпинча ялпи ички маҳсулот синоними

сифатида қўлланилади.

Ялпи таклиф (AS) эгри чизиғи алоҳида товар таклифи эгри чизиғидан фарқ қилиб уч қисмдан, горизонтал ёки кейнс кесмаси, кўтарилиб борувчи ёки оралиқ кесма ҳамда вертикал ёки классик кесмадан иборат (5.2.-чизма).

Ялпи таклифнинг кейнс кесмаси иқтисодиёт пасайиш босқичида бўлган ва катта миқдордаги ресурслардан фойдаланилмаган шароитни кўрсатади. Бу кесмада миллий ишлаб чиқариш ҳажми ошиши баҳолар даражаси ўзгармай қолган шароитда рўй беради.

Ялпи таклиф эгри чизиғининг Кейнс кесмасида иқтисодиётни нисбатан қисқа муддатда амал қилишини характерлайди.



Ялпи таклиф эгри чизиғи

Вертикал ёки классик кесмада иқтисодиёт тўлиқ бандлик шароитига ёки ишсизликнинг табиий даражаси шароитига эришган вазиятни кўрамай. Иқтисодиёт эгри чизиқнинг бу кесмасида ўзининг ишлаб чиқариш потенциали даражасида бўлади.

Оралиқ кесма – Иқтисодиёт кўтарилиш босқичида бўлган вазиятни акс эттиради ва бу кесмада ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўсиши нархлар даражасининг ўсишига мос равишда ўсиб боради.

AD-AS моделида макроиқтисодий мувозанат. Макроиқтисодий

мувозанат бузилишининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юзага келишига таъсири.

AD ва AS эгри чизиқларининг кесишиш нуқтаси ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми ва баҳоларнинг мувозанатли даражасини белгилайди. Баҳоларнинг мувозанатли даражаси деганда баҳоларнинг шундай даражаси тушуниладики, унда жами талаб ва таклиф бир-бирига мос келиши ёки тенг бўлиши керак. Модделда макроиқтисодий мувозанатга эришиш механизмини дастлаб оралиқ кесмада кўриб чиқамиз (5.3.-чизма). Дастлаб мувозанат е нуқтасида ўрнатилган. Баҳоларнинг мувозанатли даражаси ва ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанатли ҳажмлари мос равишда P_e ва Y_e лар билан белгиланган. Нима учун P_e нархларнинг мувозанатли даражасини ва Y_e эса ялпи ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажминини билдиришини кўрсатишимиз учун баҳоларнинг мувозанатли даражаси P_e эмас, балки P_1 деб ҳисоблаймиз.

Баҳолар даражаси P_1 бўлган вазиятда ишлаб чиқарувчилар ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини Y_1 миқдоридан оширмайди.

Истеъмолчилар баҳолар даражаси P_1 бўлганда маҳсулотларни Y_2 даражада сотиб олишга тайёр туради. $AD > AS$ бўлганлиги туфайли истеъмолчилар

Ялпи таклиф эгри чизигининг оралиқ кесмасидаги мувозанат

ўртасидаги рақобат баҳолар даражасини P_e гача суради. Баҳолар даражасининг P_1 дан P_e гача кўтарилиши ишлаб чиқариш ҳажмини Y_1 дан Y_e гача оширишга ва истеъмолчилар талабини Y_2 дан Y_e гача камайишга олиб келади. Натижада AD ва AS эгри чизиқлари е нуқтада кесишади. Демак, айнан P_e баҳо баҳоларнинг мувозанатли даражаси ва е мувозанат нуқтасидир.

Ялпи таклиф ва ялпи талаб ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши макроиқтисодий беқарорликни келтириб чиқаради. Жумладан “жаҳон молиявий инқирозининг юзага келишида асосий сабаб – молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликнинг кескин

бузилиши ҳисобланишини таъкидлаш лозим. Пул муомаласи қонунларидан маълумки, иқтисодиёт соғлом ва барқарор амал қилиши учун муомалага чиқарилаётган пул массаси билан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажми ўртасида муайян нисбатга амал қилиниши лозим. Бироқ, миллий иқтисодиётларнинг байналминаллашуви ва глобаллашув жараёнлари пул муомаласининг амал қилишига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, дастлаб айрим мамлакатлар, масалан АҚШда, кейинчалик кўплаб мамлакатларда мазкур қонунга риоя қилишнинг заифлашуви, кейин эса уни умуман эътиборга олмасликка қадар олиб келди”. Натижада муомаладаги пул массаси (ялпи талаб) товарлар ва хизматлар ҳажми ўртасида мувозанат бузилди, ва молиявий инқироз иқтисодий инқирозга айланди.

Истеъмол ва жамғариш, уларнинг графиклари ва функциялари.

Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари (бундан буён истеъмол деб юритилади), ялпи талаб, ёки ЯИМнинг якуний истеъмолга кўра таркибида энг катта улушга эга бўлган компонентдир. Шу туфайли ҳам истеъмол харажатларига таъсир этувчи омилларни, унинг ўзгариш қонуниятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Уй хўжаликлари тасарруфидаги даромаднинг истеъмол қилинмасдан қолган қисми уларнинг жамғармаларини ташкил этади.

Ж.М. Кейнс уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари ва жамғаришлари ҳажмини белгиловчи асосий омил уларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этишдан олинган даромадлари, янада аниқроғи тасарруфидаги даромад деб ҳисоблайди

Маълумки, уй хўжалиги тасарруфидаги даромад истеъмол ва жамғариш учун ишлатилади. Яъни, қанча кўп истеъмол қилинса, шунча кам жамғарилади ва аксинча. Истеъмол ва жамғариш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳар хил даромадга эга бўлган шахсларда бир хил эмас: кам даромадга эга бўлганлар, одатда, унинг кўпроқ қисмини истеъмол қилиб, камроқ қисмини жамғаради, лекин даромадлари ошиб бориши билан бу нисбат жамғариш фойдасига ўсади.

Истеъмол графиги

Уй хўжаликлари тасарруфидаги даромадлар 390 ш.б.ка тенг бўлганда, унинг миқдори истеъмол миқдори билан тенглашади. Бу миқдор бўсағавий даромад деб юритилади (61. чизма).

Бўсағавий нуқтадан қуйида ҳақиқий истеъмол даромаддан ошиқ. Бу вазият инсонларнинг қарз ҳисобига ҳаёт кечиришини билдиради. е– нуқтада юқорида ҳақиқий истеъмол даромаддан кам ҳамда улар ўртасидаги фарқ жамғаришни ташкил этади. Ҳақиқий истеъмол тўғри чизиғи истеъмол ҳажмини белгиловчи вертикал ўқни а нуқтада кесиб ўтади. Бу ҳол уй хўжаликлари умуман даромад олмаганларида ҳам маълум миқдорда истеъмол қилишларини англатади. а – нуқта эса автоном истеъмол ҳажмини билдиради.

Истеъмол функциясини ёзамиз:

$C = a + b Y_d$, бу ерда: а – автоном харажатлар; Y_d – тасарруфидаги даромад ($Y_d = Y - T$), бу ерда: Т – солиқлар;

б – истеъмол ҳажмининг тасарруфидаги даромадга боғлиқлигини ифодаловчи коэффициент, бошқача айтганда истеъмолга чегараланган мойиллик.

ΔC

$b = \frac{\Delta C}{\Delta Y_d} \cdot 100$

ΔY_d

Демак, истеъмол ҳажми автоном истеъмолга, тасарруфидаги даромад ҳажмига ва истеъмол ҳажмининг тасарруфидаги даромад ўзгаришига таъсирчанлигига боғлиқ.

Жамғариш графигини ҳам истеъмол графигига ўхшаб алгебраик ифодалаш мумкин, яъни жамғариш функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$S = -a + (1 - b) Y_d$

Истеъмол ва жамғариш ҳажмига тасарруфидаги даромад динамикасидан ташқари қуйидаги омиллар, тўғрироғи бу омиллардаги ўзгаришлар ҳам таъсир кўрсатади:

1. Уй хўжаликлари даромадлари.

2. Уй хўжаликлариди тўпланган мулк хажми.
3. Баҳолар даражаси.
4. Иқтисодий кутиш.
5. Истеъмолчилар қарзлари хажми.
6. Солиққа тортиш хажми.

Истеъмол ва жамғаришга ўртача ҳамда чегараланган мойиллик.

Истеъмолга ўртача мойиллик деганда тасарруфидаги даромаддаги истеъмол харажатларининг улуши тушунилади, яъни:

C

$$APC = \frac{C}{Y_d} \cdot 100$$

Y_d

бунда: APC – (average propensity to consume) истеъмолга ўртача мойиллик.

Тасарруфидаги даромаддаги жамғариш улушини жамғаришга ўртача мойиллик деб аталади, яъни:

S

$$APS = \frac{S}{Y_d} \cdot 100$$

Y_d

Бунда: APS (average propensity to saving) – жамғармага ўртача мойиллик.

Истеъмолдаги ўзгаришларнинг шу ўзгаришни келтириб чиқарган тасарруфидаги даромад ўзгаришдаги улуши истеъмолга чегараланган мойиллик дейилади.

Δ C

$$MPC = \frac{\Delta C}{\Delta Y_d} \cdot 100$$

Δ Y_d

Бу ерда: MPC (marginal propensity to consume) – истеъмолга чегараланган мойиллик.

Жамғаришдаги ўзгаришнинг ихтиёрдаги даромад ўзгаришдаги улуши жамғаришга чегараланган мойиллик дейилади.

Δ S

$$MPS = \frac{\Delta Yd}{Yd} \cdot 100$$

$$\Delta Yd$$

. Даромаднинг ўсган қисми ёки истеъмолга, ёки жамғармага сарфланади.

Шу сабабга кўра истеъмол ва жамғаришга ўртача мойиллик кўрсаткичлари йиғиндиси 100%га ёки коэффициент кўринишида 1га тенг бўлади.

$$MPC + MPS = 100\% \text{ ёки } 1.$$

MPC ва MPS анча барқарор кўрсаткичлар бўлиб, жуда секин ўзгаришга учрайдилар.

Инвестицияларнинг моҳияти, графиги ва функцияси.

Инвестициялар ёки капитал қўйилмалар – бу, ҳали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган капиталдир.

Макроиктисодий таҳлилда энг кўп дуч келинадиган гуруҳлашда инвестициялар инвестициялаш объектига кўра уч турга бўлинади.

1. Ишлаб чиқариш инвестициялари;
2. Товар-моддий захираларига инвестиция;
3. Уй-жой қурилишига инвестиция.

Макроиктисодий таҳлилда инвестициялар динамикасини белгиловчи омил сифатида реал фоиз ставкаси қаралади.

Автоном инвестицияларнинг графиги инвестициялар ҳажми фоиз ставкаси динамикасига тесқари пропорционал тарзда ўзгаришини кўрсатади.

Автоном инвестиция функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$$I = e - dR$$

Бу ерда: I – автоном инвестиция харажатлари;

e – фоиз ставкаси 0 га тенг тўлгандаги инвестиция харажатларининг максимал ҳажми. У ташқи иқтисодий омиллар, ресурс имкониятлари, ер, фойдали қазилма бойликлари ва бошқалар билан белгиланади;

R – реал фоиз ставкаси;

d – инвестицияларнинг реал фоиз ставкаси динамикаси ўзгаришга таъсирчанлигини миқдорий белгиловчи эмпирик коэффициент.

Графикдан e нуқтаси шуни билдирадики, банклар нолга тенг фоиз

ставкаси

билан кредит берганларида ҳамда уларнинг кредит ресурслари чексиз

Автоном инвестициялар графиги

кўп бўлганда ҳам мамлакатдаги бошқа ресурслари миқдорининг чекланганлиги туфайли инвестиция харажатлари маълум миқдор билан чегараланади.

Инвестициялар динамикасини белгиловчи фоиз ставкасидан бошқа омиллар. Акселератор модели.

Инвестициялар динамикасини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб кутилаётган соф фойда нормаси ҳисобланади. Агар реал фоиз ставкаси билан инвестиция харажатлари миқдори ўртасида тескари боғлиқлик бўлса, кутилаётган соф фойда нормаси (КСФН) динамикаси билан инвестиция харажатлари ўртасида тўғри боғлиқлик бор.

Инвестиция харажатлари динамикасига таъсир этувчи бошқа омиллар қуйидагилар киради:

1. Солиққа тортиш даражаси;
2. Ишлаб чиқариш технологияларидаги ўзгаришлар;
3. Мавжуд бўлган асосий капитал миқдори;
4. Инвесторларнинг кутиши;
5. Ялпи даромадларнинг ўзгариши.

Инвестициялар ҳажмининг ЯММ ёки даромадлар даражасига боғлиқлигини акселератор модели акс эттиради:

$I = f(Y)$, яъни инвестициялар (I) ЯММ (Y)нинг функцияси экан.

Акселератор моделининг тўлиқроқ кўриниши қуйидагича бўлади:

$I = I_{режа} + \gamma Y$ бу ерда:

$\Delta I = I_t - I_{t-1}$

$\gamma = \frac{\Delta I}{\Delta Y} = \frac{I_t - I_{t-1}}{Y_t - Y_{t-1}}$

$\Delta Y = Y_t - Y_{t-1}$

Ирежа – режалаштирилган инвестициялар; Y – ЯИМ (даромад) ҳажми.

Акселетатор моделини ҳисобга олиб, инвестиция функциясини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$I = e - dR + \gamma Y$$

ЯИМ ҳажми ошиши корхоналар фойдасининг кўпайишига олиб келади. Корхона фойдаси инвестицияларнинг манбаи эканлигини ҳисобга олсак, бу ҳолатда инвестиция харажатлари ошади..

Ўзбекистон Республикасида олиб борилган оқилона макроиқтисодий сиёсат натижасида юзага келган қулай инвестиция муҳитияхшиланди. жумладан сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг таъминланганлиги, солиқ юқининг пасайтирила бориши, бозор инфратузилмасининг ривожлантирилиши, банк тизимининг мустаҳкамланиши ва банк фоиз ставкаларининг пасайтирилиши , инвесторларга кенг имтиёз ва кафолатлар тизимининг яратилганлига мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмининг ўсишига олиб келди.

Пул тушунчаси ва унинг функциялари. Пул агрегатлари.

Пул – иқтисодиёт субъектлари мулкнинг бир тури бўлиб, мулкнинг бошқа турларидан икки хусусиятига кўра фарқ қилади: биринчидан, пул юқори ликвидлиликлар, яъни қисқа муддатда, сезиларсиз сарф - харажатлар билан бошқа буюмга айирбошланиш қобилиятига эга; иккинчидан баҳолар ўзгармас бўлган шароитда пул ёки ҳеч қандай даромад келтирмайди.

Одатда пулнинг уч асосий функцияси мавжуд деб қаралади.

Булар : 1) тўлов воситаси (алмашинув воситаси); қиймат ўлчови воситаси,. жамғариш (бойлик тўплаш) воситаси.

Пулнинг юқори ликвидлилиги ва қийматни сақлаб туриши хусусиятлар барча турдаги тўлов воситаларида бир хил эмас. Нақд пуллар ва муддатсиз депозитларнинг ликвидлилиги джаражаси муддатли депозитларга ёки векселларга қараганда юқорироқ. Шу сабабли пул массаси ликвидлилик даражасининг пасайиб бориши тамойилига асосланган агрегатларга бўлинади.

Ривожланган мамлакатларда пул массасини аниқлашда - M1; M2; M3; M4 деб белгиланадиган пул агрегатларидан фойдаланилади.

Пул агрегатларининг таркиби ва миқдори турли мамлакатларда ўзаро фарқ қилиш мумкин. Қуйида умумлаштириб олинган пул агрегатлари таркибини келтирамиз:

“M0- банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар ва тижорат банкларининг Марказий банкдаги резервлари;

$M1 = M0 +$ муддатсиз депозитлар, йўл чеклари ва бошқалар;

$M2 = M1 +$ (миқдори ва муддати чекланган) муддатли депозитлар ва бошқалар ;

$M3 = M2 +$ (миқдори ва муддати чекланмаган) муддатли депозитлар ва бошқалар”*

Макроиқтисодий таҳлилда M1 ва M2 пул агрегатлари энг кўп фойдаланилади. Пул агрегатларининг динамикаси турли сабабларга боғлиқ. Масалан, даромадларнинг ошиши натижасида M1га талаб тезроқ ўсса, фоиз ставкасининг ўсиши натижасида M2 ва M3га талаб M1га нисбатан тезроқ ўсади.

8.2. Пулга талабнинг классик назарияси.

Пулнинг миқдорий назарияси пулга бўлган талабни алмашинув тенгламаси ёрдамида аниқлайди:

$$M \cdot V = P \cdot Y$$

Бу ерда: M – муомаладаги пул миқдори; V – пулнинг айланиш тезлиги;

P – баҳолар даражаси (баҳо индекси); Y – реал ЯИМ.

V доимий бўлган шароитда алмаштириш тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$M \cdot V^* = P \cdot Y \text{ (Фишер тенгламаси), бундан:}$$

$$P \cdot Y$$

$$M = \text{-----}$$

$$V^*$$

* Саидова Г., Шадыбаев Т. Макроэкономика Т., ИПАК «Шарк» 2003, 34 -с..

Муомаладаги пул массасининг ўзгариши, классик назарияга кўра, Y секин ўзгариши туфайли асосан баҳолар даражасига таъсир кўрсатади. Бу ҳолат “пулнинг нейтраллиги” номини олган.

Монетаристлар қоидасига кўра ҳукумат пул массасининг ўсиш суръатини, реал ЯММнинг ўртача ўсиш суръати даражасида таъминлаб турсалар иқтисодиётда баҳолар даражаси барқарор бўлади.

Фишер тенгламасидан ташқари бу тенгламанинг бошқа бир шакли Кембриж тенгламасидан ҳам кенг фойдаланилади:

$$M = k \times PY$$

Бу ерда: $k = 1/V$ – пулнинг айланиш тезлигига тескари миқдор.

k - коэффициентни номинал пул миқдори (M)нинг даромадлар ($P \cdot Y$)даги улушини кўрсатади.

Кембриж тенгламаси турли даражада даромадли бўлган турлича молиявий активлар мавжудлигини ва даромадни уларнинг қайси бири кўринишида сақлашни танлаш имконияти мавжудлигини кўзда туттади.

Пулга реал талаб қуйидаги кўринишда ҳисобланади:

$$(M/P) D = k Y$$

Бу ерда: M/P – “реал пул қолдиғи”, “пул маблағларининг реал заҳираси” деб номланади.

Пулга талабнинг кейнсча назарияси.

Пулга талабнинг Кейнс назарияси, ликвидлиликнинг афзаллиги назарияси, пулни нақд кўринишда сақлашга кишиларни ундовчи уч сабабни ажратиб кўрсатади:


трансакцион сабаб (жорий битимлар учун нақд пулга талаб);

эҳтиёткорлик сабабли (кўзда тутилмаган ҳолатлар учун маълум миқдорда нақд пулларни сақлаш);

спекулятив сабаб (фойда олиш мақсадида қимматли қоғозлар сотиб олиш учун пулга талаб).

Пул ликвидлилик хусусиятига эга бўлганлиги учун ҳам аҳоли уни сақлашни афзал билади. Ликвидлиликнинг афзаллиги назарияси кўрсатадики

пулга бўлган талаб миқдори фоиз ставкасига боғлиқ. Фоиз ставкаси нақд пул воситаларини қўлда ушлаб туришнинг муқобил харажатлари миқдорини, яъни, сиз фоиз олиб келмайдиган нақд пулларни қўлда ушлаб турган шароитда йўқотадиган пул миқдорини билдиради. Ноннинг нархи нон талаби миқдорига таъсир қилганидек, нақд пулларни қўлда ушлаб туриш миқдори ҳам пул захираларига талаб миқдорига таъсир кўрсатади. Шунинг учун фоиз ставкаси ошганда, инсонлар бойликларини нақд пул шаклида камроқ ушлаб туришга ҳаракат қилади.



Пулга талаб графиги

Реал пул захираларига талаб функциясини қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$M/P = f(R)$$

Классик ва кейнсчиларга хос ёндашувларни умумлаштириб, пулга талабнинг қуйидаги омилларини ажратиш мумкин:

- 1) даромадлар даражаси;
- 2) пулнинг айланиш тезлиги;
- 3) фоиз ставкаси.

Агар классик назария пулга талабни асосан, реал даромад ҳажми билан боғласа, кейнсчиларда эса пулга талаб асосан, фоиз ставкасига боғлиқ деб ҳисобланади.

Пулнинг айланиш тезлигини ҳисобга олмаганда, реал пул қолдигига талаб формуласи қуйидагича бўлади:

$$(M/P) D = f(R, Y);$$

Бу ерда: R – фоиз ставкаси; Y – реал даромад.

Чизиқли боғлиқликни эътиборга олсак, қуйидагича формула ҳосил бўлади:

$$(M/P)D = kY - hR$$

Бу ерда: k ва h – пулга талабнинг даромадлар ва фоиз ставкасига таъсирчанлигини ифодаловчи коэффицентлар; k – фоиз ставкаси (реал фоиз ставкаси).

Реал фоиз ставкаси номинал фоиз ставкасидан инфляция суръатини айириб топилади.

Пул таклифи. Банк мультипликатори

Пул таклифи (M_s) ўз ичига банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар (C) ва зарур бўлганда (D) иқтисодий агентлар битимлар учун ишлатиши мумкин бўлган депозитларни олади:

$$M_s = C + D.$$

Аксарият мамлакатларда давлат пул чиқаришда монопол ҳуқуққа эга.. Уни амалга ошириш ҳуқуқи нисбатан мустақил муассаса Марказий банк ихтиёрида. “ Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқариш мутлақ ҳуқуқига эга”*. Аммо пул таклифини кўпайтириш имконига ёки пул яратиш қобилиятига тижорат банклари ҳам эга.

Банкларнинг пул таклифини юзага келтириш қобилияти депозитларни мажбурий заҳиралаш меъёри билан тартибга солиб турилади. Пул таклифи ва мажбурий заҳиралаш меъёри ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги формула кўринишида ёзишимиз мумкин:

$$M = (1/rr) \times D$$

Бунда: M - пул таклифи ҳажми; rr – мажбурий заҳиралаш нормаси ;

D - дастлабки депозит.

Келтирилган формуладан кўриниб турибдики, пул таклифи $1/rr$ коэффицентига боғлиқ бўлиб, уни банк мультипликатори ёки пул экспансияси мультипликатори, деб аталади. У ушбу банк заҳиралар нормасида ортиқча заҳираларнинг бир пул бирлиги билан яратилиши мумкин бўлган янги кредит

* Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги Қонуни, 1995йил. 21 декабрь / Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами.Т.: Ўзбекистон, 2003., 18-б.

пулларининг энг кўп миқдорини билдиради.

Пул таклифининг кенгайтирилган модели. Пул мультипликатори

Пул таклифининг умумлашма модели Марказий банкнинг пул таклифидаги роли ҳамда пулнинг бир қисмини депозитлардан нақд пулларга оқиб ўтишни ҳисобга олган ҳолда ёзилади. Бу модел бир қатор янги ўзгарувчиларни ўз ичига олади. Булар:

- пул базаси (резерв пуллар, юқори қувватли пуллар) – банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар ва тижорат банклари Марказий банкда сақлайдиган депозитлар суммаси;

- депонентлаш коэффициенти - $C_r = C / D$

Пул базасини M_B ва банк резервларини R деб белгиласак,

$$M_B = C + R.$$

Пул таклифининг кенгайтирилган моделини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$C_r + 1$$

$$M_s = \frac{C_r + 1}{C_r + r r} \cdot M_B \text{ ёки } M_s = m \cdot M_B$$

$$C_r + r r$$

$(C_r + 1) / (C_r + r r)$ нисбат пул мультипликатори деб юритилиб бир сўмлик пул базаси ҳисобига неча сўмлик пул таклифи юзага келишини кўрсатади

$r r = R / D$ миқдори эса – аҳолининг нафақат Марказий Банк белгилаб берган мажбурий резерв нормасига, балки тижорат банклари сақлаб туришни мўлжалланаётган ортиқча резерв миқдорига ҳам боғлиқ.

Демак, пул таклифи пул базаси ва пул мультипликатори миқдорига боғлиқ экан. Пул мультипликатори пул базасининг бир миқдорга ошиши натижасида пул таклифи қандай ўзгаришини кўрсатади.

Пул бозорида мувозанат

Пул бозори модели пулга талаб ва таклифни бирлаштиради.


Чизма реал пул таклифи миқдоридagi фоиз ставкасига боғлиқ бўлмаган вазиятни кўрсатади. Шунинг учун реал пул воситалари таклифи графикда кўрсатаётганимиздек вертикал чизиқ кўринишига эга бўлади. Бу ҳолат фоиз

ставкаси қанчалик ўзгаришига қарамасдан реал пул таклифи миқдори ўзгармасдан қолган вазиятни акс эттиради.

Баҳолар даражасини ҳам барқарор деб қабул қиламиз. Бу ҳолатда реал пул таклифи M^*/P^* га тенг ва графикда M_s тўғри чизик кўринишига эга бўлади.

Пул талаби берилган даромад даражасида фоиз ставкасига тесқари пропорционал эгри чизик кўринишига эга. Мувозанат нуқтасида пулга талаб ва пул таклифи ўзаро тенг, (9.2.-чизма).

Ўзгариб турувчи фоиз ставкаси пул бозорини мувозанатда ушлаб туради. Фоиз ставкасининг ўзгариши натижасида иқтисодий агентлар ўз активлари таркибини ўзгартиргани туфайли пул бозорида мувозанатга эришиш учун вазиятга таъсир этиб уни ўзгартириш зарур ва мумкиндир. Агар R жуда юқори бўлса, пул таклифи унга бўлган талабдан юқори бўлади. Иқтисодий агентлар ўзларида тўпланиб қолган ортиқча нақд пулларни акция ва облигацияларга айлантириб, улардан қутилишга интилишади.




МД

M^*/P^* M/P M^*/P^* M/P

Реал пул воситалари заҳи- Пул бозорида мувозанат
раси таклифи графиги модели

Юқори фоиз ставкаси, таъкидланганидек, облигациялар курсининг пастроқ даражасига мос келади. Шу сабабли, арзон облигацияларни (келажакда фоиз ставкаси пасайиши оқибатида улар курси ўсишини кўзда тутиб) сотиб олиш фойдали бўлади.

Банклар, $M_s > M_d$ бўлгани учун фоиз ставкасини пасайтира бошлайди. Аста-секин иқтисодий агентлар ўз активлари таркибини ўзгартириши ва банклар томонидан фоиз ставкасининг ўзгартирилиши оқибатида пул бозорида мувозанат тикланади. Фоиз ставкаси пасайиб кетган ҳолатда тесқари жараён рўй беради.



$M_{1d}(Y_1)$ M_d

M^*/P^* M/P M^*/P^* M^*/P^* M/P

Даромадлар даражасининг Пул таклифининг камайиши ошиши натижасида пулга натижасида пул бозорида талабнинг ўзгариши. занатнинг ўзгариши.

Фоиз ставкаси ва пул массаси мувозанатли даражасининг ўзгариб туриши пул бозорининг экзоген ўзгарувчилари – даромадлар даражаси ва пул таклифининг ўзгариши натижасида ҳам рўй беради.

График кўринишда, бу, пул талаби ва пул таклифи эгри чизиқларининг силжиши сифатида намоён бўлади (19.3. ва 19.4. чизмалар).

Даромадлар даражасининг Y_1 дан Y_2 га қадар ўсиши (20-чизма) пулга талабни M_{1d} дан M_{2d} гача ошишига ва фоиз ставкасини R_1 дан R_2 га қадар кўтарилишига олиб келади. Пул таклифининг камайиши ҳам фоиз ставкасининг кўтарилишига ва мувозанат нуқтасининг ўзгаришига олиб келади.

Пул бозорида мувозанатни ўрнатиш ва сақлаб туриш механизми

қимматли қоғозлар бозори ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида мувафқиятли амал қилади. Пул бозоридаги мувозанат товарлар ва хизматлар бозоридаги мувозанат сингари макроиқтисодий мувозанатнинг муҳим таркибий қисмидир.

Давлат бюджетининг моҳияти ва функциялари.

Давлат бюджети мамлакат молия тизимининг марказий унсури бўлиб макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Давлат бюджети молиявий баланс сифатида икки қисмдан иборат бўлиб, бу қисмларни содда қилиб даромадлар ва харажатлар деб аташ мумкин.

Давлат бюджети даромадлари солиқ ва солиқ бўлмаган тушумлар ҳисобига шакллансада, макроиқтисодий таҳлилда у солиқлар ҳисобибагина шаклланади деб қаралади.

Давлат бюджети харажатлари таркибида иқтисодиётга харажатлар, марказлашганг инвестицияларни молиялаштириш, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий соҳа, давлат бошқарув ва суд идораларини молиялаштириш моддалари мавжуд.

Давлат бюджет харажатларини (давлат харажатлари ва трансферт тўловлари) кўпайтириш ёки қисқартириш орқали мамлакат иқтисодиётига аралашади. Давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита усуллари ёки бюджет сиёсати товар ва хизматларнинг давлат хариди, ЯИМни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмидаги мутаносибликни таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларга молиявий ёрдам шаклларини кўрсатиш, баҳолар устидан назорат ўрнатиш, экспорт ва импорт қилинадиган товарларга квоталар ўрнатиш ва шунингдек, мамлакат аҳолисини ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар мажмуасидан иборат.

Давлат бюджети маблағлари ҳукуматнинг даромадларни ва ресурсларни қайта тақсимлаш функциясин бажариши учун имконият яратади.

Давлат бюджети харажатлари.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 2000-2006 йилларда Давлат бюджети харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши камайиб борди 29,5 фоиздан 20,2 фоизгача тушди. Бу ҳолат аввало бюджет даромадларининг ЯИМга нисбатан улуши камайганлиги, шунингдек бюджет харажатларини оптималлаштириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширилиши билан изоҳланади

Давлат бюджети харажатларининг ЯИМ га 2005 йилда 22,5%гача сезиларли бўлмаган пасайиши марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари (ЯИМга нисбатан 2004 йилдаги 2,7%дан 2005 йилда 2,4%га) ва бошқа харажатларнинг (ЯИМга нисбатан 2004 йилдаги 5,6%дан 2005 йилда 5%га) қисқариши ҳисобига рўй берди.

Иқтисодиётни учун харажатлар 2005 йилда ЯИМга нисбатан 3,0%ни, жами бюджет харажатларига нисбатан эса 13,3 % ни ташкил қилди. Ижтимоий соҳа ва ижтимоий ҳимояга ажратилган харажатларнинг бироз кўпайганлиги кузатилди. биргаликда) жами харажатлар таркибидаги улуши 2004 йилдаги 47,5%дан 2005 йилда 50,2%гача ўсди.

2007 йилда давлат бюджети харажатлари ЯИМга нисбатан 20,7 % ни ташкил этди. Барча режалаштирилган харажатлар иштимой-иқтисодий дастурлар учун тўла ҳажмда молиялаштирилди, давлат бюджети харажатлари прогнозга нисбатан 109 % да бажарилди. Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналиши сақлаб қолинди (бюджет харажатларининг 50 % и). Ижтимоий муҳофаза, иш ҳақи тўловлари, нафақалар ва степендилар ўз вақтида ва тўлақонли молиялаштирилди.

Маорифга йўналтирилган харажатлар улуши ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлашга, умумий харажатларнинг 59,4 %ини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 1,1 % га ошди.* Бу эса Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан коллежлар ва лицейлар сонининг кенгайтирилганлиги

* Манба: 1.“Ўзбекистон Иқтисодиёти”. Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2007 йил. Т.: 2008 й. август., 23 б.

натижаси ҳисобланади. Соғлиқни сақлашга харажатлар ижтимоий харажатларнинг 22,4 %ини ташкил этди (2006 й. 22,6 %).

2007 йилда “Ижтимоий ҳимоя йили” дастурини амалга ошириш муносабати билан ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ҳамда кўламини кенгайтириш борасида кўшимча чора-тажбирлар амалга оширилиши натижасида эҳтиёжманд, ногирон ва ёлғиз кекса одамларга ёрдам кўрсатиш учун бюджетдан 226,5 млрд. сўм ажратилди.

Бу йилларда бошқарув органсарини молиялаштириш харажатларининг ЯИМдаги улуши кескин ўзгармади ва 0,5-0,6 % даражасида сақланиб қолди.

Иқтисодиётга қилинган харажатлар сув хўжалиги объектлари ва аҳоли пунктлари инфратузилмалари фаолиятини ва зарурий моддий техника тараққиётини таъминлаган бўлса-да, жами харажатлар таркибида харажатлар таркибида уларнинг улуши 2004-2007 йиллар давомида қисқарди ва 2007 йилда ЯИМга нисбатан 2,3 % ниташкил этди.

Таҳлил қилинаётган даврда марказлашган инвестицияларнинг бюджет харажатларидаги улушининг камайиши тенденцияси барқарор бўлди.

Солиқларнинг турлари ва функциялари.

Солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдириб, бу муносабатлар солиқ тўловчилар (хуқуқий ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида юзага келади.

Солиқлар фискал, қайта тақсимлаш, рағбатлантириш ва назорат функцияларини бажаради.

Марказлашган пул фондини ва давлатнинг бошқа фондларини мажбурий ташкил этадиган солиқ ва йиғимлар турларининг йиғиндисига солиқлар тизими деб аталади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига биноан солиқлар тизими умумдавлат солиқлари ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади (10-жадвал).

10-жадвал

Ўзбекистон Республикасида солиқлар тизими таркиби

Умумдавлат солиқлари.	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
<p>1.Юридик шахслар даромадига (фойдасига) солиқ..</p> <p>2.Жисмоний шахслар даромадига солиқ..</p> <p>3.Қўшилган киймат солиғи.</p> <p>4.Акциз солиғи.</p> <p>5.Ер ости бойликларидан фойдаланиш солиғи.</p> <p>6.Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ..</p> <p>7.Савдо ва умумий овкатланиш ташкилотларидан ялпи даромад солиғи.</p> <p>8.Божхона божи.</p> <p>9..Давлат божи.</p> <p>10.Кимматли қоғозларни руйхатдан ўтказиш йиғими.</p> <p>11.Бошқа даромадлар.</p>	<p>1.Мол-мулк солиғи.</p> <p>2.Ер солиғи.</p> <p>3.Ягона солиқ..</p> <p>4.Инфратузилмани ривожлантириш солиғи.</p> <p>5.Жисмоний шахсларнинг транспорт ёқилғиси учун истеъмол солиғи.</p> <p>6.Жисмоний шахслар четдан товарлар олиб келганлиги учун ягона божхона тўлови.</p> <p>7.Савдо ҳуқуқ йиғими, шу жумладан алоҳида товарларни турларини сотиш лицензия йиғими.</p> <p>8. Ишбилармонлик билан шуғулланувчи.ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларни руйхатдан ўтказиш йиғими.</p> <p>9.Бошқа тўловлар.</p>

Солиқлар солиққа тортиш объектига караб тўрт гуруҳга булинади:

- оборотдан олинадиган солиқлар;
- даромаддан олинадиган солиқлар;
- мол-мулк кийматидан олинадиган солиқлар;
- ер майдонига караб олинадиган солиқлар..

Иқтисодий моҳиятига караб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга ёки бевосита ва билвоста булинади.

Тўғри солиқларни бевосита солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни

солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Тўғри солиқ юкини бошқаларга ортиш Ҳолати бу ерда бўлмайди. Бу солиқларга ҳамма даромаддан туланадиган ва барча мулк солиқлар и киради.

“Тўғри солиқлардан тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга колдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқларнинг ставкалари купайтирилса, бизнес имкониятлари камая бориб, иқтисодий ривожланишни сусайтиради. Демак бу гуруҳ солиқларнинг ставкалари тўғридан-тўғри бозор иқтисодиёти билан чамбарчас боғлангандир”*.

Эгри солиқларни ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилардир (хизмат кўрсатувчилардир). Лекин солиқ оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат) ни истеъмол қилувчилардир, яъни ҳақиқий солиқ тўловчилар бу ерда яширинган. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) киймати устига устама равишда қўйилади.

Эгри солиқлар таркибига ҚҚС, акциз солиғи, божхона божи, ер ости бойликларидан фойдаланиш солиқлари киради. Юқорида айтиб утилганидек, тўғри ва эгри солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб бир-бири билан ўзаро боғланган. Умумий солиқ суммаси ўзгармаган ҳолда бирининг ставкасини камайтириш иккинчисини ставкасини оширишни талаб этади.

Давлат бюджетининг солиқларга кўра таркиби. Солиқ юки

Республикамызда 1992 йилда жами 24 турдаги солиқлар ва йиғимлар амалда бўлган бўлса уларнинг сони 2000 йили 17 тагача, 2006 –йилга келиб эса 12 тагача қисқарди. Солиқлар турининг қисқариши айрим солиқларнинг бекор қилиниши, айримларини эса қўшиб юбориш-унификация қилиш ҳисобига таъминланди. Масалан ижтимоий инфратузилма солиғига ободонлаштириш йиғими қўшиб юборилган бўлса, 2006 йилда экология солиғи мутлақ бекор қилинди.

* Маликов Т.С. Солиқ ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. Т.: “Академия”, 2002, 56-б.

2000-2008 йилларда фойда солиғи ставкаси 31 %дан 10 фоизга туширилди, Шунингдек, тадбиркорлик субъектларидан олинадиган ягона солиқ унификация қилинди, яъни унга нобюджет давлат жамғармаларига ўтказиладиган мажбурий тўловлардан ягона йўл жамғармаси, мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар ҳам қўшиб юборилди. Ягона солиқ ставкаси 2007 йилда 13 % га, 2008 йилда эса 8 % гача, 2009 йилда 7 фоизгача пасайтирилди. Натижада давлат бюджетининг солиқларга кўра таркибида силжиш

Бу чора тадбирлар иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш имконини берди.

Агар давлат бюджети даромадларининг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 28,5 % бўлган бўлса 2005 йилда 22,6 % ни 2008 йилда 22,5 % ни ташкил этди (10.1. диаграмма).

10.1.-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига солиқ юки динамикаси (Солиқ тушумларининг ЯИМга нисбатан %и)



Нобюджет давлат жамғармаларини ҳам қўшиб ҳисобланадиган жамланма бюджет даромадларининг ЯИМдаги улуши сифатида аниқланадиган солиқ юкининг ҳам камайишини кузатишимиз мумкин. 2001-2007 йиллар давомида иқтисодиётга умумий солиқ юки 40 фоиздан 27

фоизгача пасайтирилди.

Солиқ ставкаларини пасайтириш, иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини кучайтириш борасида амалга оширилган чора тадбирлар натижасида умумий солиқ юки камайгани ҳолда, бюджет даолмадлари ортиб борди, уларнинг таркибида ижобий силжишлар рўй берди. Давлат бюджетига солиқ тушумларининг кўпайиши ҳукуматимизга ижтимоий-иқтисодий дастурларни молиялаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги тадбирларни амалга оширишига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати ва солиқ ислохотларининг асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган солиқ сиёсати иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришда солиқларнинг ролини ошириш, уларнинг рағбатлантирувчи функциясини кучайтириш, солиқларни унификация қилиш, иқтисодиётга солиқ юкини пасайтириш, солиқ ставкаларини пасайтириш каби йўналишларда олиб борилмоқда. Тўғридан-тўғри солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, кичик бизнес субъектлари учун соддалаштирилган солиқ тизимининг жорий этилиши иқтисодиётга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатмоқда.

Солиқ ислохотлари тўғридан тўғри солиқларнинг ставкаларини камайтириш, ресурс тўловлари ва мулк солиғи бўйича тушумларнинг давлат бюджетидаги улушини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бундай имтиёзлар ички инвесторларга ҳам берилишини кўзда тутувчи “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони имзоланиши билан иқтисодиётга инвестициялар жалб этишни рағбатлантириш механизмини такомиллаштиришда янги босқич бошланди. Ушбу фармондан кўзда тутилган мақсад “хўжалик субъектлари томонидан

ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга мқаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш...” дир.*

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда амалга оширилаётган солиқ сиёсати, солиқ механизмнинг инвестициялар ҳажмини оширишга, уларни устувор тармоқларга жалб этишга, таркибини такомиллаштириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадларига тасирини яхшилашга қаратилган.

Назорат саволари:

1. Қўшилган қиймат, якуний маҳсулот, оралиқ маҳсулот кўрсаткичларини тавсифлаб беринг.
2. Нима учун ЯИМ кўрсаткичини қайта ҳисоблашдан эҳтиёт бўлиш зарур ва бунга қандай эришилади?
3. ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблашда қўлланиладиган компонентлар таркибини санаб ўтинг.
4. Иқтисодий тебранишларнинг сабабларини қандай изоҳлайсиз?
5. Ишсизликнинг қандай турлари мавжуд? Ишсизлик даражаси қандай аниқланади?
6. Ишсизликнинг табиий даражаси, иш билан тўлиқ бандлилик тушунчаларига тавсиф беринг.
7. Инфляциянинг моҳияти фақатгина муомаладаги пул массасининг ортиқчалиги билан изоҳланиши тўғрими?
8. Инфляцияни тушунтириб беришга кейнчиларнинг ва неоклассикларнинг ёндошувлари қандай фарқ қилади?
9. Талаб инфляцияси қандай содир бўлади?

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони.// Халқ сўзи., 2007 йил 15 март, №52.

10. Филлипс эгри чизиғи қайси кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади? Бу боғлиқлик қандай тавсифланади?

11. Аксилинфляция сиёсатининг моҳиятини тушунтириб беринг.

12. Ялпи талабга ва унинг компонентларини таъриф беринг.

13. Ялпи талаб эгри чизиғи қуйига эгилган траекторияга эга бўлиши сабаби нимада?

14. Ялпи талабнинг бошқа омилларига ва уларнинг AD эгри чизиғига таъсирига изоҳ беринг.

15. Ялпи тақлиф эгри чизиғи шакли қайси сабабларга кўра мураккаб кўринишга эга?

16. Пулнинг моҳиятини тушунтиринг ва функцияларига изоҳ беринг.

17. Пул агрегатлари деганда нимани тушунасиз ва уни белгилашда қайси тамойилга амал қилинган?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2017.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947 – сонли фармони // Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2017 йил, 6-сон.

3. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 апрель 2017 йилдаги 18 (778) – сонли қарори. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

4. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2016.56-б.

5. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик–ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. - Т.:Ўзбекистон, 2017. 56-б.

6. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Т.:Ўзбекистон, 2017. 488-б.

7. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика. 2-е изд. -СПб.: Питер, 2010, 7-14 с.с.
8. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие- М.: КНОРУС, 2010, 10-28 с.с.
9. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика, 18-е изд.: пер. с англ.,-М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009, 29-57 с.с.
10. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд.- СПб.: Питер, 2008, 25-52 с.с.
11. Киселева Е.А. Макроэкономика: Экспресс курс: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2008, 11-22 с.с.
12. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник.-7-е изд. перераб. и доп.- М.: Издательство “Дело и сервис”, 2005. 14-22 с.с.
13. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).-T.: O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. , 9-17 b.b.
14. Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник.- 6-е изд. , испр. и доп. –М.: Высшее образование», 2006, 12-28 с.с.
15. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт, Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004, 7-17 б.б.

2-Мавзу. Камёб ресурслар шароитида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишлари

Режа:

1. Камёб ресурслар шароитида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни барқарор бошқариш.
2. Қишлоқ ва сув хўжалигида инновациялар ва илмий-техник тараққиёт.

Таянч иборалар: Камёб ресурслар, самарали фойдаланиш, барқарор

бошқариш, қишлоқ хўжалиги, муҳофаза қилиш, табиий ресурслар, иқтисодий баҳолаш, барқарор бошқариш, иккиламчи ресурслар, экологик-иқтисодий хусусиятлар.

1. Камёб ресурслар шароитида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни барқарор бошқариш

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб мамлакатдаги инвестиция сиёсати ҳисобланади. Бу ўз навбатида республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади.

Табиат объектлари ичида ер ресурслари алоҳида ўринни эгаллайди. У мамлакатимиз миллий бойлигининг энг муҳим қисми, ишлаб чиқаришни юритишнинг асосий негизи ҳисобланади. Ҳар бир гектар тупроқ қатлами ўзида бир тоннадан ортиқроқ ўсимлик ва ҳайвонот организми ҳаётийлигини таъмин этадиган, шунингдек одам учун 99 фоиз озуқа берадиган бактериял биомассани сақлайди. Демак, ер халқнинг энг асосий ва бебаҳо бойлиги, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи манбадир. Шу сабабдан, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш натижасида жамият ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий самарага эришиши муқарардир.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига (8-модда) асосан мамлакатимизда ер фондидаги ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига биноан қуйидаги тоифаларга ажратилади:

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар.

Аҳоли пунктларининг (шаҳар, қишлоқ аҳоли пунктларига қарашли) ерлари.

Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа учун мўлжалланган ерлар(саноат корхоналари, шу жумладан, кон саноати, энергетика корхоналарига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар, ҳамда иншоотлар қуриш учун доимий

фойдаланишга берилган ерлар)

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар (қўриқхоналар, миллий боғлар, ботаника боғлари, махсус мақсадлар учун берилган ерлар).

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар.

Ўрмон фонди ерлари.

Сув фонди ерлари (сув ҳавзалари, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган ерлар, сув хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар).

Захира ерлари (Ўзбекистон ер фонди таркибига кирувчи, доимий эгаллаш ва фойдаланишга берилмаган ер майдонлари).

Санаб кўрсатилган ер тоифалари ягона давлат ер фондини ташкил этиб, улар бир тоифадан иккинчисига ўтиб туриши мумкин, яъни улар белгиланган тоифада қотиб қолмайдилар. Масалан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг баъзи қисмлари аҳоли пунктлари ерлари тоифасига киритилиши, ёки захира ерлари фондидан саноат, транспорт, алоқа ерларни тоифаси ҳосил қилиш мумкин. Ерларни бир тоифадан бошқаси ўтказиш (Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексидаги 9-моддага асосан) ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади.

Ер турли салбий таъсирлар натижасида биологик бузилади, экологик ифлосланади ва деҳқончилик борасида тупроқ ҳосилдорлиги пасаяди. Антропоген жараёнлар натижасида ернинг фойдали фонди бузилади, ҳосилдор ерлар турли қурилишлар ва йўллар ўтказишга олинади, экин ерларининг майдонда йил сайин қисқаради.

БМТнинг 1992-йили Рио-де-Жанейро шаҳрида атроф-муҳит ва унинг ривожланишига бағишлаб ўтказилган конференция маълумотларига кўра, дунё бўйича деградацияга учраган майдонининг 1 фоизи жуда кучли, 15 фоизи кучли, 46 фоизи ўртача, 38 фоизи эса енгил деградацияга учраган майдонларни ташкил этади. Шу деградация жараёнининг 56 фоизи сув эрозияси туфайли, 28 фоизи шамол эрозияси, 12 фоизи кимёвий ва 4 фоизи

физикавий эрозия оқибатида юзага келган.

Ер бойликларининг бундай оғир ҳолатга келиши, майдонининг камайиши аҳоли яшаш шароитида муаммолар туғдиради, озиқ-овқат маҳсулоти камаяди. Масалан, БМТ нинг 2002 йил 10-14 июндаги Римдаги кенгашида берилган маълумотларга кўра, аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш борасидаги оғир ҳолатдаги мамлакатларда ҳар куни 24000 одам очликдан ўлади, 8 млн. аҳоли эса очлик азобини тортмоқда.

Бундай оғир ҳолатнинг олдини олиш учун дунё аҳолисининг ҳар бири табиий захираларни сақлаш, унинг элементларини барқарор ривожланишини таъминлаш, экин майдонларининг биологик ҳосилдорлигини ошириш чораларини кўришлари керак. Чора-тадбирларга унумдор ерлардан оқилона фойдаланиш, чорвадорликни ривожлантиришда ўсимликлар қопламини бузмаслик, ер бойликларини саноат, коммунал-хўжалик, турли йўл, сув иншоотлари, кончилик, нефть-газ саноатлари, кимёвий корхоналар таъсиридан, уларнинг зарарли чиқиндилари, оқовалари ва захарли газлардан сақлаш, фойдали экин майдонларини йўқотмаслик йўллари билан фойдали ер фонди ва тупроқ ҳосилдорлигини сақлаш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулот билан таъминлаш мумкин.

Ернинг ҳосилдорлиги табиий ва инсон омиллари таъсирида ўзгариб туради, яъни юқори ёки аксинча паст бўлиши мумкин. Шу сабабли ернинг иқтисодий баҳосини узоқ муддатлар учун етарли аниқ даражада аниқланмайди, уни маълум вақтларда қайтадан аниқлаб туриш керак бўлади. Ерни иқтисодий баҳолашда унинг ҳосилдорлигига ва жойлашган ўрни (шаҳарларга яқинлиги, саноат марказларидан узоқлиги, транспорт қатнови йўлга кўйилганлиги) ҳисобга олинади. Шунингдек, ерни иқтисодий баҳолашда ҳосил бўлган иқтисодий баҳога рельефнинг ўйдим-чуқурлиги, горизонтал парчаланганлиги, қиялиги, тупроқнинг қалинлиги, тошлоқлиги, механик таркиби, тупроқ тури, грунт сувлари сатҳининг жойлашуви, тупроқ таркибида бирламчи туз ва гипснинг мавжудлиги, шамол каби ҳодисалар ўз таъсирини кўрсатади. Бу омилларни таҳлил қилиш орқали тупроқни балл

тизимда баҳолашга имконият яратилади, сўнгра унинг асосида ер кадастри ишлаб чиқилади.

Ерни иқтисодий баҳолашда қишлоқ хўжалик фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилиш, ҳамда ер балансини тузиш, барча ерларни ҳудудий бирликлари бўйича тоифаларга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Ҳудудий бирликлари бўйича ерларни тоифаларга бўлишда икки гуруҳга ажратилади:

хўжаликнинг ердан фойдаланиш мақсадига мувофиқ хўжалик учун ажратилган ерлар, фермерлар ва бошқаларга фойдаланиш учун берилган ерлар биринчи гуруҳдаги ерларга киради;

иккинчи гуруҳга хўжалик жиҳатидан фойдаланиладиган экинзорлар, полиз, боғ, ўрмон учун ажратилган ерлар, ўт алмашлаб экиш учун ажратилган ер майдонлари, фойдаланишга яроқсиз ер майдонлари, яйлов, пичанзор кабилар киради.

Қишлоқ хўжалигида барча ерларни шу тартибда тоифаларга ажратиш, ҳамда ўзаро боғлиқ ҳолда солиштириш йўли билан ернинг нисбий баҳосини аниқлаш мумкин.

Тупроқнинг сифати ёки маҳсулдорлиги унинг тури, физик-кимёвий хусусиятлари, механик таркиби, гумус қатламининг қалинлиги ва микдори, грунт сувлари сатҳининг жойлашуви каби омилларга боғлиқдир. Тупроқдан катта ҳосил олиш учун юқорида санаб ўтилган қулай табиий хусусиятларга эга бўлиши керак. Бироқ тупроқнинг иқтисодий маҳсулдорлигида бу омиллар мезон бўлиб хизмат қила олмайди. Тупроқдаги экинларнинг ҳосилдорлик ва майдон бирлигидан олинган даромад каби кўрсаткичлар ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда энг ишончли мезонлар ҳисобланади. Демак, ерни иқтисодий баҳолаш икки кўрсаткич орқали амалга оширилади. Биринчи кўрсаткич ялпи маҳсулот бўйича олинган қиймат. Бу кўрсаткич ер майдон бирлигини табақалаштирилган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини самарали режалаштириш, экин майдонидан оқилона фойдаланиш, Ер учун ўрнатилган солиқ тизимини тўғри амалга ошириш каби фаолиятларда зарур. Иккинчи кўрсаткич бу соф даромад бўйича олинган қиймат бўлиб, ушбу қиймат бўйича

ерни иқтисодий баҳолаш майдон бирлигидан олинадиган даромадни башоратлашда маъкул келади, ҳамда солиқ ренталарини табақалаштиришда зарур омил ҳисобланади.

Жумладан, ерни кадастрлаш бўйича бериладиган маълумотлардан ҳам фойдаланилган ҳолда ер иқтисодий баҳоланади. Кадастр - объект миқдорий маълумотларнинг жамланма сифатида тизимли мажмуаси ҳисобланади. Кадастрнинг турлари кўп бўлиб, улардан Ер кадастри эса қуйидаги таркибий қисмлардан иборатдир:

- ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишни рўйхатдан ўтказиш;
- ерни миқдорий ҳисоби;
- ернинг сифати;
- тупроқ бонитировкаси;
- ерларни иқтисодий баҳолаш.

Тупроқнинг унумдорлиги бўйича нисбий баҳолаш тупроқ бонитировкаси ҳисобланиб, унда миқдорий кўрсаткичлар, яъни баллар қўлланилади. Бонитировкада тупроқларнинг энг муҳим хусусиятлари ва ҳосилдорлигини солиштириш, яъни бир тупроқни иккинчи тупроқдан қанчалик яхши ёки ёмон эканлигини аниқлаш имконини беради. Бошқача айтганда, тупроқ бонитировкаси — тупроқнинг ҳосилдорлигини балл ҳисобида агрономик инвентаризация қилиш бўлиб, балл тупроқнинг асосий хусусиятлари ва ўртача ҳосилдорлиги, ҳамда табиий яйловларнинг маҳсулдорлиги бўйича белгиланган кўрсаткичдир. Хуллас, ер кадастрининг асосий қисмларидан бири тупроқ бонитировкаси бўлиб, ер фондини миқдор ва сифат жиҳатидан ҳисобга олиш ҳисобланади. Миқдорий ҳисобга олишнинг моҳияти ердан фойдаланиш ва экинларнинг тури бўйича майдонни тақсимлашдан иборат. Тупроқ сифатига мос келадиган ҳосилдорликни олдиндан белгилашда, тупроққа солинадиган минерал ва органик ўғитлар миқдорини аниқлашда тупроқ бонитировкаси асосидан фойдаланилади. Бонитировка тупроқнинг ҳосилдорлигини оширишдаги зарурий чора-тадбирларни, яъни эрозия ва дефляцияга қарши, қурутиш мелиорацияси, фитомелиорация тадбирларини

амалга ошириш зарурлигини ҳудуд бўйича мунтазам кенг миқёсда қўллашни асослайди.

Бонитировка шкаласи баҳолаш мезонлари бўйича фарқланади. Бунда тупроқни баҳолашда табиий хусусиятларининг айримларидан ёки барчасидан фойдаланилади. Тупроқнинг кишлоқ хўжалиги экинлари ривожланадиган шароитларини белгиловчи хусусиятлари уни баҳолаш жараёнида асос хусусиятларга эга бўлиши, худди ўша тупроқ бошқа турдаги экинлар учун эса ноқулай хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини назорат қилишда тупроқларни хусусиятлари бўйича баҳолаш мантиқан самаралидир. Баҳоланаётган ҳудуднинг рельефи, грунт сувларининг сатҳи ва минераллашув даражаси, иқлим хусусиятлари, грунтнинг сув ўтказувчанлиги, ётқиқиқларнинг литологик таркиби, ернинг ўлчамлари тупроқларни баҳолашда жиддий таъсир этувчи омиллар бўлганлиги сабабли ушбу омилларга катта аҳамият берилади.

Тупроқ бонитировкаси кенг маънода тупроқларнинг унумдорлиги бўйича классификациялашдир.

Профессор Л.А.Ғафуровнинг фикрича, ерларни баҳолашда ва ягона эр солиғини аниқлашда тупроқ бонитировкаси баллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. [19].

Ушбу бонитировка балларини ҳар бир баҳолаш белгиси бўйича ҳисоб-китоб қилиш қуйидаги формула асосида амалга оширилади: [6].

$$B = (3\phi * 100) / 3m$$

Бунда: B - тупроқ балли;

3φ - бирор белги (гумус миқдори, азот, фосфор, калий ва б.);

3m - шу белгининг қиймати, у 100 балл ҳисобида олинади.

Балли баҳолаш тупроқларнинг андазали кўрсаткичлари асосида бажарилиб, унда юқори кўрсаткичга эга тупроқдаги гумус миқдори 100% га

тенг бўлади. Масалан, суғориладиган оч бўз тупроқда гумус миқдори, 1,3% бўлса, ушбу миқдор андазали тупроқда 2,3% тенг олинса, у ҳолда юқоридаги формула асосида қуйидаги миқдорга эга бўламиз: $1,3 \times 100 : 2,3 = 57$. Бу мисолдаги суғорма оч бўз тупроқ 1 га майдонда 57 баллга тенг.

Мутахассислар тупроқ бонитировкаси балларини таснифлаш натижасида қуйидаги шкалани таклиф қилишган (1-жадвал). [19].

Ушбу классификация ёрдамида тупроқ унумдорлиги турлича бўлган ерларда етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинларининг ўртача тахминий ҳосилдорлигини аниқлаш учун муайян тупроқ бонитети баллининг баҳосига кўпайтириш керак бўлади. Мисол учун, унумдор ерда пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 22,8 центнерга ва юқоридаги 2-жадвал асосида унумдор ернинг бонитет балли 57 га тенг бўлса, у ҳолда ўша ернинг 1 балли баҳоси 0,4 тс/га га тенг бўлади.

Тупроқнинг кичик тури бир неча хил бўлган ҳудудда унинг ўртача баллик баҳосини аниқлаш зарурияти туғилади. Тупроқнинг ўртача баллик баҳосини аниқлашда табақалашган маълумотлар асосида кўп миқдорий кўрсаткичлардан фойдаланилади, ҳамда у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$B_o = (B_1M_1 + B_2M_2 + \dots + B_nM_n) / (M_1 + M_2 + \dots + M_n)$$

Бунда: B_o - ўртача балл;

B_1, B_2, \dots, B_n - ер массивига кирувчи тупроқ бонитети;

M_1, M_2, \dots, M_n - тупроқларнинг майдонлари.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг исталган ер майдонларини солиштириш ва баҳолашда ҳудуд бўйича аниқланган ўртача балл мезон ҳисобланади.

Мутахассислар томонидан, республикамиздаги вилоятлар учун қуйидаги тупроқ бонитировкасининг ўртача баллари аниқланган. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси - 40-63, Хоразм - 60-70, Жиззах - 53-58, Бухоро - 58, Самарқанд — 67, Навоий — 58, Сирдарё — 53, Тошкент — 66, Андижон — 65, Наманган — 66, Фарғона - 66, Қашқадарё- 54, Сурхондарё -

68. Вилоятлар бўйича ушбу балларнинг тебраниши катта.

Республикамиздаги ердан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш борасида улар оқилона муҳофаза қилганлик учун Ер кодексида (82-модда) иқтисодий рағбатлантириш чоралари ўрнатилган бўлиб, унда ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар бериш, кредит бериш бўйича имтиёзлар бериш, бюджетдан маблағлар ажратиш каби тадбирлардан иборат бўлиб, бу тадбирлар тупроқ унумдорлигини сақлаш ва тиклаш, ерларни салбий ҳолатлардан муҳофаза қилиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги технологияни жорий қилиш бўйича ишларни амалга оширганларга нисбатан қўлланилади.

Шунингдек, республикамизда қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш сув билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга ошади ва айни пайтда сув ресурсларининг ўта танқислиги вазияти мавжуд. Масаланинг мураккаблиги сув манбаларининг асосий қисми қўшни давлатлар ҳудудларида шаклланишидир. Шунинг учун ҳам сув ресурслари шаклланиши манбаси, суғориш иншоотлари, ирригация ва мелиорация тизимининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида турли хўжалик юритиш шаклидаги корхоналар фаолият кўрсатишига ва асосий маҳсулот нодавлат мулкчилиги асосида фаолият юритувчи субъектлар томонидан етиштирилишига қарамай, сув ресурслари ва суғориш иншоотларини хусусий мулк сифатида тақсимлаш имкониятининг йўқлиги сабабли давлат мулкчилиги жорий этилган.

Шу боисдан ҳам аграр тармоқда инвестиция маблағлари ва турларини йўналтиришдан олдин уларнинг инвестициялар жалб қилиш лаёқати, имконияти ва бу маблағларнинг қайтимлилик муддат ва даражаларини батафсил ўрганишни талаб этади. Бу тадбирлар ўз навбатида тармоқ ёки корхонанинг инвестициялардан самарали фойдаланиш имкониятларини аниқлашнинг асосий талабларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, агар инвестиция маблағлари маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириладиган бўлса, албатта шу маҳсулот бозори, ундаги талаб ва таклифнинг даврий ўзгариб туриш ҳолатларини таҳлил ва башорат қилиш лозим бўлади.

Шу нуқтаи-назардан биринчидан, табиат ва жамиятнинг ҳар қандай иерархик тузилмаси, соҳа ва тармоғи, ресурслар мажмуи ва хўжалик юритиш субъектлари инвестициялаш объектлари ҳисобланса, иккинчидан, уларнинг иқтисодийдаги тутган ўрни ва аҳамиятига мос равишда инвестициялар киритиш борасида маълум бир даражада фаолликка эга бўладилар.

Бинобарин, бизнингча, инвестицион фаоллик тушунчаси юқорида келтирилган илмий-назарий асослар ва қуйидаги тамойилларга кўра ҳам иқтисодий категория сифатида тан олиниши лозим:

биринчидан, инвестицион фаоллик инсониятнинг талаб ва эҳтиёжини қондиришга хизмат қиладиган ҳар қандай тармоқ, соҳа ва жабҳада ҳақиқий мавжуд бўлиб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг салмоқли манбаи ва муҳим шарт-шароити сифатида ўзига хос аҳамият ва ўрин эгаллайди;

иккинчидан, инвестицияларга бўлган талаб ҳеч қачон камаймайди ва демак у ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши жараёнида муайян ҳудуд, тармоқ, соҳа ёки хўжалик юритиш субъектларига жалб этилиши, уларнинг давлат ёхуд бошқа юридик ва жисмоний инвесторларнинг моддий-молиявий манфаатларига жавоб берадиган даромад келтириши нуқтаи-назардан узлуксиз давом этиш хусусиятига эга;

учинчидан, илмий-техник ва инновацион тараққиёт ҳамда уларнинг доимий такомиллашиб боровчи илғор ютуқларини кенг кўламда ҳаётга татбиқ этиш жараёни муайян соҳа, тармоқ ёки хўжалик юритиш субъекти фаолиятини инвестициялашнинг такрорланиб туришини объектив заруриятга айлантиради;

тўртинчидан, инвестициялар таркибан пул, техника ва технология воситалари, интеллектуал ресурс ва бошқа шунга ўхшаш моддий-молиявий ва нау-хау характерга эга воситалардан ташкил топиб, улар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёни самарадорлиги даражасига бевосита таъсир этувчи иштирокчи омиллар сифатида ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди;

бешинчидан эса, нафақат инвестициянинг ўзи, балки кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш талаблари доирасида инвестиция жалб қилинадиган соҳа, тармоқ ёки корхоналарнинг турли йўналишлардаги инвестицияларга бўлган эҳтиёжи ҳеч қачон камаймайди. Фақат у ёки бу тармоқнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва инсонларни истеъмол маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш нуқтаи-назардан унинг даражаси гоҳ пасайиб, гоҳ юксалиб туриши мумкин.

Юқорида келтирилган илмий-назарий асосларга кўра ҳам инвестицион фаоллик тушинчаси кенг ва том маънода иқтисодий категория талаб ва тамойилларига жавоб беради. Бинобарин, ҳар қандай иқтисодий категория ўзининг аниқ бир миқдор ва ўлчов бирлигига эга бўлганидек, инвестицион фаоллик категорияси ҳам шу хусусиятга мойил бўлиб, қишлоқ хўжалиги тармоқлари даражасида унинг илмий-назарий жиҳатларини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 2017 йилда 13 та лойиҳа бўйича 181,49 млн. АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағларини ўзлаштириш режалаштирилди. Мазкур лойиҳалар бўйича 2017 йилда 198,77 млн. АҚШ доллари (109,5%) миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. Жумладан:

1. Ислом тараққиёт банки иштирокида “Хоразм вилояти Тошсоқа тизимидаги магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 ноябрдаги ПҚ-1849-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 августдаги 282-сонли қарорлари асосида амалга оширилмоқда. Умумий қиймати 144,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан 90,37 млн. доллари Ислом Тараққиёт Банки кредити, қолган қисми эса Ўзбекистон ҳукуматининг улушидир. 2017 йилда 17,98 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. Жумладан Лойиҳа бошидан 146,2 км узунликда магистрал ва хўжаликлараро

каналлар қайта тикланди, 263 дона гидротехник иншоотлари қурилди ва қайта тикланди. 4356341 м³ ҳажмда тупроқ ишлари, 80029 м³ ҳажмда бетон ишлари, 6999 м³ ҳажмда тош ишлари ва 230 тн. металлоконструкция ишлари бажарилди. 174286 м² майдонда гравий қопламали йўл ётқизилди.

2. Осиё тарраққийёт банки иштирокидаги “Аму-Бухоро машина канали тизимини қайта тиклаш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 28 мартдаги ПҚ-2156-сонли ва 2015 йил 25 августдаги ПҚ-2396-сонли қарорлари асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 406,29 млн. АҚШ доллариға тенг бўлиб, шундан Осиё Тараққийёт Банки кредити 216,75 млн. АҚШ долларни, Япониянинг ЈСА фондининг маблағи 108,97 млн. долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 80,57 млн. АҚШ долларни ташкил этади. 2017 йилда 6,68 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилиши ҳисобига 15,72 км каналлар тозаланди, 68 дона гидротехник иншоот ва 12 дона кузатув қудуқлари қайта тикланди, 59,9 га ерлар лазер ёрдамида тақсимланди ва 59,39 га ерлар чуқур ҳайдалди.

3. Жаҳон банки иштирокида “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 мартдаги ПҚ-2324-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 376,714 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 161,8 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 214,9 млн. АҚШ доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. 2017 йилда 2,58 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилиши ҳисобига, Ўнг қирғоқ каналида 3 дона сув тўсувчи гидротехник иншоотлар таъмирланиб тикланди, 3 дона сув олиш иншооти қурилди, 15,0 км узунликдаги қисми механизм ёрдамида тозаланди ва Аққамиш каналида бир дона узунлиги 106 м, Д=1000мм бўлган темир қувурли акведук қурилди ҳамда каналнинг 1,5 км янги ўзани очилиб бетон қуйишга тайёрланиб қўйилиб, жами ушбу объект бўйича 560 минг м³ тупроқ ва 2,59 минг м³ бетон ишилари бажарилди.

4. Ислом тарраққийёт банки иштирокида “Сурхондарё вилоятида сув

ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққопчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 апрелдаги ПҚ-2332-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 122,72 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 33,17 млн. доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми Ислом тараққиёт банкининг қарз маблағларидир. 2017 йилда 0,53 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. Ҳозирда лойиҳа доирасида бош пудратчини аниқлаш бўйича тендер жараёнлари кетмоқда.

5. Жаҳон банки иштирокида “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-босқич” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 16 сентябрдаги ПҚ-3282-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 228,2 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 83,3 млн. доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 144,9 млн. доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. Лойиҳа доирасида имзолланган қарз битими 2017 йилнинг 29 декабрда кучга кирди.

6. Хитой Ҳалқ Республикаси Ҳукумати кредити иштирокида “Қашқадарё вилоятидаги “Дўстлик 1-2-3” насос станциясини қуриш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 августдаги ПҚ-2570-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳасининг умумий қиймати 21,23 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 14,2 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми Хитой Ҳалқ Республикаси ҳукуматининг қарз маблағларидир. 2017 йилда 4,64 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилиб, лойиҳа доирасида имзолланган шартномада белгилан барча асбоб ускуналар Қашқадарё вилоятига келтирилди.

7. Хитой Ҳалқ Республикаси Ҳукумати кредити иштирокида “Ирригация тизимларини каналарни тозалаш учун экскаватор ва бульдозерлар билан таъминлаш” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 августдаги ПҚ-2394-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда.

Лойиҳасининг умумий қиймати 14,22 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 3,16 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг қарз маблағларидир. 2017 йилда 2,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди ва лойиҳа доирасида республикамизнинг барча вилоятларига 90 экскаватор ва 15 бульдозер келтирилди.

8. Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати кредити иштирокида “Земснарядларни ва уларга эҳтиёт қисмларни келтириш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 11 мартдаги ПҚ-2144-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳасининг умумий қиймати 37,5 млн. АҚШ доллари бўлиб, 2017 йилда 6,62 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди ва лойиҳа доирасида каналларни ва коллекторларни тозалаш учун 17 земснарядлар келтирилди.

9. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳаси Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 сентябрдаги ПҚ-2410-сонли қарорига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 219,28 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 150,0 млн доллари Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки улуши, 34,20 млн АҚШ доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса лойиҳа ташаббускорларининг улушидир. 2017 йилда 46,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. 2017 йилда деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 73 та суб-лойиҳаси молиялаштирилди.

10. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш” лойиҳаси Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 январдаги ПҚ-2113-сонли қарорига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 28,33 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 20,44 млн АҚШ доллари Халқаро қишлоқ

хўжалиги тараққиёти жамғармаси улуши, 1,68 млн АҚШ доллари Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши, 5,24 млн доллари бенифициарлар улушидир. 2017 йилда 1,83 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. Лойиҳанинг 1-компоненти доирасида Лаборатория жиҳозлари хариди ва қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

11. “Ўзбекистоннинг сутчилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш” (Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида) лойиҳаси Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 февралдаги ПҚ-2795-сонли қарорига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 40,57 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 24,58 млн. АҚШ доллари Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармасининг улуши. 2017 йилда 4,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. 2017 йилда дехқон ва фермер хўжаликларига, ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига 22 та суб-лойиҳа молиялаштирилди, шундан: 613 бош насли қорамол харид қилиш мақсадида 14 та суб-лойиҳа; 10 тонна сутни қайта ишлайдиган усқун харид қилиш мақсадида 2 та суб-лойиҳа; 12 дона қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш мақсадида 4 та суб-лойиҳа; ветеринария дори дармонларини харид қилиш мақсадида 2 та суб-лойиҳа молиялаштирилди.

12. “Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг Орол денгизи ҳавзасига таъсирини юмшатиш дастури” (Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятлари) лойиҳаси Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПҚ-2784-сонли қарорига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 20,71 млн АҚШ долларини ташкил этади. 2017 йилда 4,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. 2017 йилда лойиҳани амалга ошириш натижасида, 9,1 га иссиқхона қуриш учун 8 та лойиҳага, сутни қайта ишлаш бўйича лойиҳага, 1 та товуқ фермасини модернизация қилишга ва сок ишлаб чиқариш лойиҳаси молиялаштирилган.

13. “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қийматни яратиш

занжирини ривожлантириш” лойиҳаси Осиё тараққиёт банки иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 мартдаги ПҚ-2813-сонли қарорига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 240.98 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 154 млн АҚШ доллари Осиё тараққиёт банкининг улуши. Лойиҳа бўйича 2017 йилда 101,90 млн. АҚШ доллари миқдоридан кредит маблағлари ўзлаштирилди. 2017 йилда лойиҳани амалга ошириш натижасида 93,6 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлашга, 77,1 га иссиқхона қуришга, 32,7 минг тонна қувватлик музлаткичли омборхона қуришга ҳамда 1983 га интенсив боғлар яратишга эришилди.

2. Экологик-иқтисодий хўжалик юритиш услублари ва бошқарув тизимлари

Ўзбекистонда аграр соҳани модернизация қилиш шароитида, қишлоқ ва сув хўжалигини иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларидан ҳимоялаш аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва ижтимоий йўналтирилган тадбирларни янада ривожлантиришда, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу давлатларда мамлакат иқтисодиётини кўтаришда фан-техника ютуқларига асосланган технологияларга устувор йўналиш сифатида эътибор берилди.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш даражаси бўйича дунё миқёсида биринчи бешлик гуруҳига Исроил (мамлакат ЯИМдаги улуши - 4,40 %), Финландия (3,88 %), Жанубий Корея (3,74 %), Швеция (3,40 %) ва Япония (3,36 %) давлатлари кирган. Дарҳақиқат, бу давлатлар кейинги даврларда иқтисодиётнинг барча тармоқларини, жумладан қишлоқ ва сув хўжалигини инновациялар яратиш ва жорий этиш асосида ривожлантириш нуқтаи назардан диққатга сазовор илғор тажрибалар масканига айланиб бормоқдалар.

Жумладан, сув хўжалигини инновацион модел асосида ривожлантириш борасида Исроил давлатида олиб борилаётган илмий-тадқиқот натижаларини ўрганиш республикамиз шароитида муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, сув манбаларининг камлиги сабабли Исроил кишлок хўжалигида сувдан оқилона ва тежаб фойдаланиш асосий муаммолардан саналади. Бу йўналишда мазкур давлатнинг эришган энг катта илмий-амалий ютуқларидан бири бу экинларни ёмғирлатиб, томчилатиб (очиқ майдонларда) ва аэрозол (иссиқхона, парник ва бошқа турли типдаги ёпиқ иншоотларда) суғориш технологиялари 100 фоиз компьютерлаштирилган. Натижада, биринчидан, хар бир экиннинг сувга бўлган талаби белгиланган меъёр ва вақтда қондирилиши туфайли кам ёки ортиқча сув сарфлаш ҳолатларига бутунлай барҳам берилган. Иккинчидан, азот, фосфор ва калий ўғитлари тегишли миқдор (доза)ларда аралаштирилган суюқ ҳолда тайёрланиб, бевосита суғориш жараёнида тўғридан-тўғри экинларнинг озиқ илдизларига берилади. Бу жараёнда кўплаб агротехнологик ишларнинг бир вақтда бажарилиши ишлаб чиқариш харажатларини кескин камайтириш имконини берибгина қолмасдан, балки ўғитлар, шунингдек бошқа тегишли турли микроэлементларнинг экинлар томонидан вегетация даврида тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаб, тупроқ таркибининг бузилишига мутлақо йўл қўймайди.

Умуман, тадқиқотларнинг кўрсатишича, жаҳон тажрибасида аграр соҳани инновацион ривожлантириш, фан ва техника-технология янгиликларини самарали жорий этишда давлатнинг имтиёзли мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш механизмлари асосий ўрин эгаллаб, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласи долзарблашишининг асосий сабаблари мамлакатимиз шароитида узоқ йиллар давомида эгатлаб суғориш усулининг мавжудлиги натижасида ўртача экин майдони ҳисобига кўп сув сарф этилиши, ерларнинг турли даражада шўрланганлиги боис шўр ювиш тадбирлари учун қўшимча сув талаб этилиши, суғориш тизимининг ФИК пастлиги сабабли манбадан олинган сувнинг сув истеъмолчисига етиб боргунча 1/3 қисми йўқотилиши каби омиллар саналади. Мамлакатимизда сувдан фойдаланиш ҳолатига эътибор берадиган бўлсак,

экин майдони учун сув сарфи миқдори 2014-2016 йиллар оралиғида 12,8 минг м³/га дан 12,4 минг м³/га орлиғида сақланиб турганлигини кўришимиз мумкин бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

Республика бўйича 1 га экин майдони учун сув сарфи миқдори

Худудлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2016 йил 2014 й.га нисбати, %
Қорақалпоғистон Республикаси	16,1	14,8	16,2	100,6
Андижон вилояти	10,8	10,9	10,5	97,2
Бухоро вилояти	15,5	14,7	14,6	94,2
Жиззах вилояти	10,5	10,7	10,6	101,0
Қашқадарё вилояти	11,8	10,9	10,9	92,4
Навоий вилояти	12,1	12,2	11,9	98,3
Наманган вилояти	10,8	10,6	10,8	100,0
Самарқанд вилояти	10,8	10,1	9,8	90,7
Сурхондарё вилояти	12,9	12,7	11,9	92,2
Сирдарё вилояти	12,2	12,6	12,4	101,6
Тошкент вилояти	11,3	11,4	10,9	96,5
Фарғона вилояти	11,6	11,7	11,5	99,1
Хоразм вилояти	19,9	17,5	19,7	99,0
Республика бўйича ўртача	12,8	12,2	12,4	96,9

Жумладан, Қорақалпоқистон Республикасида 1 гектар экин майдони учун сув сарфи миқдори 2014 йилда 16,1 минг м³/га ни, 2015 йилда 14,8 минг м³/га ни ҳамда 2016 йилда 16,2 минг м³/га ни ташкил этмоқда. Хоразм вилоятида эса, бу кўрсаткич 2014 йилда 19,9 минг м³/га ни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 17,5 минг м³/га ни ҳамда 2016 йилда 19,7 минг м³/га ни ташкил этмоқда. 1 гектар экин майдони ҳисобига энг кам сув сарф этадиган вилоятлар Андижонда ўртача 10,8 минг м³/га ни, Наманганда ўртача 10,7 минг м³/га ни

хамда Самарқандда 10 минг м³/га ни ташкил этмоқда. Республиканинг ўртача кўрсаткичи 2014 йилда 12,8 минг м³/га бўлган бўлса, 2015 йилда 12,2 минг м³/га ни ҳамда 2016 йилда 12,4 минг м³/га ни ташкил этган ҳолда 2016 йилда 2014 йилга нисбатан 3,1 фоиз камайганлигини кўришимиз мумкин. Республикада бундай ҳолатнинг мавжуд бўлиши сувдан тежаб фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради ҳамда йилдан-йилга томчилатиб суғориш тизимининг жорий этилиш масаласи долзарблик касб этиб бораверади.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишни янада кенгайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1958 қарори ва ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июлдаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шунингдек “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш” давлат дастури қабул қилинди.

Республикамизда “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш” Давлат дастури доирасида сувни тежовчи технологияларни жорий этиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда асосан қуйидаги сувни тежайдиган технологиялар қўлланилиб келинмоқда:

- томчилатиб суғориш тизимини қўллаган ҳолда суғориш;
- полиэтилен плёнка қопланган эгатлар бўйича, қаторлар орасига ишлов берган ҳолда суғориш;
- кўчма эгилувчан суғориш қувурлари, сифонлар ва шу кабилар билан

суғориш.

Республикамызда 2011-2015 йилларда суғоришнинг замонавий усуллари жорий этилган экин майдонлари (гектарда) 1-расмда келтирилган. Чизмадан кўришиб турибдики, 2011 йилда 3789 га майдонга томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2015 йилда 18361 гектарни ташкил этган. Ушбу даврда кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш технологияси 2011 йилда 839 га, 2015 йилда эса 9596 гектар майдонга жорий этилган. Шу билан бирга, эгатларга плёнка тўшаб суғориш технологияси 2011 йилда 710 га, 2015 йилда эса 11330 гектар ер майдонида жорий этилган. Бундан кўришиб турибдики, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун сув тежовчи технологияларнинг жорий этилиши йилдан-йилга ортиб бормоқда.



1-расм. Республикамызда 2011-2015 йилларда суғоришнинг замонавий усуллари жорий этилган экин майдонлари, га

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган экинларни суғоришнинг анъанавий усулида катта миқдордаги сув ерга сингиб кетади. Бунинг натижасида ер ости сувларининг кўтарилиши ва ерларнинг

мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви эҳтимоли ортади. Республикамизда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш асосида нафақат суғориладиган майдонларни кўпайтириш, балки суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда қуйидаги инновацион ёндошувларга эътиборни янада кучайтириш лозим:

- экин майдонларини тайёрлашда лазерли текислашга эътиборни кучайтириш;

- экин майдонларини суғоришда сув сарфи бўйича илмий асосланган меъёрларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида замонавий сув ўлчаш асбобларини фермер хўжаликлари фаолиятига кенг жорий этиш;

- мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларда ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига таъсир кўрсатувчи экин турларини экиш;

- қишлоқ хўжалигига суғоришнинг тежамкор ва замонавий усулларини жорий этишни кенгайтириш ва ҳоказо.

Ҳар бир истеъмолчининг сув олиш жойлари сув ўлчаш восита ва иншоотлари билан жиҳозланиши, сув олувчи ва етказиб берувчи ўртасидаги ажратилган лимит доирасида тузилган шартноманинг юритилиши ҳамда унинг бажарилишини таъминланиши сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада оширди. Бунда ҳар бир истеъмолчининг қанча сув олаётганлигидан хабардорлиги ва масъуллиги муҳим омил бўлди.

Сув тежамкор техника ва технологияларни жорий этишни ташкиллаштириш, жумладан:

- замонавий суғориш технологияларини жорий этиш. Мазкур йўналишда республика бўйича ўтган йиллар давомида 18,5 минг гектар майдонга томчилатиб суғориш тизими, 18,4 минг гектарга эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш, 16,3 минг гектарга эгатларга пленка тўшаб суғориш усуллари жорий этилиб, самарали фойдаланиб келинмоқда;

- амалдаги кенг тарқалган ананавий суғориш технологияларининг ҳам

сувни тежаш имкониятларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш. Булар ичида республика бўйича кенг қўлланиладиган эгатлаб суғориш усулини – эгат оралатиб, калта эгат олиб (50-100 метр), шарбат усулида суғориш, кетма-кет навбатлаб суғориш ва бошқа усуллари кенг қўллашга эътибор кучайтирилмоқда;

- ноананавий янги суғориш технологияларини тарғиб қилиш. Булар қаторига субирригация, дискрет суғориш, полимер гидрогеллар ёрдамида суғориш, мулча ёрдамида суғориш, ёмғирлатиб суғориш, суспензия усулида суғориш, турли тензометрлар ва суғоришни программалаштириш ва бошқа йўналишларда амалий илмий дала тажрибалари олиб борилмоқда;

- агротехнологияларни сув тежамкорлик талаблари асосида ташкил этиш. Қишлоқ хўжалиги экинлари қатор ораларига ишлов беришни нам сақлаш талаблари асосида амалга ошириш.

Бундан ташқари, соҳанинг муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда, давлат томонидан чет эл инвестицияларини ҳам жалб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Саудия ривожланиш фонди, ОПЕК фонди, Қувайт фонди, Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки каби йирик молиявий институтлар, шунингдек Япония, Швейцария, Германия ва бошқа давлатларнинг халқаро ҳамкорлик ташкилотлари ва агентликлари каби донорларнинг инвестициялари иштирокида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сўнги 10 йил мобайнида соҳага умумий қиймати қарийб 1,5 млрд. АҚШ долларга тенг бўлган инвестиция маблағлари жалб этилган.

Сувдан фойдаланишни самарали ташкил қилиш тадбирларини амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз миқёсида йиллик фойдаланилаётган сувларнинг умумий миқдори мустақилликдан аввалги даврдаги 64 млрд.м³ дан ўртача 51 млрд.м³ гача ёки 20 фоизга камайтирилишига эришилди. Қишлоқ хўжалиги мисолида кўриладиган бўлса, худди шу давр ичида 1 гектар майдонни суғориш учун сарфланган ўртача 18 минг м³ сув, бугунги кунга келиб 10,5 минг м³ ёки 42 фоиз камайишига эришилди.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларида сув сарфи жуда юқорилиги сабабли тежамкор технологияларни қўллашни жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир. Сувни тежовчи технологиялар ёрдамида суғоришда сувнинг умумий тежалиши 1 гектар ғўза учун 11,7 минг м³ни, 1 гектар буғдой учун 6,6 минг м³ ни, 1 гектар боғ учун сувнинг умумий тежалиши 11,4 минг м³дан иборат бўлади. Шунингдек, томчилатиб суғоришда минерал ўғитлар 30-40 фоиз тежалади, маҳсулот ҳосилдорлиги анъанавий суғориш билан солиштирганда ҳосилдорликнинг 30-70 фоиз ошади.

Мамлакатимизда инновация фаолиятининг ташкил этилиши ва ривожланиши учун қуйидаги шартларнинг мавжуд бўлиши ва бажарилиши талаб этилади:

- давлат инновация сиёсати – Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари томонидан мамлакатнинг инновацион стратегияси мақсадлари ва устувор инновацион дастурлар ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш механизмларининг ишлаб чиқилиши ва белгиланиши;

- инвестиция салоҳияти (давлат, тармоқ, корхона ва ташкилотнинг) – турли кўринишдаги ресурслар йиғиндиси (моддий, молиявий, интеллектуал, илмий-техникавий, иқтисодий ва бошқаларни қамраб олган ҳолда);

- инновация соҳаси – инновацияларни яратиш ва тарқатишни ўз ичига қамраб олувчи инновация маҳсулот (иш, хизмат)ларини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг фаолият соҳалари;

- инновация инфратузилмаси – инновация фаолиятининг амалга оширилишига имкон берувчи, таъсир кўрсатувчи турли муассасалар (инновацион-технологик марказлар, технологик инкубаторлар, технопарклар, ўқув-бизнес марказлари, консалтинг ва инжиниринг компаниялари, рейтинг баҳоловчи агентликлар ва бошқа махсус ташкил этилган муассасалар);

- инновация дастури (корхона, тармоқ, ҳудуд, давлат, минтақа, давлатлараро) – инновация лойиҳалари ресурслари, ижрочилари ва уларни амалга ошириш муддатлари бўйича келишилган ҳамда янги турдаги маҳсулот

(технология)ларни ўзлаштириш ва жойлаштириш бўйича вазифаларнинг самарали ҳал этилишини таъминловчи инновацион лойиҳалар ва тадбирлар комплекси.

Сув хўжалигида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг муҳим шаклларида бири инновациялар бозорига илмий - техник маҳсулотларни киритишни, ахборот-маслаҳат таъминотини, лойиҳалар экспертизасини, таклифлар ва буюртмаларни, тажриба, ишлаб чиқариш базаларини тараққий эттиришни кўзда тутадиган инновацион инфратузилмани ривожлантириш ҳисобланади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014. - 50-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932 сонли Фармони. - www.lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида» ги ПҚ-817-сонли Қарори. - www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1958-сонли Қарори. - www.lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. - Тошкент, 2017.

6. Чориев Қ.А. Қишлоқ хўжалигида инновациялар жорий қилиш

тизимини шакллантириш ва рағбатлантириш истикболлари (услугий тавсиялар). - Тошкент, 2014. - 30 б.

7. Умаров С.Р. Сув хўжалигини инновацион ривожлантириш йўллари. - Монография. - Т.: Фан ва технологиялар, 2017. - 177 б.

8. Мухитдинова Н.К. Методология инновационного развития национальной экономики. - Монография. - Т.: Фан ва технологиялар, 2016. - 188 б.

9. Умурзоқов Ў.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. - II-жилд. – 469 б.

10. Умаров С.Р. Сув хўжалиги тизимида инвестицион фаолликни оширишнинг асосий йўналишлари. - Ж. Иқтисодиёт ва таълим, 2016. - №6. – Б. 177-182.

11. Интернет сайтлар: www.stat.uz, www.agro.uz, www.lex.uz

2-мавзу. Рақамли иқтисодиётнинг бизнес ва ижтимоий соҳадаги ўрни ва аҳамияти

1. Рақамли иқтисодиёт: электрон бизнесни бошқариш асослари.
2. Электрон савдо (интернет савдо) нинг ривожланиш хусусиятлари.
3. Иқтисодиётни рақамлаштириш кўрсаткичлари.

Тапскот 1994 йилда нашр этилган «Digital Economy» модели бизни ва бизнинг ҳаётимизни кескин ўзгартириб юборди. Рақамли инновацияларни, жумладан, булут, мобил алоқа ва сунъий интеллектни янада ривожлантиришнинг туб моҳиятда аҳолининг фаровонлигини ошириш ётади. [15].

Глобаллашув жараёнида мамлакатлар рақобатбардошлигини белгилашда иқтисодиётда рақамли иқтисодиётнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг қайси бир тармоқ ёки соҳасига назар ташламайлик, барчасида рақамли технологияларнинг ўрнини кўрамиз. Мамлакат банк тизимидаги хизматлардан тортиб, давлат хизматлари даражасида ҳам инновацион рақамли технологияларнинг улушини кўришимиз мумкин.

Аммо дунё мамлакатларининг барчасида ҳам рақамли технологияларнинг ривожланиши учун яратилган шароитлар бир хил эмас. Жумладан, ривожланаётган ҳамда ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда интернетга уланиш сифатининг юқори эмаслиги ҳамда интернет нархларининг баландлиги рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг рақамли технологиялардан фойдаланишга тайёр эмаслиги, билим даражасининг юқори эмаслиги, алоҳида эътибор талаб қиладиган муаммолардан асосийси ҳисобланади. *“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 йил*

Қуйида биз ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни ўргандик ва таҳлил қилдик.

Рақамли иқтисодиётнинг қўлланилиш йўналишлари, турлари ҳамда мамлакатларда ривожланиш даражасини таҳлил қилишдан олдин рақамли иқтисодиёт тушунчасининг мазмун-моҳиятини кўриб чиқиш лозим.

Энг кенг маънода «рақамлаштириш» жараёни одатда рақамли технологияларни кенг қўллаш ва ассимиляция қилиш ташаббуси билан бошланган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришни англатади. Ахборотни яратиш, қайта ишлаш, алмашиш ва узатиш технологиялари киради.

Рақамли иқтисодиёт тушунчасига бир қатор таърифлар берилган. Жумладан, иқтисодиёт фанлари доктори, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В.Иванов «Рақамли иқтисод – ҳақиқатимизни тўлдирадиган виртуал муҳит» – деб таъриф берган.

Томск давлат университетининг профессори, Р.Мешчеряковнинг фикрича «рақамли иқтисод» атамасига иккита ёндашиш мавжуд деб ҳисоблайди. Рақамли технологиялар асосида иқтисодиётнинг ва электрон товар ва хизматлар эксклюзив домен тавсифловчи рақамли иқтисодиёт: биринчи ёндашув «классик» деб номланиб, классик мисоллар – телетиббиёт,

масофавий таълим, дори-дармонларни сотиш (фильмлар, телевизорлар, китоблар ва бошқалар).

Иккинчи ёндашув: «рақамли иқтисодиёт» илғор рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқаришдир. М.Л. Калужский рақамли иқтисодиёт – иқтисодий интернет фаолияти, шунингдек, шакллари, усуллари, воситалари ва уни амалга ошириш алоқа муҳитидир деб таърифлаган. Манбаларда келтирилишича «Рақамли иқтисодиёт» иқтисодиётнинг бундай тури маълум даражада амалда ишлайдиган турдаги модель ҳисобланади.

Рақамли иқтисод – бу ишлаб чиқариш комплекси, инсон учун ҳаёт ва қулайликни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган ишлаб чиқариш тизими бўлиб, у ерда маълум бир кибер-жисмоний (киберфизическая) тизим пайдо бўлади. Фикримизча, рақамли иқтисодиёт бу ишлаб чиқариш комплекси инсонлар учун қулайликларни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган виртуал муҳит бўлиб, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқариш тизимидир. Шунингдек, рақамли иқтисод расмийлаштирилиши мумкин бўлган барча нарсани қамраб олиши мумкин, яъни мантиқий схемаларда намоён бўлади. Ҳаётнинг ўзи эса бу «нарсаларни» ишлаб чиқариш, тарқатиш, алмаштириш ва истеъмол қилиш тизимига айлантиришга имконият яратади. Ҳақиқатдан ҳам инсоннинг руҳий ҳақиқатида жойлашган дунёнинг виртуал қисмидан олдин ишлаб чиқариш кучи бўлмаган, янги ғоялар ва маҳсулотлар яратилган муҳит эмас эди.

Илмий мақолани тайёрлаш жараёнида дедукция, индукция, анализ ҳамда қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Жумладан, интернетдан ҳамда компьютердан фойдаланиш даражаси ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлар мисолида қиёсий таҳлил қилинди. Тизимли таҳлил асосида статистик гуруҳлаш ҳамда эксперт баҳолаш усулларидан ҳам унумли фойдаланилди.

Юқорида кўрганимиздек, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш самарадорлиги асносида интернетнинг ишлаш сифати ва нархи ётади. Шу сабабли ҳам, спутникдан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган ривожланган мамлакатларда интернет сифати ва нархи муқобил бўлиб ҳисобланади.

Колин Кларк ва бошқалар томонидан қурилган миллий ҳисоблар тизими XX асрнинг иккинчи ярмининг фаровонлигига оид ҳужжатларга катта ҳисса қўшди ва ёрдам берди. XXI асрда ахборотнинг қадр-қимматини ҳисобга олиш ҳал қилувчи масала ҳисобланади. Ахборотни табиий равишда ишлаб чиқариш жамоат манфаатларига қарамай, қиммат туради. Бундан ташқари, XX аср бошланғич иқтисодиёти, масалан, бошланғич, иккинчи даражали ва учинчи тармоқлар ўртасида, уй хўжаликлари ва бозор иқтисодиёти ўртасидаги фарқлар тобора аҳамиятсиздир. Ушбу ўзгаришлар янги сиёсий муаммоларни келтириб чиқаради.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишидаги иккинчи муҳим омил реал иқтисодиёт сектори билан биргаликда уй хўжалиklarининг ҳам интернет тармоғига улунганлиги ҳам муҳим ўрин эгаллайди.



1-расм. Ривожланган мамлакатларда уй хўжалиklarининг интернетдан фойдаланиш даражаси: 2016 йил

Манба: Цифровая экономика. Краткий статистический сборник. Москва 2018.

Жумладан, Корея Республикасида уй хўжалиklarининг интернетдан фойдаланиш даражаси 2016 йилда 99 фоизни, Японияда 97, Францияда эса 86


фоизни ташкил этишини кўрамиз. Ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич ўртача 55-60 фоизни ташкил этади. Уй хўжаликларининг интернет тармоғига уланганлик даражаси мамлакатда рақамли иқтисодиётнинг ривожланганидан далолат беради.

1-жадвал

Аҳолининг рақамли янгиликлардан хабардор эканлиги: 2016 йил (16-74 ёшдаги аҳоли ўртасида, фоизда)

Мамлакат	Компьютер ҳамда периферей алоқа воситаси ўртасида маълумотнинг узатилиши	Электрон жадваллар билан ишлаш
Буюк Британия	55	43
Германия	62	38
Италия	43	31
Финляндия	67	52
Франция	59	40
Чехия	55	39
Швеция	63	47
Эстония	53	44

Шунингдек, компьютер ҳамда периферей алоқа воситаси ўртасида маълумотнинг узатилиши ҳамда электрон базаларда мустақил ишлаш имкониятини ҳам беради. Жумладан, электрон жадваллар билан ишлаш кўникмасига Буюк Британияда 43 фоиз, Финляндияда эса 52 фоиз фойдаланувчиларга эга. Ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 20-25 фоизни, ўтиш иқтисодиётидаги мамлактларда ўртача 10-12 фоизни ташкил этади. Албатта, бундай мамлакатларда аҳоли инновацион технологиялар борасидаги билимини оширишга муҳтож.



2-расм. Аҳоли ўртасида интернетдан фойдаланмаслик сабаблари

Манба: Цифровая экономика. Краткий статистический сборник. Москва 2018 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ривожланаётган мамлакатлардан бири бўлган Қозоғистонда АКТ ҳамда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига назар ташласак. Қозоғистонда «Электрон хужжат ва рақамли имзо тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Ахборот ва ахборот ҳимояси тўғрисида» ги қонунлар ва ахборотнинг тенгсизлигини камайтириш бўйича давлат дастурлари сингари кўпгина қонунчилик ва меъёрий хужжатлар; саноатни инновацион ривожлантириш; ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилди.

«Глобал ахборот технологиялари бўйича 2010-2011 йилдаги ҳисобот» халқаро жамоатчиликнинг миллий рақобатбардошлиги учун АКТнинг аҳамияти ва бу соҳадаги тараққиёт стратегияси миллий тараққиётни мониторинг қилиш воситаси бўлиб хизмат қилди. Қозоғистон Озарбайжонни Ҳамдўстликнинг энг яхши ижрочиси деб топди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари орасида Қозоғистон ҳозирги пайтда рейтингнинг юқори қисмида ягона МДҲ вакили ҳисобланади ва у 70 ўринни эгаллаб турибди. Қозоғистон ҳукумати Интернетдаги мавжудлиги (24-чи) ва унинг фуқаролари билан ҳамкорлик даражаси (18-чи) сифати диққатга сазовордир.

Жаҳон хўжалигида инновацион иқтисодиётнинг асосий омили бўлган рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун қуйидагиларга эътибор беришни талаб этади:

- Ривожланаётган мамлакатларда интернет тезлигини ошириш ҳамда нархини оптималлаштириш;
- аҳолининг компьютер ҳамда компьютер дастурлари билан ишлаш билим ва кўникмасини ошириш. Жумладан, текин компьютер курсларини ташкил этиш;
- электрон савдо майдончалари фаолиятини ривожлантириш, электрон ҳужжат алмашиш тизимини такомиллаштириш;
- ривожланган мамлакатларда эса аҳолига инновацион рақамли технологиялар: крепто валюталар, давлат хизматларининг инновацион турлари (е-ҳукумат) ҳақида кўпроқ ва кенгроқ маълумот бериш;

Юқоридагиларни амалга ошириш жаҳон хўжалигида рақамли иқтисодиётнинг ўрнини оширишга, ахборот алмашинув тизимини тезлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, уй хўжаликларининг интернет тармоқларидан кенг фойдаланиши тармоқ ва соҳаларнинг самарадорлиги ошишида ҳамда вақт сарфининг қисқариб, иқтисодиётда инновацион технологияларнинг улушиши ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Dean, D. And Zwillenberg, P., (2012). The Internet Economy in the G-20.bcg.perspectives.
2. The New Digital Economy. How it will transform business. Oxford economics.(pp.1-7).
3. Криптографические протоколы в системах с ограниченными ресурсами / Р.В. Мещеряков *и др.+ // Вычислительные технологии. 2007. 12.1. С. 51-6.
4. Цифровая экономика: мифы, реальность, перспектива В.В. Иванов, Г.Г. Малинецкий. Российская академия наук, Москва, 2017.

5. Калужский М.Л. Маркетинговые сети в электронной коммерции: институциональный подход / М.Л. Калужский. – М.; Берлин: Директ-Медиа, 2014. – 402 с.

6. Сидорова О.В.(2011).Определение степени готовности страны к электронной экономике. Journal “ Креативная экономика” 89-93.

7. Программа снижения информационного неравенства в Республике Казахстан на 2007-2009 годы. Алматы: Гылым.(pp.34-36).

8. Государственная программа по форсированному индустриально-инновационному развитию Республики Казахстан на 2010 – 2014 годы. утвержденная Указом Президента Республики Казахстан. Алматы: Гылым.(pp.5-10).

9. Программа по развитию информационных и коммуникационных технологий в Республике Казахстан на 2010 - 2014 годы. Алматы: Гылым.(pp. 3-7).

10. Отчет НИР (2012): Разработка рекомендаций по оказанию комплексных электронных коммерческих услуг населению на основе развития ИКТ .(pp.14-18).

11. Закон Республики Казахстан «Об электронном документе и электронной цифровой подписи». Алматы: Гылым.(pp.11-23)

12. Soumitra Dutta, Irene Mia. (2011). The Global Information Technology Report 2010–2011. (pp. 331-391). Geneva: World Economic Forum.

13. Цифровая экономика. Краткий статистический сборник. Москва 2018.

14. John Quiggin. National accounting and the digital economy. Economic Analysis and Policy. Volume 44, Issue 2, July 2014, Pages 136-142

15. Chihiro Watanabeab, KashifNaveeda Yuji Touc , Pekka Neittaanmäkia . Measuring GDP in the digital economy: Increasing dependence on uncaptured GDP. Technological Forecasting and Social Change, Volume 137, December 2018, Pages 226-240.

Алексеев И.В. Цифровая экономика: особенности и тенденции развития электронного взаимодействия // Актуальные направления научных

исследований: от теории к практике : материалы X Междунар. науч.–практ. конф. (Чебоксары, 18 дек. 2016 г.). В 2 т. Т. 2 / редкол.: О.Н. Широков *и др.+
– Чебоксары: ЦНС «Интерактив плюс», 2016. – С. 42-45. – ISSN 2412-0510.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот

Мавзу: Макроиктисодиёт. Дастлабки макроиктисодий таҳлил элементлари

1-масала

Жадвал маълумотлари бўйича қуйидагиларни ҳисобланг:

- а) харажат оқимлари бўйича ЯИМ ҳажми;
- б) даромад оқими бўйича ЯИМ ҳажми (МҲТнинг эски талқинига кўра);
- в) СИМ ҳажми;
- г) МД ҳажми.

Ҳисоб	Млрд. пул бирл.
Корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдаси	10
Соф экспорт	20
Дивидендлар	105
Корпорациялар фойдасига солиқ	10
Товар ва хизматларнинг давлат томонидан сотиб олиними	1000
Алоҳида қўйилмалардан даромад	340
Фоиз	400
Ижара тўлови	25
Ялпи хусусий ички инвестициялар	610
Ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи	3140
Бизнесга билвосита солиқлар	400
Истеъмол қилинган капитал ҳажми	500
Шахсий истеъмол харажатлари	3300

Ечиш:

а) $ЯИМ = C + G + I + X_n = 3300 + 610 + 1000 + 20 = 4930$

бу ерда:

C – истеъмол харажатлари,

G – товар ва хизматларнинг давлат томонидан сотиб олиниши,

T – ялпи инвестициялар,

X_n – соф экспорт.

б) Даромадлар бўйича ЯИМни Корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдаси (10), дивидендлар (105), Корпорацияларнинг фойда солиқлари (10), алоҳида қўйилмалардан даромадлар (340), фоизлар (400), ижара тўлови (25), ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи (3 140) бизнесга билвосита солиқлар (400), истеъмол қилинган капитал ҳажми (500)ни қўшган ҳолда аниқлаймиз. Даромад бўйича ЯИМ = 4 930 млрд. пул бирлиги. Харажат бўйича ЯИМ даромад бўйича ЯИМ га тенг.

в) СИМ = ЯИМ – амортизация;

СИМ = 4 930 – 500 = 4 430 млрд. пул бирлиги;

г) МД = СИМ – бизнесга билвосита солиқлар;

МД = 4 430 – 400 = 4 030 млрд. пул бирлиги.

2-масала

ЯИМ 6000 пул бирлигига, истеъмол харажатлари 4200 пул бирлигига, давлат харажатлари 900 пул бирлигига, соф экспорт эса 120 пул бирлигига тенг.

Қуйидагиларни ҳисобланг:

а) ялпи ва соф инвестициялар ҳажми;

б) экспорт 450 пул бирлигига тенг бўлса импорт ҳажмини;

в) амортизация 200 пул бирлигига тенг бўлса СИМни.

Ечиш:

а) Харажатларга кўра ЯИМни ҳисоблаш формуласидан фойдаланиб ялпи инвестицияларни топамиз:

$I = \text{ЯИМ} - C - G - X_n = 6000 - 4200 - 900 - 120 = 780$ пул бирлиги.

Соф инвестициялар = Ялпи инвестициялар – амортизация = 780 пул бирл. – 200 пул бирл. = 580 пул бирлиги.

б) $X_n = X(\text{экспорт}) - M(\text{импорт})$. Бундан: $\text{Импорт} = \text{экспорт} - \text{соф экспорт} = 450 - 120 = 330$ пул бирлиги.

в) $\text{СИМ} = \text{ЯИМ} - \text{амортизация} = 6000 - 200 = 5800$ пул бирлиги.

3-масала

Қуйидаги маълумотларга асосан ялпи ички маҳсулот ва такрорий ҳисоб қийматини аниқланг:

Иқтисодий жараён босқичлари	Қиймат (пул бирл.)
«1-фирма» хомашё топади	200
«2-фирма» хомашёни қайта ишлашга етказди	250
«3-фирма» хомашёни конструкцияли матога қайта ишлайди	400
«4-фирма» матони якуний маҳсулот тайёрловчига етказиб беради	500
«5-фирма» якуний маҳсулотни ишлаб чиқаради	800
«6-фирма» якуний маҳсулотни улгуржи сотувчига етказиб беради	900
«7-фирма» маҳсулотнинг чакана савдосини амалга оширади	1000
Умумий савдо қиймати	4050

Ечиш:

ЯИМ жадвал маълумотлари асосида ишлаб чиқариш усули ёрдамида якуний маҳсулотни ҳар бир ишлаб чиқариш босқичида қўшилган қийматнинг йиғиндиси орқали топиш мумкин. Бунда оралиқ маҳсулотлар қиймати ҳисобга олинмайди.

$\text{ЯИМ} = 200 + (250 - 200) + (400 - 250) + (500 - 400) + (800 - 500) + (900 - 800) + (1000 - 900) = 1000$ пул бирлиги.

Шундай қилиб, қўшилган қиймат ҳажми якуний маҳсулот қийматига тенг, бу маҳсулотнинг чакана баҳосида акс этади. Такрорий ҳисоб қиймати умумий савдо қиймати ва қўшилган қиймат орасидаги фарқ сифатида аниқланади, $4\ 050 - 1\ 000 = 3\ 050$ пул бирлиги.

4-масала

Таклиф этилган жадвални таҳлил қилинг (маълумотлар тахминий):

Йил	Номинал ЯИМ (млрд.пул бирл.)	Дефлятор (% да)	Реал ЯИМ (млрд.пул бирл.)
1	1800	50	
2	2400	70	
3	3500	100	
4	4200	105	
5	6000	120	

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Номинал ЯИМ қандай кўраткич ҳисобланади?
2. Реал ЯИМ номинал ЯИМдан қандай фарқ қилади?
3. Дефлятор нима, уни қандай ҳисоблаш мумкин?
4. Жадвалнинг сўнги устунини тўлдилинг.

Ечиш:

Ялпи ички маҳсулот – Маълум муддат давомида мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматлар бозор баҳоларининг йиғиндиси.

2. Номинал ЯИМ – жорий йил нархларида ифодаланган ЯИМ. Унинг динамикасига маҳсулотнинг физик ҳажми ҳамда нархлар даражасининг ўзгариши таъсир этади. Инфляция шароитида у иқтисодий фаолият натижаларини бузиб кўрсатгани учун тuzатишни талаб этади.

Реал ЯИМ – қиёсий баҳоларда (баъзис йтил баҳоларида) ҳисобланган ялпи ички маҳсулот

3. Дефлятор базис йилига нисбатан жорий йилда мамлакатдаги барча

товарлар ва хизматларнинг умумий баҳоси даражаси ўзгаришини ифодалайдиган баҳо индекси.

бу ерда: v_a – мос равишда, базис ва жорий йилдаги i турдаги маҳсулот бирлигининг нархи;

– жорий йилда сотилган i турдаги товар миқдори.

Бинобарин,

Реал ЯИМ қуйидагиларни ташкил этади:

1-йили 1800 млрд. пул бирл.: $0,5 = 3600$ млрд. пул бирл.
2-йили 2400 млрд. пул бирл.: $0,7 = 4000$ млрд. пул бирл.
3-йили 3500 млрд. пул бирл.: $1 = 3500$ млрд. пул бирл.
4-йили 4200 млрд. пул бирл.: $1,05 = 4000$ млрд. пул бирл.
5-йили 6000 млрд. пул бирл.: $1,2 = 5000$ млрд. пул бирл.

-масала

Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар орқали ифодаланган:

Кўрсаткичлар	Пул birlikлари
ЯИМ	600
Уй хўжаликлари истеъмоли	320
Соф инвестициялар ҳажми	110
Давлат харажатлари	90
Экспорт	120
Импорт	90
Бюджетга тушувчи бевосита солиқлар ҳажми	40
Билвосита солиқлар ҳажми	30
Тадбиркорларга субсидиялар	25

Қуйидагиларни ҳисобланг:

а) амортизация маблағлари ҳажми;

б) миллий даромад (МХТнинг эски талқинига кўра);

в) давлат бюджети ҳолати.

Ечиш:

а) харажатларга кўра ЯИМни ҳисоблаш формуласига асосланиб ялпи инвестициялар ҳажмини топамиз:

$$I = \text{ЯИМ} - C - G - N_x.$$

$$\text{Бунда, } T = 600 - 320 - 90 - 30 = 160.$$

$$A = I - I_{\text{соф}} = 160 - 110 = 50.$$

б) миллий даромад қуйидагича аниқланади:

$$\text{МД} = \text{ЯИМ} - A - T_n,$$

Бу ерда, T_n – бизнесга билвосита солиқлар.

Бунда

$$\text{МД} = 600 - 50 - 30 = 520.$$

в) давлат бюджети ҳолатини аниқлаш учун давлат даромад ва харажатларини қиёслаш зарур.

$$T = 40 + 30 = 70.$$

Бунда $T - G = 70 - 90 = -20$, яъни бюджет дефицити мавжуд.

6-масала

Иқтисодиёт қуйидаги кўрсаткичлар билан ёритилган:

1. Истеъмол харажатлари (C) = 2300;

2. Ялпи инвестициялар (I) = 700;

3. Давлат харажатлари (G) = 800;

4. Трансферт тўловлари (TR) = 100;

5. Давлат қарзи бўйича фоиз тўлаш (N) = 100;

6. Солиқлар (T) = 800.

ЯИМ = ЯММ деб тахмин қилинсин.

Ҳисобланг:

а) шахсий жамғармалар;

б) давлат жамғармалари;

в) агар дефицит облигациялар чиқариш билан 80%га молиялаштирилиши маълум бўлса, давлат бюджети дефицитини қоплаш учун чиқарилган давлат облигациялари қиймати ва қўшимча пул миқдори.

Ечиш:

а) шахсий жамғармалар қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$C_p = (Y + TR + N - T) - C$$

$$Y = C + I + G$$

$$Y = 2300 + 700 + 800 = 3800$$

$$C_g = (3800 + 100 + 100 - 800) - 2300 = 900$$

б) давлат жамғармалари қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$C_r = T - TR - N - G$$

$$C_g = 800 - 100 - 800 = -200$$

в) давлат жамғармаларининг салбий белгиси давлат бюджети дефицити мавжудлигини англатади:

$$BD = -C_g = -200$$

Дефицит 80% облигациялар чиқариш билан молиялаштирилади, яъни:

$$\square B = 0,8 \times BD$$

$$\square B = 0,8 \times 200 = 160$$

Дефицитнинг қолган қисми қўшимча пул чиқариш орқали молиялаштирилади:

$$\square M = 200 - 160 = 40.$$

7-масала

Иқтисодиёт қуйидаги кўрсаткичлар орқали ёритилади:

1. Истеъмол харажатлари (C) = 1200;

2. Ялпи инвестициялар (I) = 500;

3. Давлат харажатлари (G) = 300;

4. Трансферт тўловлари (TR) = 200;

5. Давлат қарзи бўйича фоиз тўлаш (N) = 100;

6. Солиқлар (T) = 400

7. Соф экспорт (X_n) = -100

Куйидагилар нимага тенг?

- а) хусусий жамғармалар;
- б) давлат жамғармалари;
- в) ташқи дунё жамғармалари?

Ечиш:

а) хусусий жамғармалар куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$S_p = (Y + TR + N - T) - C$$

$$Y = C + I + G$$

$$Y = 1200 + 500 + 300 = 2000$$

$$S_p = (2000 + 200 + 100 - 400) - 1200 = 700$$

б) давлат жамғармалари куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$S_g = T - TR - N - G$$

$$S_g = 400 - 200 - 100 - 300 = -300$$

в) ташқи дунё жамғармалари куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$S_p = M - X, \text{ ёки } S_p = -X_n$$

$$S_p = -X_n = (-100) = 100.$$

8-масала

Мамлакат иқтисодиётидаги жамғармалар (S) реал фоиз ставкасига боғлиқ (R):

$S = 100 + 400R$. Агар номинал фоиз ставкаси 40% тенг, нархлар ошиши суръати эса 30% ни ташкил этса, у ҳолда, жамғармалар нимага тенг бўлади?

Ечиш:

$$S = 100 + 400R \square S = 140 \square 140 = 100 + 400R \square 40 = 400R \square R = 40 : 400 = 0,1 \square$$

$$S = 100 + 400R \square 100 + 400 \times 0,1 \square S = 100 + 40 = 140.$$

Жамғармалар 140 га тенг ёки номинал фоиз ставкаси $R_n = R_r - P$, у ҳолда реал фоиз ставкаси $R_r = R_n - P \square 40\% - 30\% = 10\% \square$ коэф. 0,1 (10: 100) \square

$$S = 100 + 400 \times 0,1 = 100 + 40 = 140$$

1. Келтирилган маълумотларга асосланиб ялпи ички маҳсулот кўрсаткичини аниқланг:

1.Иш хақи-183,2

2.Экспорт ҳажми-15,3

3.Амортизация-12,7

4.Давлат хариди- 57,4

б.Бизнесга эгри солиқлар-13,3

б.Трансферт тўловлари-14,8

7.Импорт ҳажми- 12,4

8.Фойда солиғи-40.8

9.Шахсий истеъмол харажатлари- 223,1

10 Соф инвестициялар-56,2

2. 2007 йилда ЯИМ 300 млрд. сўмни ташкил этди. Бир йилдан сўнг дефлятор 1.2 мартага ортди, реал ЯИМ эса 10 % га ўсди. 2008- йилги номинал ЯИМ ҳажмини топинг(2007 йил -базис йили).

3. Ёпиқ иқтисодиётда ЯИМ 4800млрд. сўм. Истеъмол харажатлари 2900 млрд. сўмга, давлатнинг товарлар ва хизматлар хариди 1200 млрд. сўмга, Истеъмол қилинган капитал қиймати 350 млрд. сўмга тенг.

Иқтисодиётдаги соф инвестициялар ҳажмини топинг.

4.Иқтисодиётда ялпи инвестициялар ҳажми 220 млрд. сўмга, бюджет профицити эса 15 млрд. сўмга тенг. Экспорт ҳажми 75 млрд. сўмга, импорт ҳажми эса 90 млрд. сўмга тенг бўлса хусусий жамғармалар миқдорини аниқланг.

5.Берилган маълумотлар асосида хусусий жамғармалар миқдорини аниқланг (млрд. сўм) : дромадлар (Ү)-60, трансферт тўловлари-80 , давлат заёмлари бўйича фоиз тўловлари -60, солиқлар-80, истеъмол харажатлари-470.

1-масала

Қуйидаги маълумотлар асосида ишсизлик даражасини аниқланг:

Жами аҳоли – 450 минг киши, жумладан:

16 ёшгача болалар – 80 минг киши;

–пенсионерлар – 60 минг киши, шундан 10 минг киши ҳали ишлайди;

–ишсизлар - 13 минг киши;

–муддатли ҳарбий хизматда – 5 минг киши;

–лицей ва коллеж талабалари – 20 минг киши;

–уй бекалари - 5 минг киши;

Ечиш:

Ишсизлик даражаси расман рўйхатга олинган ишсизлар сонини ишчи кучи сонига бўлиш йўли билан аниқланади, яъни:

$$\text{ишчи кучи сони} = 450 - 80 - 50 - 5 - 20 - 5 = 290$$

қўшимча ишловчи пенсионер ишчи кучи таркибига кирадилар

$$\text{Ишсизлик даражаси} = (13/290)100\% = 4,5\%$$

2-масала:

2009 йилда шартли иқтисодий тизимда аҳоли сони таркиби тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар мавжуд эди:

- ишчи кучи сони – 350 млн. киши,

- ишсизлар – 30 млн. киши, жумладан:

- 15 млн. киши корхона банкротлиги натижасида ишсиз бўлиб қолди,

- 3 млн. киши янги касбни ўрганади;

- 3 млн. киши ишлаб чиқариш қисқартирилгани натижасида ишдан бўшатирилган;

- 5 млн. киши корхона янги фаолият турига ўтганлиги туфайли ишдан бўшатирилди;

- 4 млн. киши ишламайди, чунки ёш болалари ва қари ота-оналари мавжуд.

Табиий ва ҳақиқий ишсизлик даражасини ҳисобланг. Оукен қонунидан фойдаланиб, агар потенциал ЯИМ 4 млрд. пул бирлигини ташкил этган бўлса, ЯИМнинг узилишини аниқланг.

Ечиш:

1. Жорий йилда табиий ишсизлик = янги касбни ўрганувчи (фрикцион ишсизлик) 3 млн. киши + ёш болалари ва қари ота-оналари мавжуд 4 млн. киши + корхона янги фаолият турига ўтганлиги натижасида ишдан бўшатишган 5 млн. киши = 12 млн. киши.

2. Даврий ишсизлик = корхона банкротлиги натижасида ишдан бўшатишган 15 млн. киши + ишлаб чиқариш қисқартирилгани натижасида ишдан бўшатишган 3 млн. киши = 18 млн. киши.

3. Ҳақиқий ишсизлик = 30 млн. киши.

4. Ҳақиқий ишсизлик даражасининг табиий ишсизлик даражасида ортиқлиги = $8,6\% - 3,4\% = 5,2\%$.

5. ЯИМнинг узилишини Оукен коэффициентидан фойдаланган ҳолда аниқланади, у $-2,5\% \times 5,2\% = 13\%$ га тенг.

ЯИМнинг узилишининг мутлақ миқдори = $4 \text{ млрд. пул бирл.} \times 13\% : 100\% = 0,52 \text{ млрд. пул бирл.}$

Бинобарин, ЯИМнинг ҳақиқий ҳажми потенциал ҳажмидан, ҳақиқий ишсизлик даражаси табиий даражадан ошиши натижасида 0,52 млрд. пул бирлигига кам.

3-масала

2005 йилда шартли мамлакатда қуйидаги ишсизлик кўрсаткичлари мавжуд эди:

- фрикцион - 3%; таркибий - 3%; даврий - 10%.

Номинал ЯИМ 27600 пул бирлигини ташкил этди, Оукен коэффициенти эса 2,5% га тенг.

ЯИМнинг узилиши миқдорини аниқланг.

Ечиш:

Ҳақиқий ишсизлик даражаси куйидагича топилади:
фрикцион (3%) + таркибий (3%) ва даврий (10%) = 16%

Табиий ишсизлик даражаси куйидагича топилади:
фрикцион (3%) + таркибий (3%) = 6%

Потенциал ЯИМни Оукен қонунининг математик кўринишидан фойдаланган ҳолда топамиз:

Ҳақиқий ЯИМ = потенциал ЯИМ ,

бу ерда, U_1 – ҳақиқий ишсизлик даражаси; U_2 – табиий ишсизлик даражаси; k - Оукена коэффитценти. Маълумотларни формулага кўйиб, потенциал ЯИМни топамиз.

$27600 = \text{Потенциал ЯИМ} ;$

$27600 = \text{Потенциал ЯИМ} \times 0,85$

$\text{Потенциал ЯИМ} = 27600 : 0,85 = 32470$ (пул бирл.)

Агар ҳақиқий ишсизлик табиий даражадан ошмаса, ЯИМ 32470 пул бирлигини ташкил этар эди. Даврий ишсизлик мавжудлиги сабабли иқтисодиёт 4870 пул бирлиги (32470-27600) қийматидаги ЯИМга эга бўла олмаган.

4-масала

Иқтисодиётда табиий ишсизлик даражаси – 6%, ҳақиқий ишсизлик 10%ни ташкил этади. Ишлаб чиқариш ҳажми - 600 млн. сўм. ЯИМнинг ишсизлик даражасининг ўзгаришига таъсирчанлиги коэффиценти 3 га тенг. ЯИМ узилишини аниқланг.

Ечиш:

Оукен қонунига кўра:

$(Y - Y^*) : Y^* = -\square (y - y^*)$.

$(Y - Y^*) : Y^* = -3 (0,1 - 0,06) = -0,12$ ёки 12%.

$(600 - Y^*) : Y^* = 0,12 \square Y^* = 682$ млн. сўм.

Демак, ЯИМнинг узилиши даврий ишсизлик билан боғлиқ, у куйидагини ташкил этади: $Y - Y^* = 600 - 682 = -82$ млн. сўм.

1. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган: аҳолининг умумий сони 650 киши, меҳнатга лаёқатли бўлмаган ёшдаги аҳоли сони 140, ишсизлар сони 19, ишчи билан банд аҳоли сони 380 бўлса ишсизлик даражасини топинг.

2. Аҳоли сони 200 млн киши. Иш билан бандлар сони 112 млн. киши, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 160 млн. киши, фриксион ишсизлар 6 млн. киши, таркибий ишсизлар 2 млн. киши, даврий ишсизлар эса 5 млн. кишини ташкил этган. Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан 4 %га юқори. Потенциал ЯИМ 2500 шартли бирликка тенг. ЯИМнинг циклик ишсизлик динамикасига таъсирчанлик коэффиценти 2,5.

Топилсин:

- А) ишсизликнинг ҳақиқий даражаси;
- Б) ҳақиқий ЯИМ ҳажми.

3. Ишсизликнинг табиий даражаси 6 %, ишсизликнинг ҳақиқий даражаси 7,33 %, потенциал ЯИМ йилига 3 %га ўсади, ЯИМнинг даврий ишсизлик динамикасига таъсирчанлиги коэффиценти 3 га тенг. Кейинги йилда табиий ишсизлик даражасида ресурсларнинг тўлиқ бандлиги таъминланиши учун ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий даражаси қандай суръатда ўсиши лозим?

4. Ишсизликнинг табиий даражаси 5 %, потенциал ЯИМ 40 млрд. сўм, ишсизлар сони 1 млн. киши, иш билан бандлар 14 млн. киши. Топилсин:

- а) ишсизликнинг ҳақиқий даражаси;
- б) ЯИМнинг нисбий ва мутлақ узилиши;
- в) Ҳақиқий ЯИМ ҳажми.

Ишсизлик даражаси 8 %, ишчи кучи сони 10 млн. киши, аҳоли сони 19 млн. киши, ишсизликнинг табиий даражаси 5 %.

Топилсин:

- а) ишсизлар сони;

б) ЯИМнинг нисбий ва мутлақ узилиши.

1.2001 йилда истеъмол нархлари 2000 йилга нисбатан 125 %ни, 2002 йилда эса 2000 йилга нисбатан 140 фоизни ташкил қилди.

Топилсин:

а) 2002 йилда 2001 йилга нисбатан инфляция даражасини;

б) инфляция суръатини барқарор деб ҳисобласак неча йилда баҳолар икки мартага ортишини.

2.Иқтисодиёт қуйидаги кўрсаткичлар воситасида тасвирланган:

Йиллар	Инфляция даражаси	Номинал фоиз ставкаси
1	3%	8%
2	8%	3%

Иккинчи йилда биринчи йилга нисбатан реал фоиз ставкаси қанча миқдорга кўпайганлигини топинг.

4. Айтайлик истеъмол саватига фақат шакар ва гўшт кирсин. Жадвалда бу товарларни ишлаб чиқариш ҳажми ва нархи келтирилган. 2003- йил базис йили бўлса 2004 -йил учун ЯИМ дефлятори ва истеъмол нархлари индексини аниқланг

Йиллар	Ишлаб чиқариш (ш.б.)		Бир ш.б. маҳсулот баҳоси (пул. бирл.)	
	шакар	гўшт	шакар	Гўшт
2003	730	930	500	2700
2004	700	990	650	3200

3.Айтайлик истеъмол нархлари индекси 1993 йили 301га, 1994 йили эса 311 га тенг бўлган бўлсин. Базис йили ҳисобланган 1990 йилда инфляция даражаси 4 % ни ташкил этган. Зарур ҳисоб-китоблар ёрдамида 1994 йилда ҳақиқий инфляция даражаси 4 %дан кам бўлганлигини, баҳолар эса 1990 йилга нисбатан 211 %га юқори бўлганини исботланг.

1-масала

Ўтган йили AD эгри чизиғи тенгламаси: $Y = 3300 - 3P$ кўринишига эга эди. Жорий йилда бу тенглама: $Y = 3270 - 3P$ кўринишига эга. Потенциал ЯИМ аввалги даражаси 3000 да қолган. Инфляция даражасини ва қисқа муддатдаги мувозанатли ЯИМ ҳажмини аниқланг.

Ечиш:

Биринчи йилда: $3000 = 3300 - 3P$ $P = 100$,

Иккинчи йилда: $3000 = 3270 - 3P$ $P = 90$,

яъни бу даврда нархлар даражаси 10%га пасайган.

Икки йилдаги AD эгри чизиқ тенгламаларига кўра, қисқа муддатда эгри чизиқ чапга силжиган, шунинг учун:

$Y = 3270 - 300 = 2970$, яъни ялпи талабнинг қисқариши иккинчи -йилда ишлаб чиқариш ҳажми камайишига олиб келган.

2-масала

Узоқ муддатли AS эгри чизиғи $Y = 3000$ тенглиги, қисқа муддатли AS эгри чизиғи

$P = 1,0$ даражасида берилган. AD эгри чизиғи тенгламаси: $Y = 3,0 M/P$. Пул таклифи (M) 1000 га тенг. Нарх шоки натижасида қисқа муддатли AS эгри чизиғи $P = 1,5$ даражасига силжган, узоқ муддатли AS эгри чизиғи - $Y = 2500$. AD эгри чизиғи эса ўзгармаган. Қисқа ва узоқ муддатдаги янги Y ва P ни аниқланг.

Ечиш:

Қисқа муддатда:

$AD = 3 M/P$, $M = 1000$

$Y = 3 \times 1000 : 1,5 = 2000$, яъни қисқа муддатда Y ва P мувофиқ тарзда куйидагиларга тенг:

$Y = 2000$, $P = 1,5$.

Узоқ муддатда:

AD: $2500 = 3 \times 1000/P$, $R = 1,2$, яъни узоқ муддатда Y ва P мос равишда куйидагиларга тенг:

$Y = 2500, P = 1,2$ (чизма).

P LPAS

Мустақил ишлаш учун масалалар

1. Ялпи талаб эгри чизиғи тенгламаси (AD): $Y=4 (M/P)$. Дастлабки ҳолатда пул массаси (M) 1200 млрд. долларга тенг. Пул массаси 5 %га ўсганидан сўнг қисқа муддатли мувозанатли нархлар даражасини ва даромадлар даражасини аниқланг.

2. Узоқ муддатли AS эгри чизиғи $Y=2000$, қисқа муддатли AS- эгри чизиғи $P=1,0$ даражасида горизонтал. AD эгри чизиғи тенгламаси $Y=2.0 *M/P$. Пул таклифи (M) 1000 га тенг. Баҳо шоки натижасида ялпи таклиф эгри чизиғи $P=1.25$ даражасигача кўтарилди.

а) шокдан сўнг иқтисодиётда ўрнатилган қисқа муддатли мувозанат нуқтасининг координатлари қандай?

б) иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг дастлабки даражасини тиклаш учун Марказий банк пул таклифини қанчага ошириши керак?

3. Иқтисодиёт дастлаб тўлиқ бандлилик шароитида турган эди. Ялпи талабнинг узоқ муддатли тенгламаси (LRAS): $Y=4000$ млрд.долл. Ялпи талабнинг қисқа муддатли тенгламаси (SRAS): $P= 1,2$, Ялпи талаб эгри чизиғи (AD) тенгламаси: $Y=4 (M/P)$. Дастлабки ҳолатда пул массаси (M) 1200 млрд. долларга тенг. Пул массаси 5 %га ўсганидан сўнг узоқ муддатли ва қисқа муддатли мувозанат нуқталари координатларини аниқланг.

1-масала

Жамғаришга чегараланган мойиллик кўрсаткичи 0,2 га, автоном истеъмол ҳажми 700 га, чегараланган солиқ ставкаси 0,25 га, даромадлар даражаси 7000га тенг бўлса, топилсин:

а) истеъмол ва жамғармалар ҳажми;

б) истеъмолга ва жамғаришга чегараланган мойиллик кўрсаткичлари.

Ечиш:

Дастлаб истеъмолга чегараланган мойиллик кўрсаткичини =исоблаб топамиз

Маълумки $MPC+MPS=100$ $MPC=100-MPS=100-20=80\%$, ёки $0,8$

Истеъмол функциясига кўра истеъмол харажатлари миқдорини аниқлаймиз

$$C=a+b(Y-tY)=700+0,8(7000-0,25 \cdot 7000)=4900 \text{ ш.б.}$$

Жамғариш миқдорини тасаруфдаги даромаддан истеъмол харажатларини айириб топамиз

$$S=Y_d-C=(Y-tY)-C=(7000-0,25 \cdot 7000)-4900=5250-4900=350 \text{ ш.б.}$$

Истеъмолга ва жамғаришга ўртача мойилликни топамиз

$$APC=C/Y_d=4900/5250=0,93 \quad APS=S/Y_d=350/5250=0,07$$

2-масала

Инвестициялар (I) 50 ш.б.ни, давлат харажатлари (G) – 200, соф экспорт (X_n) – 70, автоном истеъмол харажатлари (C) – 100 ш.б.ни, жамғармага чегараланган мойиллик (MPS) – 0,25 ни ташкил этса, ЯИМнинг мувозантли даржасини аниқланг.

Ечиш:

$$MPC = 1 - MPS = 1 - 0,25 = 0,75;$$

Истеъмол харажатлари функцияси:

$$C = 100 + 0,75 Y$$

$$Y = C + I + G + X_n.$$

Мавжуд маълумотларни асосий макроиктисодий айдиятга қўйган ҳолда ЯИМнинг изланаётган мувозантли миқдорини топамиз.

$$Y = 100 + 0,75 Y + 50 + 200 + 70$$

$$0,25 Y = 420 \text{ пул бирл.}$$

$$Y = 420:0,25, \text{ бундан } Y = 1680 \text{ пул бирл. эканлигини аниқлаймиз.}$$

Назорат саволлари

1. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика. 2-е изд.-СПб.: Питер, 2010. -288 с.
2. Джумаев З.А. “Макроиктисодиёт” фанидан Ўқув-услубий мажмуа., Тошкент: Иқтисодиёт.-2010 й.-598 б.
3. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие- М.: КНОРУС, 2010.-302 с.

4. Киселёва Е.А. Макроэкономика. /Экспресс курс:учебное пособие- М.:КНОРУС, 2008- 384 с.

5. Кушлин В.И., Ивлева Г.Ю., Клюкин П.И. Макроэкономика: Государственное регулировании в условиях глобализации; УМК для подготовки магистров.-М. :Изд-во РАГС, 2007.-320 с.

6. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Тесты: Учебное пособие.-2-е изд.- М.: Издательство “Дело и сервис”, 2005., 96 с.

7. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q.X.Makroiqtisodiyot. (O'quv qo'llanma).-T.:O'zbekiston Yozubchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti,2005.-192 b.

8. Матвеева Т.Ю. Введение в макроэкономику: учебное пособие. Гос.ун-т-Высшая школа экономики.-3-е изд.-М: Изд.дом ГУ ВШЭ, 2005.-510 с.

9. Ишмухамедов А.Э., Чепель С.В., Шибаршова Л.И. Сборник кейсов по дисциплинам “Макроэкономика” и “Микроэкономика”(учебное пособие)-Т.: ТГЭУ, 2005, 140 стр.

2-амалий машғулот.

Камёб ресурслар шароитида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишлари. Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати ва ундаги мавжуд муаммолар

Иқтисодиёт йўналишидаги олимлар ва мутахассислар ердан оқилона фойдаланишни таъминлаш борасида асосан уларни иқтисодий баҳолайдилар. Ер ресурсларининг чекланганлиги учун уларни баҳолашда иқтисодий рента ёндашувидан фойдаланилади. Иқтисодий рента деганда, одатда, чекланган табиий ресурслардан фойдаланилганда (ёки ижара) тўланадиган ҳақ ёки уни баҳоси тушунилади. Иқтисодий рента кўпинча ресурсдан фойдаланувчининг ундан фойдаланганда оладиган рента даромади маъносида ҳам қўлланилади. Ушбу ёндашув орқали ер баҳоси (P) қуйидаги формула асосида аниқланади: [6].

$$P = R \cdot g$$

бу ерда, P- йиллик рента катталиги;

g – коэффитсиент бўлиб, у кам бирлик сифатида олиниб ва унинг катталиги банк (сўмда) фоизи билан кўпинча боғланади.

Рента катталиги маълум бўлган муддатга қараб белгиланади.

Масалан, агар ҳар йилги ер участкасининг рентаси 10 минг сўм бўлса, ссуда (қарз) фоизи 10% га тенг деб олинса, у ҳолда участка нархи 100 минг сўмга тенг бўлади. Бу нархда ер ресурси баҳоси банкка қўйилган капитал маблағ ўлчамига кўпинча тўғри келади, бу баҳо рента катталигига тўғри келадиган ҳар йилги даромад миқдorigа баробар бўлади.

Ерни иқтисодий баҳолаш жараёнида унинг табиий, сунъий ва самарали ҳосилдорлик хусусиятлари ҳам ўз аҳамиятига эгадир. Ернинг табиий ҳосилдорлиги тупроқнинг табиий ҳосил бўлиш жараёнлари натижасида унумдорлигидир. Ерга инсон томонидан ишлов бериш (ҳайдаш, ўғит солиш, мелиорация, агротехник ва бошқа тадбирлар) жараёнида ҳосил бўладиган унумдорликка сунъий ҳосилдорлик дейилади. Иқтисодий ҳосилдорлик эса табиий ва сунъий ҳосилдорликларнинг ўзаро қўшилишидан ҳосил бўлган

унумдорликдир. Ушбу икки гуруҳдаги ҳосилдорлик бир-бирларига боғлиқ ҳолда ўзароликни тақозо этади, яъни сунъий ҳосилдорликнинг бузилиши тупроқ деградациясига олиб келади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш кўрсаткичларини аниқлаш.

Қуйидагиларни ҳисобланг:

а) 1га гектар қишлоқ хўжалик ерига қанчадан асосий ишлаб чиқариш фондлари тўғри келиши:

б) бир гектар сўм) ва меҳнат харажатлари (киши-соат ҳисобида).

№	Кўрсаткичлар	Бешариқ ф\х	Серкүёш ф\х	Барака ф\х
1	Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга тегишли бўлган фондларнинг ўртача қиймати, минг сўм	16114482	1223097	1131157
2	Жами ишлаб чиқариш харажати, минг сўм.	7043732	1224691	1356163
3	Меҳнат харажати, киши-соат	5828782	1224691	1356163
4	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг хаммаси, гектар	9246	3570	2960

Дехқончилик тармоқларини интенсифлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Қуйидагиларни ҳисобланг:

а) 100 гектар қишлоқ хўжалик ерига, 100 гектар экинзорга қилинган меҳнат сарфи (киши-соат ҳисобида);

б) 100 гектар қишлоқ хўжалик ери, 100 сўмлик ишлаб чиқариш харажати эвазига ва бир киши-соат ҳисобига олинган соф даромад (сўм ҳисобида).

“Бешариқ” фермер хўжалигида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг хаммаси 9246 гектар, шундан 7246 гектари экинзор бўлиб, ялпи маҳсулотнинг таққослама нархларидаги қиймати 940044,6 минг сўмни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига тегишли бўлган фондларнинг ўртача қиймати 16114482,0 минг сўм, тракторлар билан бажариладиган ишларнинг ҳажми 243449 шартли эталон гектар, жами меҳнат харажати 5828782 киши-соат, жами ишлаб чиқариш харажати 7043732,0 минг сўмни, сарфланган ўғитларнинг қиймати 54 2470,0 минг сўмни маҳсулотни сотишдан олинган даромад 9400446,0 минг сўмни, сотилган маҳсулотнинг таннархи эса 6473314,0 минг сўмни ташкил қилади.

Заҳарли химикатлар ишлатилишининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Қуйидагиларни аниқланг:

а) гектардан олинган қўшимча ҳосил (центнер ҳисобида).

б) бир гектардан ва жами майдондан олинган қўшимча ҳосилнинг қиймати (минг сўм).

в) жами майдонга қилинган қўшимча харажат (сўм ҳисобида).

г) заҳарли химикатлар ишлатиш эвазига бир гектардан ва жами майдондан олинган соф даромад (сўм ҳисобида).

№	Кўрсаткичлар	Заҳарли химикатлар ишлатилган майдон	Заҳарли химикатлар ишлатилмаган майдон
1	Экин майдони, (га)	100	100
2	Ҳосил гектаридан, (ц)	32	24
3	Ялпи маҳсулот қиймати, (минг сўм)	142600	111200

4	1 гектарга сарфланган заҳарли химикат, (минг сўм)	14,7	-
5	Меҳнат сарфи, киши-кун	177,0	149
6	1 гектарга қилинган ишлаб чиқариш сарфи, минг сўм	1020,0	1002,0

Хўжаликнинг энергия қуввати билан таъминланишини ва меҳнат унумдорлигини аниқлаш.

Қуйидагиларни ҳисобланг :

а) бир ишловчига тўғри келадиган энергия қуввати (эталон трактор ҳисобида);

б) 100 гектар экин майдонига тўғри келадиган энергия қуввати (эталон трактор ҳисобида);

в) бир гектар экин майдонига қилинган сарф (киши –кун ҳисобида).

№	Кўрсаткичлар	1 йил	2 йил	3 йил
1	Жами энергия (эталон трактор)	1175	1460	1700
2	Ишловчилар сони	1650	1565	1480
3	Экин майдони, га	2800	2810	2812
4	Меҳнаат сарфи (минг киши-кун ҳисобида)	460,0	408,2	409,1

Меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг ўсиш даражасини ҳисоблаш.

Қуйидагиларни ҳисобланг:

а) ялпи маҳсулот қийматининг ўсиш даражаст (% ҳисобида);

б) меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг ўсиш даражаси (% ҳисобида);

в) бир ишловчи ва бир киши соат ҳисобига тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати (минг сўм ҳисобида).

№	Кўрсаткичлар	1 йил	2 йил	3 йил
1	Ялпи маҳсулот қиймати, млн. сўм	1035,7	1147,8	1216,9
2	Ўртача ишловчилар сони	378	355	317
3	Сарфланган киши соатлар	368715	491551	482451
4	Сарфланган иш ҳақи, млн. сўм	309,0	327,5	319,0

Меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражасини ҳисоблаш.

Қуйидагиларни аниқланг:

- а) бир ишловчига тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати (минг сўм);
- б) бир киши кун ҳисобига тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати (минг сўм);
- в) бир иш соатига тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати (сўм ҳисобида).

№	Кўрсаткичлар	Барака ф\х		Ишонч ф\х	
		Режа бўйича	ҳақиқатда	Режа бўйича	ҳақиқатда
1	Ялпи маҳсулот, млн сўм	2027,8	2697,3	3738,9	3911,9
2	Ўртача ишловчилар сони	578,0	556,0	639,0	729,0
3	Жами киши кунлари, млн.сўм	154,6	156,1	197,7	201,3
4	Иш куннинг узунлиги, соат	6,50	6,30	6,50	7,1

Қуйидагиларни аниқланг:

- а) ҳар қайси ва жами иш тури бўйича талаб қилинган киши куни;
- б) ҳар қайси ва жами иш тури бўйича талаб қилинган иш куни.

№	Иш турлари	Ўл.бир	Ишнинг хажми	Иш куни	1 кунлик норма	Нормани бажаришда иштрок этадиган ишчилар сони
1	Чигит экиш	гектар	1200	15	7,0	2
2	Яганалаш	гектар	1200	20	0,25	1
3	Икки марта чопиқ	гектар	2400	60	0,15	1
4	5марта культивация	гектар	6000	60	9,0	2
5	бмарта суғориш	гектар	7200	70	0,50	1
6	3 марта ғўзани озиклантириш	гектар	3600	60	7,0	2
7	Ғўзани чеканка қилиш	гектар	1200	15	0,30	1

Тракторчи механизаторларга бўлган талабни аниқлаш.

Жами қанча норма бажарилиши ва қанча тракторчи-механизатор талаб қилинишини аниқланг.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси 1400 гектар ерга чигитни 10 кунда экишни режалаштирилган. Агрегат бир кунда 7,0 гектар ерга чигит экади, ҳар қайси агрегатда 2 киши ишлайди.

Сут соғувчиларга бўлган талабни ҳисоблаш:

Ҳар сменада қанча сигир соғувчи талаб қилинишини аниқланг.

Фермада 668 та сигир бўлиб, ҳар бир ишчига машиналар ёрдамида соғиш учун 56 тадан сигир бириктирилган. Смена коэффиценти 13 га тенг.

Сигир соғувчиларга сигирларни бириктириш нормасини белгилаш.

Бир сигир соғувчига қанча сигир бириктирилишини аниқланг.

Фермада бир сменанинг иш вақти 420 минут белгиланиб, сигир соғувчиларга кийиниш, ечиниш ва соғиш аппаратларига қараш учун 46 минут ажратилган. Ишловчиларнинг шахсий ишлари учун 8 минут вақт ажратилади. Бир сигирга озуқа беришга -5,1 минут, тагини тозалашга 0,7 минут, охурларни тозалаш, сигирларни қашлаб тозалашга 2,9 минут, бир сиширни соғишга 9,7 минут сарфланади.

Ер ҳайдаш нормасини белгилаш.

Қуйидагиларни аниқланг:

- а) сменадаги иш нормаси (гектар ҳисобида);
- б) смена давомидаги ёнилғи сарфи (кг ҳисобида);
- в) 10 иш кунда, икки смена ишлаганда нечта трактор талаб қилиниши.

Т-4 трактори билан 900 гектар ер ҳайдаш режалаштирилган.

Трактор бир иш сменасида 8 соат-у 20 минут ишлайди. Ишга тайёргалик кўриш ва ишни тамомлаш учун 20 минут, ёғлаш, мойлаш ва техник қаров ўтказишга 20 минут, агрегатнинг иш кенглиги 1,4 метр, ҳар бир гектар учун 19,5 кг ёнилғи сарфланади.

Чигит экиш нормасини белгилаш.

Қуйидагиларни аниқланг:

- 1) Агрегатнинг бир сменадаги иш нормаси (га);
- 2) Бир соатлик ҳақиқий иш вақтидаги меҳнат унумдорлиги;
- 3) Тракторга бўлган талаб.

Фермер хўжалиги 100 гектар ерга 10 кун ичида чигит экиш режалаштирган.

Тракторчи бир сменада 8,7 соат ишлайди. Шундан ишга тайёргарлик 20 минут, бекор турган вақти 32 минут, ёғлаш, мойлашга 15 минут вақт сарфлайди. Сеялканинг иш кенглиги 24 метр, агрегатнинг юриш тезлиги соатига 3,41 километр.

Транспорт воситасига норма белгилаш:

- а) бир марта қатнаш учун кетган вақт;
- б) бир сменадаги қатновлар сони;

в) бир сменада ташилган юк ва тонна километрлар.

г) жами талаб қилинган трактор ва прицеплар сони.

“Белорусь” трактори 3,5 тонна юк кўтарувчи прицеп билан 10 иш кунда 900 тонна ўғитни 7,5 километр масофадаги базадан хўжаликга ташиб олиб ккелиши керак.

Иш кунинг узунлиги 8 соат, ишга тайёргарлик қилишга 25 минут, бир тонна юкни юклаш ва туширишга 20 минут сарфланади. Трактор юк билаг ва юксиз ўртача соатига 10 км тезлик билан юради.

Ем-хашак экинларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Қуйидагиларни ҳисобланг:

а) экин тури бўйича бир гектардан олинган озуқа бирлиги (ц);

б) бир гектар ерга қилинган меҳнат сарфи (киши-соат);

в) бир гектар ерга қилинган харажат (минг сўм);

г) бир гектар ердан олинган соф фойда (минг сўм ҳисобида).

№	Экин турлари	Сотиш бахоси, сўм	Хосилдорлик, гектари дан центнер	Озуқа бирлиги коэффиценти	Меҳнат сарфи, киши соат	1 ц нинг таннархи, минг сўм
1	Арпа	532	14,0	1,21	1,05	427,0
2	Сули	459	13,9	1,00	1,1	385,0
3	Маккажўхори силоси	900	430,0	0,20	0,49	69,0
4	Беда пичани	491	179,0	0,49	0,27	180,0
5	Илдизмевалилар	209	137,0	0,12	0,8	200,0
6	Бир йиллик ўт пичани	408	35,7	0,47	1,13	229,0
7	Бўғдой сомони	540	13,0	0,20	-	36,0

Етиштирилган маҳсулотга иқтисодий баҳо бериш.

Қуйидагиларни аниқланг:

а) экин турлари бўйича ялпи маҳсулот (центнер ҳисобида);

б) 1 центнер маҳсулотнинг таннарни (минг сўм);

в) 1 гектар ерга қилинган сарф (минг сўм);

д) соф даромад (минг сўм);

ж) 1 гектар ер ҳисобига бир киши-соат ва қилинган бир сўм ҳисобига олинган даромад (минг сўм).

№	Экин турлари	Экин майдони га	1 га дан олинган хосил (ц)	Бевосита киши-соатлар сони	Жами сарф, минг сўм	1 га маҳсулотни сотиб олиш баҳоси, минг сўм
1	Пахта	1328	32	890900	1218366,0	
2	Каноп пояси	123	163	83740	13765,5	
3	Шоли	142	46,0	73442	84480,0	
4	Сабзавот	72	120	64050	11873,7	
5	Маккажўхори силоси	86	372	8852	13731,0	
6	Кўп йиллик ўтлар	169	116	28300	3888	
7	Боғлар (уруғлик мева)	50	19	3374	34220,2	

Изоҳ: 1 га маҳсулотни сотиб олиш баҳосини тахминий бозор нархида қўйиш мумкин

“Пахтаорол” фермер хўжалигида ҳар хил усулларда суғоришнинг иқтисодий самарасини аниқлаш.

Қуйидагиларни ҳисобланг:

а) ялпи хосил (тонна) ва ёмғирлатиб суғориш эвазига олинган қўшимча хосил (ц) ҳисобида;

б) 1 м³ сув эвазига олинган пахта ҳосили (ц);

в) жами майдондан ёмғирлатиб суғориш натижасида тежалган сарфлар (киши-куни ва минг сўм ҳисобида).

№	Кўрсаткичлар	Суғориш усуллари	
		Ёмғирлатиб суғориш	Эгатлаб суғориш
1	Суғориладиган пахта майдони (га)	939	939
2	1 гектардан олинган ҳосил (ц)	42,4	40,1
3	Суғориш сони	3,0	2,1
4	Мавсумий суғориш нормаси (гектарига м ³ ҳисобида)	1440	2590
5	Бир гектар ерни суғориш учун сарфланган меҳнат (киши-кун)	2,24	3,31
6	Бир киши куннинг баҳоси (сўм)	70000	70000

Суғориладиган ерлардан кузги бугдой етиштиришнинг самарадорлигини аниқлаш.

Қуйидагиларни ҳисобланг:

а) суғориладиган ерларда суғорилмайдиган ерга нисбатан йиллар бўйича ҳар гектардан олинадиган ортикча ҳосил (ц);

б) суғорилмайдиган майдонлар сув билан таъминланганда олинадиган кўшимча ҳосил(йиллар бўйич), шунингдек, ҳар гектаридан ва ялпи олинадиган ҳосил ҳамад беш йилликдаги ўртача ўсиш (ц).

№	Кўрсаткичлар	Беш йилликда				
		1 йил	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил
1	Экин майдони (суғориладиган ерда), минг гектар	1,7	2,9	2,6	3,0	3,4
2	1 гектардан олинган ҳосил, (ц)	34,4	45,6	46,7	47,3	50,3
3	Экин майдони (суғорилмайдиган ерлар), минг гектар	2,3	2,6	2,8	3,1	3,9

4	Бир гектардан олинган ҳосил, (ц)	14,4	17,4	19,1	19,9	23,0
---	----------------------------------	------	------	------	------	------

Назорат саволлари

1. Қандай харажатлар ижтимоий ва индивидуал харажатлар деб аталади?
2. Жами ва ишлаб чиқариш харажатлари деганда нимани тушунасиз?
3. қандай харажатларни доимий ва ўзгарувчан харажатлар деб аташ мумкин?
4. Харажатлар элементлари ва моддалари ҳақида қандай тушунчага эгасиз?
5. Маҳсулот таннархи деганда нимани тушунасиз?
6. Маҳсулот таннархи даражасини, динамикасини қандай тушунасиз?
7. Маҳсулот таннархи таркиби деганда нимани тушунасиз?
8. Харажатларни камайтириш, таннархни пасайтиришга қандай чора-тадбирлар ёрдамида эришиш мумкин?

3-амалий машғулот

Рақамли иқтисодиётнинг бизнес ва ижтимоий соҳадаги ўрни ва аҳамияти

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропonte “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди (“Рақамли дивидендлар”).

Масалан, харидорга пойафзал керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон

тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш – рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масалани энг содда маиший мисол орқали тушунтиришдир. Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул узатамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиёт – бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

Белгилари:

- юқори даражада автоматлаштирилганлик;
- электрон хужжат алмашинуви;
- бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви;
- маълумотлар электрон базалари;
- CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги;
- корпоратив тармоқлар.

Қулайликлари:

1. Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлқира ва бошқа ресурслар тежалади).
2. Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.
3. Рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.
4. Фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.
5. Тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Яққол мисол...

Рақамли платформаларнинг ривожланиш соҳасидаги ёрқин мисоллардан бири сифатида “Алибаба” электрон савдо тизимига эга бўлган [Хитой](#) компаниясини келтириб ўтиш мумкин. Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратилади. “Алибаба” бу – оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимидир.

Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир.

Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар қўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон хужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фойдаланувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун Телеграм ботларидан фаол фойдаланмоқдалар. Шунингдек, турли интернет дўконлар, электрон тўлов

тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишоништилар. Фақат ҳозирги кунгача фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар, ўртача харид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслар. Эндиги масала ўртача ва йирик иқтисодий битимлар ва молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат.

Рақамли иқтисодиётнинг ўз валютаси (криптовалюта, биткоин), пул сақлайдиган кармони (блокчейн), ҳисоблаш усуллари (майнинг) каби терминлари мавжуд. Улар ҳақида янада батафсил маълумот олиш тавсия қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади. Бундан ташқари [Иқтисодиёт](#), Молия, Ахборот технологиялари, Адлия вазирликлари ва бошқа қатор давлат тузилмалари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ўзига хос масъулият ва вазифаларга эга. Бу ҳақида куни кеча Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Назорат саволлари:

1. Ходимлар қўнимсизлиги таҳлили қандай амалга оширилади?
2. Ходимлар таркибининг таҳлилини мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.
3. Сув хужалиги ташкилотларининг асосий фондларидан фойдаланишнинг қандай кўрсаткичлар тизими мавжуд?
4. Сув хужалиги ташкилотларининг асосий фондларидан самарали фойдаланиш таҳлилини мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.
5. Хом–ашё ва захиралардан фойдаланиш таҳлилининг методик асослари.
6. Сув хужалиги ташкилотларининг материал бойликлар билан таъминланиши қайси кўрсаткичлар орқали таҳлил қилинади?

3-кўчма машғулот

ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ

Ишдан мақсад: қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий самарадорлигини ошириш, техникавий жиҳатдан илғор, юқори самара берадиган, янги техникани ва технологияни кенг жорий қилишга мослашган вариантларни қўллаш, Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни таннарҳини пасайтириш, Меҳнат унумдорлигини ошириш, илмий техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш бўйича кўникмаларга эга бўлиш.

Ишни бажариш тартиби: Ишлаб чиқаришни қувватининг баланслари капитал қурилишларнинг режалаштиришнинг асосидир. Баланс тузиш учун ишлаб чиқариш қувватларини ва уларни ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулот хажминини аниқлаш керак.

Режалаштирилган йил охири ишлаб чиқаришининг қуввати қуйидагича аниқланади:

$$K_{ох} = K_{б} + K_{п} - K_{чик}$$

бир йиллик режалаштириш учун

$$\bar{K} = K_{б} + \frac{\sum K_{п} * T}{12} - \frac{\sum K_{чик} * T'}{12}$$

агар T ва T' лар номаълум булса : $\bar{K} = K_{б} + \frac{\sum (K_{п} - K_{чик})}{2}$

бу ерда:

\bar{K} - корхонанинг ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати.

$K_{б}$, $K_{ох}$ – ишлаб чиқаришнинг режалаштирилатган йил бошидаги еки охиридаги қуввати,

$K_{п}$ – ишлаб чиқаришни режа бўйича ишга туширилувчи қуввати.

T (T') – қувватни ишга тушган (ишдан чиққан) вақтидан то йил охиригача

бўлган ойларнинг тўлик сони.

Ишлаб турган қувватдан олинishi мумкин бўлган (кутилган) маҳсулот хажми:

$$Q_M = \frac{\bar{K} * K_{ишл} * K_{ўзл}}{100}$$

K_{ишл}, *K_{ўзл}* – қувватни ишлатилиши ва ўзлаштирилиш коэффициенти, %

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун янги ишга туширилиши керак бўлган қувватдан олинадиган маҳсулот хажми.

$$Q_{я} = Q_{р} - Q_{М}$$

Q_р- режа бўйича шу маҳсулотга эҳтиёж.

Ишга тушириладиган қўшимча қувватнинг ўртача йиллик қиймати:

$$K_{и} = \frac{Q_{я} - Q_{ушгйи}}{K_{ўзл}}$$

бу ерда:

Q_{ўшган йил} – ўтган йили ишга туширилган қўшимча қувватдан бу й ил олинган маҳсулот.

Ишлаб чиқаришнинг ҳисоб бўйича талаб қилинадиган қувватини ишга тушириш учун керак бўладиган капитал маблағлар:

$$K = K''' * K_{уд}$$

Тугалланмаган қурилишнинг йил охиридаги хажми:

$$Q_{ТМ}^{ox} = Q_{ТМ}^{\delta} + K_{вл} - Q_{йкм}$$

бу ерда:

Q_{ТМ}^{ox}; *Q_{ТМ}^δ* - тугалланмаган қурилишнинг йил боши ва охиридаги хажми

K_{вл} – капитал маблағлари.

Q_{йкм} – қурилиш маҳсулотининг йиллик хажми.

Топшириққа доир масалалар

1. Капитал қурилиш режасида 4.8 млн.м² фойдали турар жой майдони

фойдаланишга берилиши мўлжалланган. Инженерлик таъминоти ва ободонлаштириш харажатларини ҳисобга олганда 1 м^2 фойдали майдоннинг ўртача қиймати 206 минг сўм. Турар жойлар қурилиши бўйича тугалланмаган қурилиш ҳажми йил бошига 69.5 млрд. сўм.

Аниқланг: Режа йилида турар жой қурилишига қилинадиган капитал қўйилмалар ҳажми?

Ечиш.

Режа йилида турар жой қурилишига қилинадиган капитал қўйилмалар ҳажми:

$$K_{TЖ} = 4,8 * 206 / 100000 - 69,5 + 73,3 = 992,6 \text{ млрд. сўм.}$$

2. Қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланиб, цемент заводи қурилишининг I, II, III навбатларига қилинган **капитал қўйилмалар бирлигини аниқланг.**

Кўрсаткич	Навбатлар		
	I	II	III
Цемент ишлаб чиқарилиши, т/йил	<u>300</u>	<u>200</u>	<u>200</u>
Капитал қўйилма, млн. сўм	<u>23,7</u>	<u>5,6</u>	<u>12,2</u>

Ечиш.

Цемент заводининг I, II, III навбатларида қилинган бир бирлик капитал қўйилма ҳажми мос равишда:

$$23700/300=79 \text{ сўм/т}$$

$$5600/200=28 \text{ сўм/т}$$

$$12200/200=61 \text{ сўм/т}$$

3. Қуйидаги маълумотлардан фойдаланиб, 2 та йиғма темир-бетон заводларига қилинган **бир бирлик капитал қўйилмани аниқланг?**

1 заводнинг ишлаб чиқариш қуввати 120 минг м^3 /йил бўлиб, у қайта қурилмоқда.

2 заводнинг ишлаб чиқариш қўввати 100 минг м³/йилдан 180 минг м³/йилгача оширилмоқда. Заводларга қилинган капитал қўйилмалар мос равишда 8520 ва 4960 млн. сўм. Натижаларга изох беринг.

Ечиш.

Янги завод қурилишига қилинган бирлик капитал қўйилмалар:

$$8520/120=71 \text{ минг сўм/м}^3$$

Мавжуд заводни кенгайтиришга қилинган капитал қўйилмалар:

$$4960/(180-100)=62 \text{ минг / м}^3$$

Олинган кўрсаткичлар таҳлили кўрсатишича, мавжуд заводни қуришга нисбатан уни кенгайтириш тежамлироқ.

4. Капитал қурилиш режасида асосий фондлар қиймати 1480смлн. Сўм бўлган. Йил бошига тугалланмаган қурилиш ҳажми 292 млн сўм ва келаси йил бошига тугалланмаган қурилиш ҳажми 306 млн.сўм бўлган. Саноат объектини ишга тушириш мўлжалланган.

Аниқланг: Режа йилида саноатга қилинган капитал қўйилмалар ҳажмини аниқланг?

Ечиш.

Саноатга қилинган капитал қўйилмалар ҳажми:

$$1480-292+306=1494 \text{ млн. сўм.}$$

5. Режа йилида капитал қўйилмалар ҳажми 2621 млн.сўм бўлиб, ҚМИ қиймати 1374 млн сўм бўлиши мўлжалланган. Режадан олдинги йил капитал қўйилмалар 2133 млн. сўм бўлган, шундан ҚМИ 1162 млн. сўм бўлган. Иккала йилда ҳам бошқа харажатлар улуши 7,5 % ни ташкил қилади.

Аниқланг: Кўриб чиқиладиган йилларда капитал қўйилмалар таркибини таққослаб, уларга баҳо беринг.

Ечиш.

Капитал қўйилмаларнинг катта қисмини жихоз ва ускуналарга сарфлаш иқтисодий жихатдан фойда келтиради, чунки бу жами ишлаб чиқариш фондларининг актив (фаол) қисми улуши ошишига олиб келади.

Ўтган йил жихозларга қилинган харажатлар:

$$2133(100-7,5)/100-1162=811 \text{ млн. сўм.}$$

Бу жами капитал қўйилмаларнинг $811*100/2133=38$ % ни ташкил қилади.

Жорий йилда жихозларга қилинган сарф харажатлар:

$$2621(100-7,5)/100-1374=1050,4 \text{ млн сўм.}$$

Жами капитал қўйилмалардаги улуши:

$$1050,4*100/2621=40,1 \%$$

Ўтган йилга нисбатан жорий йилда жихозларга қилинган капитал қўйилмалар:

$$40,1-38=2,1 \%$$
 га ошган.

6. Смета қиймати 87 млн.сўм бўлган фабрика қурилиши меъёрий давомийлиги. 2.7 йил (32 ой)

Қурилиш давомийлиги ва тугалланмаган қурилиш меъерлари бўйича дастлабки 6 ойда капитал қўйилмаларнинг 6 %и, 18 ойда 46 % и, 30 ойда 93 % и ўзлаштирилиши керак. 18 ойда смета қиймати 3.9 млн сўм бўлган маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари ҳамда фабриканинг инженерлик тармоғини , 26 – ойда смета қиймати 15,2 млн сўм бўлган ёрдамчи цехларни ишга тушириш режалаштирилган.

Аниқланг: Қурилиш июл ойида бошланади деб ҳисоблаб, I, II, III йил охири тугалланмаган қурилиш ҳажмини аниқланг?

Ечиш.

I, II ва III йилларнинг бошланиши мос равишда 6-, 18- ва 30 ойларга тўғри келади.

I йил охирига тугалланмаган қурилиш ҳажми меъер бўйича:

$$87*6/100=5.2 \text{ млн. сўм.}$$

II йил охирига тугалланмаган қурилиш ҳажми меъер бўйича:

$$87*46/100=36.1 \text{ млн. сўм.}$$

III йил охирига тугалланмаган қурилиш ҳажми меъер бўйича:

$87 \cdot 93 / 100 = 60,8$ млн. сўм.

7. Капитал қурилиш режасида фабрикани ишга туширилиши 3 йил 3 кварталга мўлжалланган. Фабриканинг смета қиймати 8.1 млн. сўм.; жумладан ҚМИ – 5.9 млн сўм. Қурилишни меъерий давомийлиги 22 ой. Жадвалда тугалланмаган қурилиш меъерининг кварталлар бўйича ўзгариш динамикаси келтирилган.

Квартал	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII
Кп, смета қийматига нисбатан % да	7/9	14/17	24/29	40/45	60/63	79/81	96/96	100/100

Суратда – капитал қўйилмалар бўйича

Махражда – ҚМИ бўйича

Аниқланг: 2 ва 3 йил бошига тугалланмаган қурилишни ҳажмини капитал қўйилмалар ва қурилиш монтаж ишлари бўйича топинг?

Назорат саволлари

1. Лойиҳалаштиришнинг аҳамияти нимада?
2. Қурилишнинг иқтисодий самарадорлиги нимада?
3. Меҳнат унумдорлиги деганда нимани тушунасиз?
4. Лойиҳа ечимлари самарадорлигини аниқлаш усуллари?
5. Лойиҳалаштиришнинг қурилиш кўрсаткичларига нималар киради?
6. Нисбий самарадорлик қандай аниқланади?

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1 - КЕЙС

ДИСКОНТ УСУЛИ ОРҚАЛИ ЛОЙИҲАГА КИРИТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотлар фаолият юритишларини маблағ билан таъминлаш иқтисодий муаммолардан бири бўлиб, катта таваккалчиликни талаб этади. Сарфланган маблағларни қайтариш, қоплаш муддати канчалик узоқ бўлса, бу хавф даражаси ҳам шунчалик ошиб боради. Чунки, бу муддат ичида бозор конъюнктураси ҳам, нарх-наволар ҳам, иш хаки тўловлари зимдан ошиб боради. Шунинг учун, иқтисодиёт барқарор бўлмаган шароитларда (айниқса бу ҳолат нафакат айрим товар бозори, балки бутун мамлакат учун хос бўлса) ҳаражатлар тезроқ копланадиган самарали лойиҳаларга маблағ сарфлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндошиш илмий-техника тараққиётининг суръати энг юқори бўлган ва янги технология ёки маҳсулотларнинг кириб келиши олдинги инвестицияларни тезда кадрсизлантириб юбориши мумкин бўлган тармоқлар учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, пулни олувчи унчалик обруга эга бўлмаса ва маблағ эгаси узоқ муддатга унга пулни ишонишни хоҳламаса ҳам маблағнинг ўзини қоплаш муддатига қараб иш қилилади. Шу сабабли, таклиф этилаётган кейс долзарб деб ҳисобланади.

Кейснинг мақсади - кичик корхона лойиҳасига киритилган инвестицияларни самарадорлигини таҳлил этиш ва баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш, асосланган қарорни қабул қилишга ўргатиш.

Таклиф этилган кейс қуйидаги натижаларга эга бўлишга имконият беради:

- Ташкилот фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлади;
- Таҳлил натижаларни умумлаштириш қобилиятига эга бўлади;

- Дисконт усулини қўллаш орқали инвестиция киритишнинг самарадорлигини баҳолаш кўникмасини ривожлантиради;
- Мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллайди.

Маркетинг вазияти

Мустақил фаолият юритаётган “Азизбек” кичик корхона ихтиёрида ўзлаштириш учун 120 минг сўмлик хом-ашё ресурслари ва тайёр маҳсулотлар мавжуд. Мазкур ресурслардан фойдаланиш натижасида корхона 35 минг сўм даромад олишни кўзда тутмоқда. Шу аснода корхонанинг ривожланиш фондидан ажратилган пуллар ва банкдан олинган кредитларни 4 йилдан кечиктирмасдан қайтариш режалаштирилган. Лойиҳа бўйича ҳаражатлар ҳажми 105560 сўмни ташкил этади. Хўш, ушбу лойиҳа талабни қондира оладими ва самаралими?

Топшириқ:

Дисконт усули орқали лойиҳага киритилган инвестицияларни самарадорлигини баҳолаш зарур.

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Муаммо

Дисконт усули орқали лойиҳага киритилган инвестицияларни самарадорлигини баҳолаш.

Вазифалар:

1. Дисконт коэффициентини (Кд) аниқланг.
1. Инвестицияларни қоплаш муддатини ва ушбу муддат давомида пул қийматини ўзгаришини аниқланг.
3. «Азизбек» кичик корхона фаолиятининг фойдалилик коэффициентини аниқланг ва олинган натижа асосида инвестицион лойиҳани самарадорлиги бўйича хулоса қилинг.

Ечиш алгоритми

1. *Дисконт коэффициентини (Кд) аниқланг.*

Discount hozirgi paitdagi baholar bilan ularni qaytariш davridagi baholar ўrtasidagi farqlari ёки qimmatbaho koғozlar nominali. Moҳiyati, turli davrlarda investitsiya sarflari va kelgusida firmaning ichki daromadlilik normalarini aniqlash davomidagi pul tuшumlarini, яъни капитал mablagʻlarni koʻplaniш (qaytariliш) koʻeffitsientidan iboratdir.

Pullarning ёки sarflangan mablagʻlarning “bugungi” va “kechagi” qiymatlari ўrtasidagi farqni hisobga olish uchun investitsiyalarning koʻplaniши hisob-kitob qilinaётганда kelgusidagi daromadlar diskont koʻeffitsientlariga kўpайтирилади. Diskont koʻeffitsientlarining hisoblash quyidagi formula (1) orqali aniqlanadi:

$$Kd = \frac{1}{(1 + K) \times T}$$

bu erda, K - pul qiymatining ўzgarish surʼyati (odatda, bank kreditlari bўyicha ўrtacha foiz darajasida kўllaniladi); T - investitsiya ajratilgan vaqtdan boшlab ўtgan vaqt, kunlar.

2. Investitsiyalarni koʻplash muddatini va uшbu muddat davomida pul qiymatini ўzgarishiни aniqlang.

Korxonа харажатlarini koʻplash muddati quyidagi formula (2) orqali hisoblanadi:

Харажатларни

Қоплаш = *Бошланғич инвестициялар / Хар йилги пул даромадлари*
муддати

3. «Азизбек» кичик корxonaning foйдалилик koʻeffitsientini aniqlang va olingan natija asosida investitsion loyiҳани samaradorligi bўyicha хулоса қилинг.

Foydalilik kўrsatkichi sifatida, **foйдалилик koʻeffitsienti** deb ataluvchi kattalikdan foйdalaniш mumkin. U quyidagi formula (3) ёrдамида hisoblanadi:

Фойдалилик *Кўзда тутилган даромадлар суммаси /Кўзда тутилган*
коэффициенти = ҳаражатлар суммаси

Кўзда тутилган даромадлар суммаси - бу мазкур инвестициялаштирилаётган лойиҳани амалга ошириш эвазига келгусида олинадиган фойда ҳажмидир. Лекин у келгусида кутилаётган абсолют миқдорларда эмас, балки юқорида таъкидлангандек, дисконт коэффициентлари билан тўғриланган ҳолда юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, формуланинг суратида сўмнинг бугунги қийматида ифодаланган даромадлар суммаси акс этади.

Кўриб чиқилаётган инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш учун сарфланадиган барча ҳаражатлар ҳажми ҳам худди шундай ҳисобланади. Бу ҳисоб-китоблар бир неча йилдаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилгандир, агар инвестициялаштириш қисқа муддатларга (3 ой, 6 ой ёки 1 йилга) мўлжалланган бўлса, бундай ҳолда ҳаражатлар ва даромадларни дисконтлашнинг ҳожати йўқ.

Фойдалилик коэффициентига асосланиб, агар коэффициент 1,00 дан юқори ёки унга тенг бўлган тақдирдагина инвестициялаштирилаётган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдалилик коэффициентларидан фойдаланиш - ўзининг оддийлиги ва қулайлиги билан ажралиб турадиган усул бўлиб, етарлича асосли қарорлар (хулосалар) ни қабул қилишга ёрдам беради. Ягона мураккаблиги шуки, кўзда тутилаётган даромадларни ва инвестицияларни дисконтлаштириш бўйича ҳисоб-китобларни тўғри амалга оширишдан иборатдир. Айниқса, у янги очилаётган ва иш бошлаётган корхона ва фирмалар учун жуда фойдалидир. Чунки улар олган қарзларидан тезроқ қутилиб, даромадларини янада кўпайтириши, ва натижада маблағ сарфлашнинг энг фойдали лойиҳаларини танлаш имкониятларини яратмоқлари зарур.

Вазиятни таҳлил қилиш ва ечишга инструкцияси

Босқични номи	Иш мазмуни	Баҳолаш мезонлари (макс. балл)
Кейс объекти бўйича маълумот билан танишиш	Кейс ечилиши учун зарур бўлган маълумотларни кўриб чиқинг.	-
Муаммони ва вазифаларни асослаб бериш	Мавзу бўйича олинган билимлар асосида	0,5 балл
Вазиятни таҳлили	1. Дисконт коэффициентини (Кд) аниқланг. (1) формула орқали дисконт коэффициентини ҳар йили бўйича ҳисоблаб беринг	0,5 балл
	2. Инвестицияларни қоплаш муддатини ва ушбу муддат давомида пул қийматини ўзгаришини аниқланг Бунинг учун (2) формуладан фойдаланиш керак.	0,5 балл
	3. «Азизбек» кичик корxonанинг фойдалилик коэффициентини аниқланг ва олинган натижа асосида инвестицион лойиҳани самарадорлиги бўйича хулоса қилинг. Бунинг учун (3) формуладан фойдаланиб, натижа асосида хулоса беринг.	0,5 баллов

Муаммони гуруҳларда ечишни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари:

1. Ҳар бир гуруҳ 2 балл олиши мумкин. Баҳолашда у 2 баллни битта ечилган вариантга бериши мумкин, ёки иккита қисмга бўлиб (1,0:1,0 1,5:0,5) бериши мумкин. Бунда ўз варианты кўшилмайди.

2. Умумий олинган баллар ҳар бир вариант бўйича қўшилади ва ечиш варианты бўйича энг юқори олинган балл ютади.

Вариантларни баҳолаш

(балларда)

Гуруҳ	Альтернатив муаммони ечиш вариантлари			
	1	2	3	4
I				
II				
III				
IV				
Суммаси				

Кейсни бажариш босқичлари :

- Кейсдаги муаммоларни келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Кейсда келтирилган муаммоларни бартараф қилишда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

2-КЕЙС

«NESTLE» КОМПАНИЯСИ – ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИДА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

Бугунги кунда сут маҳсулотлари бозори Ўзбекистонда энг тез ривожланаётган бозор сегментлари қаторига киради. Нафақат истеъмолчилар сони ва пул тушуми ҳажми бўйича, балки янги ассортимент турлари бўйича ҳам. Сут маҳсулотлари Ўзбекистон бозорининг истиқболга эгалиги 2000 йил мамлакат бозорига Швейцариянинг йирик «Nestle» компанияси, шунингдек, қатор Россиялик компаниялар кириб келишидан ҳам кўриниб турибди.

Жаҳон стандартидаги янги технологияларни қўллаш сут маҳсулотлари бозори ривожланишининг муҳим омилига айланди ва бу сут маҳсулотларига талабнинг ўсишига олиб келди. Хусусан, сут маҳсулотлари потенциал истеъмолчилари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра республика аҳолисининг 85,7%и сут маҳсулотларини истеъмол қилар экан. Шундан 40%и сут маҳсулотларини қадоқланган ҳолда, 45,7%и эса сут сотувчилардан харид қилади. Бунинг сабаби қилиб ташқи муҳитнинг кўплаб омиллари таъсиридан ташқари сут маҳсулотлари сифатини ҳам кўрсатиш мумкин. Ўз навбатида, бу маҳсулотнинг бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида маҳсулот сифатини аниқлашнинг аҳамияти ўсишига хизмат қилади. Маҳсулот сифатини аниқлаш компания маҳсулотларига хос бўлган хусусиятларга таъсир этувчи энг кўп таъсир этувчи хусусиятларига асосланган. Таҳлил натижалари компанияларга маҳсулот сифатини ошириш бўйича ҳаракатларни режалаштириш имконини беради. Шу муносабат билан тақдим этилаётган кейс **аҳамиятли** ҳисобланади.

Кейснинг мақсади компания маҳсулотлари сифатини таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятларини ривожлантириш ҳамда асосланган қарор қабул қилиш кўникмаларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Таклиф этилган кейс қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

- маҳсулот сифатини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- маҳсулот сифатини таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича иш натижаларини умумлаштириш қобилиятига эга бўлиш;
- органолептик усулни қўллаш асосида маҳсулот сифатини баҳолашни ўтказиш кўникмасини ишлаб чиқиш;
- мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш.

Маркетинг вазияти

Швейцариялик озиқ-овқат саноати гиганти Nestle сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўз бизнесини фаоллик билан кенгайтирмоқда. Бутун дунёда Nestle стратегияси узоқ муддатли инвестицияларни амалга оширишдан иборат. Ушбу стратегия доирасида компания, 1996 йилдан бошлаб

Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўзбекона анъаналар ва дидга жавоб берадиган сут маҳсулотлари ишлаб чиқиш билан шуғулланиб, маҳаллий хомашё ва таркибий қисмлардан ҳам фойдаланмоқда. Шундай қилиб, Nestle озиқ-овқат саноатида халқаро тажриба ва етакчилиқни истеъмолчиларнинг ҳошиш-истаклари ва эҳтиёжлари билан бирлаштирмоқда.

2000 йил Nestle компанияси Наманган сут заводи асосида «Nestle» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги кўшма корхонага асос солиди, ҳозирги пайтда компания унга доимий инвестициялар киритмоқда (киритилган инвестициялар ҳажми ҳозирда 30 млн. долларга етган). Қисқа муддат ичида Nestle маҳсулотлари истеъмолчилар орасида ишонч қозонди. Айниқса, Nestle компаниясининг Nestle sutim, Nestle Supermilk каби савдо маркаларига катта талаб билдирилади. Республика бозорида Nestle улуши тахминан 25% атрофида. Сут маҳсулотлари бозорида эса компаниянинг улуши 33%ни ташкил қилади.

Шу билан бирга, рақобат шароитларида Nestle истеъмолчилари ундан юқори сифатли сут маҳсулотларини арзон нархларда талаб қилмоқда. Бошқа кўплаб компаниялар каби, Nestle ҳам ўз маҳсулотлари сифатини ошириш имкониятларини топиш борасида доимий изланишлар олиб боради. Бу мақсадда компания раҳбарияти органолептик усул ёрдамида сут маҳсулотлари сифатини таҳлил қилишга қарор қилган бўлиб, бу усулнинг моҳияти сутнинг сифат хусусиятларини 100 балл шкаласида компания истеъмолчилари нуқтаи назаридан баҳолашдан иборат.

Топшириқ:

Органолептик усулни қўллаш асосида Nestle sutim ва Nestle Supermilk сут маҳсулотлари сифатини аниқлаш ва уларнинг сифатини ошириш бўйича чоратadbирлар ишлаб чиқиш зарур.

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Муаммо

Органолептик усул ёрдамида Nestle sutim, Nestle Supermilk сут маҳсулотлари сифатини баҳолаш.

Топшириқлар

1. Истеъмолчи нуқтаи назаридан Nestle sutim ва Nestle Supermilk сут маҳсулотларининг хусусиятларини ажратиб кўрсатинг.
2. Балл сеткаси ёрдамида Nestle sutim, Nestle Supermilk сут маҳсулотларининг ҳар бир хусусиятини баҳоланг.
3. Nestle sutim, Nestle Supermilk сут маҳсулотлари сифат умумий кўрсаткичини аниқланг ва уни эталон сут маҳсулоти кўрсаткичи билан таққосланг.
4. Сут маҳсулотлари сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқинг.

VI. ГЛОССАРИЙ

Автоном истъёмол – шахсий истъёмол харажатларининг ялпи миллий даромад (шахсий тасарруфдаги даромад -ШТД) ўзгаришига боғлиқ бўлмаган қисми. ШТД нолга тенг бўлганда ҳам автоном истъёмол тўпланган мулк ва жамғармаларнинг камайиши, ёки қарз ҳисобига амалга оширилаверади.

Автоном инвестициялар – асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулот ҳажми ўзгаришига боғлиқ бўлмаган қисми.

Автоматик (ўрнатилган) барқарорлаштиригичлар – бюджет- солиқ сиёсатининг иқтисодий тебранишларнинг таъсирини автоматик заифлаштирувчи элементлари.

Акселератор) –соф инвестициялар даражаси билан ялпи ички маҳсулот (миллий даромад)нинг ўсиш суръатлари ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи иқтисодимй кўрсаткич.

Активлар– иқтисодий фаолият субъектларининг пул ва молиявий маблағлари, асосий ва айланма фондларининг қиймати.

Амортизация – фойдаланиш жараёнида асосий капитал қийматининг камайиши..

Банкнота- Мамлакат Марказий банки томонидан чиқариладиган нақд қоғоз пуллар бўлиб, иқтисодиётдаги пул таклифининг бир қисмини ташкил этади.

Банк захиралари – банкда сақланаётган нақд пуллар, Марказий банкда тижорат банклари томонидан сақланаётган фоизсиз депозитлар.

Банк тизими- тижорат банклари мажмуи. Банк тизими жисмоний ва юридик шахсларининг омонатларини (депозитларини) қабул қилади, пул ўтказмаларини амалга оширади, қарз ва кредитлар беради, давлат ва акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларига инвестиция қилади.

Баҳолар индекси- товарлар ва хизматлар, ёки активлар ўртача баҳосининг ўзгариши кўрсаткичи. Баҳолар индекси бозор савати деб юритиладиган маълум тўпланмадаги товарлар ва хизматларнинг жорий йилдаги

баҳолари йиғиндисини базис йилдаги баҳолари йиғиндисига бўлиб топилади.

Бойлик – бозор қийматига эга ва пулга ёки бошқа неъматларга алмашилиши мумкин бўлган барча нарса. Физик активлар, молиявий активлар, кўникмалар, тадбиркорлик малакаси, савдо маркалари хуллас даромад келтирадиган барча нарсалар.

Бюджет тақчиллиги – Молиявий йил натижаларига кўра давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан устун бўлиши.

Валюта курси – мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси.

Гиперинфляция– ҳаддан ташқари инфляция, нархнинг шиддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши. Инфляциянинг ойлик даражаси 50 % дан ортиши ва бу ҳолат 6 ойдан ортиқ давом этиши унинг гиперинфляция даражасига ўтганлигини англатади.

Давлат қарзи – давлатнинг ўз фуқаролари, банклар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек хориж мамлакатларидан қарзи.

Даромад (income) – ишлаб чиқариш натижасида тушган пул (фойда).

Дебитор – корхона, ташкилот ёки муассасадан қарзи бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

Дебиторлик қарзи – ўзаро хўжалик алоқаларини олиб борувчи корхона, ташкилотларнинг бир-биридан қарзи суммаси.

Девальвация – қайд қилинган валют курси тизими амал қилаётган шароитда ҳукумат томонидан миллий валютанинг бошқа валюталарга нисбатан курсини туширишга қаратилган тадбири. Девальвация тўлов баланси тақчиллигини бартараф қилиш, экспортни арзонлаштириш, импортни қимматлаштириш имконини беради.

Демпинг- товарларни таннархига қараганда ёки ички бозордагига қараганда паст баҳода экспорт қилиш.

Дефляция – иқтисодиётда баҳолар умумий даражасининг пасайиши.

Депозитлар – 1) молия-кредит муассасаларига қўйилган омонатлар: 2) банк дафтаридаги ёзувлар: 3) кредит муассасаларига сақлаш учун

топширилган қимматли қоғозлар.

Диверсификация – корхонанинг фаолият соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулот турларининг кенгайиши.

Дискриминация баҳолари – маъқул келмаган харидорлар учун, айниқса давлатлар орасидаги муносабатлар, ҳақиқий сиёсий муҳит бузилган даврда ўрнатилади. Бу нархлар ўта юқори, товарни сотиб олувчига бир неча маротаба қиммат қилиб белгиланади.

Дотация – давлат бюджетидан қайтариб бермаслик шарти билан маблағ ажратиш: иқтисодиётга бюджет орқали таъсир этиш воситаларидан бири.

Ёпиқ иқтисодиёт (closed economy) – ташқи иқтисодий бозорда кенг савдо- иқтисодий имкониятларга эга бўлмайдиган иқтисодиёт.

Жамғаришга чегараланган мойиллик – жамғариш ҳажми ўзгаришнинг бу ўзгаришни келтириб чиқарган даромадларнинг (ШТДнинг) ўзгариш миқдоридаги улуши.

Жаҳон валюта тизими – жаҳон бозорининг ривожланиши асосида шаклланган ва давлатаро битимлар билан мустаҳкамланган халқаро пул-кредит муносабатлари.

Жаҳон пули – халқаро миқёсида ҳама учун умумий харид воситаси, умумий тўлов воситаси, бойликнинг умумий моддий тимсоли, байнанминал қиймат ифодаси бўлган пул.

Импорт (import) – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини ва технологиясини олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимооти натижасидир.

Импортга чегараланган мойиллик – импортга қилинган харажатлардаги ўзгаришнинг ЯИМ ёки ЯМД ўзгаришига нисбатан улуши. импортга қаратилган харажатлар ҳиссаси.

Инвестиция (investment) – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узок муддатли капитал киритиш. Унинг молиявий ва реал турлари мавжуд.

Инвестицияларга бўлган мойиллик (propensity to invest) – инвестиция

харажатларининг даромаддаги ҳиссаси.

Инвестор – бу қарор қабул қилувчи ва ўзининг шахсий, қарзга олинган маблағларини ва бошқа жалб қилинган мулкӣ ва маданий бойликларини инвестицион лойиҳага киритувчи жисмонӣ ва юридик шахсдир. У омонатчи ва қарз берувчи ролида чиқиши мумкин бўлиб амалга оширувчи инвестицияларнинг йўналишини, самарасини эркин ҳолда аниқлайди. Инвестор қарори билан инвестицияларга эгалик қилиш, ишлатиш, фойдаланиш ҳуқуқи ва уларнинг натижалари билан жисмонӣ ва юридик шахсларга қонунда кўрилган тартибда бериши мумкин.

Индексация – иқтисодиётдаги нархларнинг ўртача даражаси ўзгаришига боғлиқ равишда иш ҳақи ва бошқа даромадларни тузатиш, келиштириш.

Инфляция – баҳолар умумий даражасининг кўтарилитши, миллий пул бирлиги харид қобилиятининг пасайиши.

Инфляция даражаси (rate of inflation) – маълум вақт ичида (ой, йил) нарх даражасининг фоиздаги ўзгариши.

Истеъмол (consumption) – кишиларнинг иқтисодий талабларини қондириш жараёнида ижтимоий маҳсулотдан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охирги босқичи.

Истеъмол харажатлари – товарлар ва хизматларни якуний истеъмол қилиш мақсадида харид қилиш учун қилинган харажатлар. Уй хўжаликлари ва давлатнинг истеъмол харажатларига бўлинади. ЯИМнинг харажатларига кўра таркибида энг катта ва барқарор компонент.

Истеъмол нархлар индекси (consumer price index) – ўртача оила томонидан, одатда, истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархининг базис даврига нисбатан ўзгариши ўртача даражасини акс эттирадиган кўрсаткич, инфляция кўрсаткичи сифатида ишлатилади.

Истеъмолга ўртача мойиллик – истеъмол харажатларининг даромаддаги (ёки шахсий тасарруфдаги даромад ҳажмидаги) ҳиссаси.

Истеъмолга (жамғаришга) чегараланган мойиллик – истеъмол

харажатларидаги (жамғариш ҳажмиги) ўзгаришнинг бу ўзгаришни келтириб чиқарган даромадларнинг (ШТДдаги) ўзгариш миқдоридаги улуши.

Ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси (producer price index) – базис даврига нисбатан ҳам ашё материаллар ва оралиқ товарлар нархлари ўзгаришининг ўртача даражасини ақс эттирувчи кўрсаткич. ЯИМни максимал даражада деталлаштирилган компонентлари нархини солиштирма нархларга ўтказишда ишлатилади.

Ишсизлик – мамлакатда иш билан банд бўлмаган ишчи кучи гуруҳининг мавжуд бўлиши, аҳоли иқтисодий фаол қисмининг ўзига иш топа олмасдан қолиши, ишчи кучидан тўлиқ фойдаланмаслик.

Ишсизликнинг даражаси (unemployment rate) – ишсизлар умумий сонининг ишчи кучига бўлган нисбати.

Ишсизликнинг табиий даражаси (natural rate of unemployment) – реал ва потенциал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бир-бирига мос келадиган иқтисодий ривожланиш даври оралиқларига хос бўлган ишсизлик даражаси. У шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг ҳақиқий ва таркибий ишсизлик кўрсаткичлари йиғиндиси сифатида ҳисобланиши мумкин.

Ишчи кучи – ишга лаёқатли, ишлаётган ва фаол иш излаётган аҳоли.

Иқтисодий конъюнктура – иқтисодий ўсиш, тузилмавий силжишлар, молиявий аҳвол, экспорт имкониятлари кабиларни характерлаб берувчи иқтисодий ҳолат.

Иқтисодий ўсиш – реал ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши.

Иқтисодий ўсиш сифати – иқтисодий ўсишнинг умумлашган сифат характеристикаси бўлиб, унинг қандай сарфлар билан таъминлангани ва қандай ижтимоий-иқтисодий натижа берганлигини ифодалайди.

Квота – давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан товарларни ишлаб чиқариш, уларни экспорт ва импорт қилиш юзасидан чеклашларнинг жорий этилиши, квота ўрнатиш халқаро битимларга биноан амалга оширилади.

Кечиктирилган талаб – бозордаги такчиллик туфайли керакли товар

топилмасдан, қондирилиш муддати орқага сурилган талаб.

Конъюнктура – бозорнинг алоҳида сегментида талаб, таклиф, нарх ва рақобат ҳолатини характерловчи омиллар тизими.

Кутилаётган инфляция даражаси– мавжуд ижтимоий - иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.

Ликвидлилик – а) турли фирмалар ва банкларнинг ўз қарзини тўлай олиш ёки бошқа мажбуриятларини бажара олиш имконияти; б) бир активнинг иккинчисига қанчалик тез алмашина олинishi ўлчови. Нақд пул энг юқориг 100% ликвидлиликка эга.

Ликвидлилик тузуги – фоиз ставкаси жуда паст бўлган шундай вазиятки, одамлар пулни нақд кўринишда сақлаб туришни афзал кўрадилар. Тадбиркорлар эса фоиз ставкаси бундан кўра пасайиши мумкин эмаслиги сабабли инвестицияларни кўпайтирмайдилар. Минимал фоиз ставкаси шароитида пулга талаб эгрир чизиғи чексиз эластик бўлиб қолади.

Марказий банк– Мамлакатнинг бош банки. Асосий функцияси мамлакат иқтисодиётидаги пул массасини назорат қилишдан иборат. Марказий банк мамлакатларнинг жами кредит тизимига раҳбарлик қилади, давлат пул-кредит сиёсатини амалга оширади, пул ва қимматли қоғозлар эмиссиясини манопол ҳуқуқида амалга оширади.

Миллий валюта – муайян мамлакатнинг пул бирлиги.

Миллий валютанинг қадирсизланиш – қайд қилинмаган валюта курси тизими амал қилаётган шароитда чет эл валюталарига нисбатан миллий валютанинг курсининг камайиши.

Миллий валютанинг қимматлашиши – қайд қилинмаган валюта курси тизими амал қилаётган шароитда чет эл валюталарига нисбатан миллий валютанинг курсининг кўтарилиши.

Молия бозори - мамлакатдаги молия хизматлари бозори: молия маблағлариини вақтинча ҳақ тўлаб ишлатиш ёки уларни сотиб олиш юзасидан бўлган муносабатлар.

Нархлар индекси (price index) – ҳар хил вақт оралиғида товар ва хизматларга нархнинг мувозанати ўзгаришини ақс эттирувчи кўрсаткич.

Нархлар коррективовкаси (price adjustment) – бозор вазияти ўзгаришига нархларнинг мослашув жараёни.

Нисбий афзаллик (comparative advantages) – айрим иқтисодий агентларнинг товар ва хизматларни камроқ харажатлар эвазига ишлаб чиқариш хусусияти. Макродаражада нисбий афзаллик принципи ишлаб чиқариш ва экспортнинг самарали структурасини шакллантириш учун қўлланилади.

Номинал ЯИМ – жорий нархларда ақс эттирилган ялпи ички маҳсулот.

Оралиқ истеъмол (intermediate consumption) – ишлаб чиқаришнинг бир босқичида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бошқа босқичида меҳнат предметлари сифатида ишлатилиши.

Оралиқ маҳсулот – ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидан чиқиб кетмаган, якуний истеъмол учун учун етиб бормаган, қайта ишлаш ёки сотишга мўлжалланган маҳсулот.

Ортиқча талаб – мавжуд баҳолар даражасида товарлар ва хизматлар таклифидан уларга бўлган талабнинг қўплиги. Тўлиқ бандлилик шароитида инфляция даражасининг ошишига олиб келади.

Очиқ иқтисодиёт (open economy) – ташқи иқтисодий бозорда кенг савдо- иқтисодий ва молиявий алоқаларга эга бўлган иқтисодиёт.

Потенциал ЯИМ – тўлиқ бандлилик шароитида, ёки мавжуд сармоя ресурслари ва ишчи кучидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига эришилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми.

Пул активлари – маълум соҳада корхонанинг ҳисоб рақами, кассасида бўлган пул маблағлари.

Пул базаси – банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар ва Марказий банкдаги тижорат банкларининг заҳиралари

Пулга бўлган талаб – уй хўжаликлари ва фирмалар томонидан битимларда тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, кўзда тутилмаган

харажатлар учун сақлаб туриш, молиявий активлар сифатида фойдаланиб даромад олиш учун жамғариш мақсадида эга бўлишга интиланган пул миқдори.

Пулнинг миқдорий назарияси – пул таклифи ва иқтисодиётдаги баҳоларнинг умумий даражаси ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни ўрнатувчи назария. Биринчи бор инглиз файласуфи ва иқтисодчиси Д.Юм томонидан XVIII асрда илгари сурилди, америкалик иқтисодчи И. Фишер томонидан 1911 йилда ривожлантирилди ва кейинчалик Кебриж университети иқтисодчилари томонидан такомиллаштирилди.

Пулнинг харид қобилияти – аниқ пул бирлигининг бозордаги тариф ва нархлар даражаси шароитида маълум миқдордаги товар ва хизматларга алмашинув қобилияти.

Рақобат – мустақил ишлаб чиқарувчилар ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда, катта хажмда сотиш, бозорда ўз мавқеини мустахкамлаш учун кураш.

Рақобат устунлиги – капитал ва активлар мукамал тузилиши, муамала харажатларининг паст даражаси, бошқаришни яхши ташкил этиш ҳисобига бозорнинг бошқа иштирокчиларидан устунлик.

Реал алмашинув курси – иккала мамлакатдаги баҳолар даражасининг ўзаро нисбатини ҳисобга олувчи алмашинув курси. Солиштиралаётган мамлакатлардаги номинал алмашинув курсини баҳолар индексларининг ўзаро нисбатига кўпайтириш йўли билан топилади..

Реал ЯИМ – қиёсий баҳоларда акс эттирилган ЯИМ. У жорий баҳоларда ҳисобланган номинал ЯИМни дефляторга бўлиб топилади..

Реал фоиз ставкаси – инфляция суръати ҳисобга олиниб тузатилган номинал фоиз ставкаси.

Ревальвация– қайд қилинган валют курси тизими амал қилаётган шароитда ҳукумат томонидан миллий валютанинг бошқа валюталарга нисбатан курсини оширишга қаратилган тадбири. Импортни арзонлаштиради ва экспортни қимматлаштиради.

Резидент – хўжалик фаолиятида миллий қонунчиликка тўлиқ амал

қиладиган, мазкур мамлакатда рўйхатга олинган ёки доимий яшайдиган юридик ёки жисмоний шасх.

Резерв валюта – халқаро ҳисоб-китоб ишларида, жумладан савдотик, кредит ва инвестиция ишларида, шунингдек хорижий валюта резервларини жамлашда қўлланадиган, жaxon бозорида тан олинган, лекин келиб чиқиши миллий бўлган валюта.

Резекспорт – мамлакатга олдин импорт қилинган товарларни ҳеч қандай савдо-технологик ишлов бермасдан экспорт қилиш.

Соф ички маҳсулот (соф миллий даромад) – макроиктисодий кўрсаткич бўлиб, ЯИМ (ЯМД) дан амортизация ажратмалари миқдорини айириб ташлаш йўли билан топилади.

Солиқ ислоҳоти- солиқ тизимини қайта кўриш ва уни янгилаш, молиявий муносабатларнинг ўзгариши туфайли юзага келади.

Солиқ объекти- солиқ солинадиган даромад ёки мол-мулк.

Солиқ тизими- давлат фойдасига ундириладиган солиқлар тури мужмуи.

Солиқ юки - миллий иқтисодиёт даражасида давлат бюджетига солиқ тушумларининг (ЯИМнинг давлат бюджети орқали қайта тақсимланадиган қисмининг) ЯИМ даги улуши. Корхона даражасида корхона йил давомида тўлаган жами солиқлар ҳажмининг шу даврда олинган даромадларидаги улуши.

Стагфляция- иқтисодиётда баҳолар ва ишсизлик даражаларининг бир вақтнинг ўзида ўсиши.

Субвенция – давлат бюджетидан муҳим хўжалик ва ижтимоий-маданий тадбирларни амалга ошириш учун хокимият органларига ажратилган пул маблағи.

Субсидия (subsidy) – давлат бюджети ҳисобидан корхоналар, ташкилотлар ва хорижий давлатларга бериладиган маблағ. Субсидия бозор иқтисодиётини тартибга солиш воситаси ҳисобланади.

Талаб инфляцияси - иқтисодиётда талаб кескин ошиб кетиши ва уни

ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми билан қондириш мумкин бўлмайд қолган шароитларда келиб чиққан инфляция.

Ташқи дунё – шу мамлакатни ташқи иқтисодий алоқалар олиб боровчи иқтисодий агентлар билан бирлаштирувчи институционал сектор.

Таркибий ишсизлик – иқтисодиётни таркибий қайта қуриш оқибатида ишчи кучига талаб таркибида ўзгариш рўй бериши натижасида юзага келадиган мажбурий ишсизликнинг кўриниши.

Узоқ муддат давомида ишлатилувчи товарлар (durable goods) – истеъмолчиларга узоқ вақт хизмат қиладиган (1 йилдан кам) товарлар. Бундай товарларга автомобиль, холодильниклар ва бошқа турдаги маиший хизмат воситалари киради.

Трансферт тўловлари – эвазига ҳеч қандай товар ёки хизматлар олинмайдиган давлат харажатлари (пенсия, степендиялар, ишсизлик нафақаси ва бошқалар).

Филипс эгри чизиги – ишсизлик даражаси динамикаси (абцисса ўқи) ва инфляция суръати (ордината ўқи) орасидаги боғлиқликни графикда тасвирловчи эгри чизиқ.

Фишер самараси- инфляциянинг қарзлар ёки облигациялар бўйича фоиз ставкасига таъсирини ҳисобга олишни билдирувчи тушунча.

Фрикцион ишсизлик (frictionfl unemployment) – бир ишдан бошқа бир ишга ўтиш билан боғлиқ бўлган вақтинчалик ишсизлик.

Фоиз (interest) – даромад, ўз мулкнинг бошқа жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга фойдаланишга бериб, шундан фойда олиш.

Фоиз ставкаси (interest rate) – кредит ёки қарз капитали эвазига тўловнинг фоиз кўрсаткичи. Одатда, қарзга олинган пул белгисининг бир-бирлигига тўғри келадиган йиллик тўловни акс эттиради.

Халқаро савдо назарияси- иқтисодий назариянинг бир қисми. Ишлаб чиқариш тва айирбошлашга халқаро ихтисослашув сабабларин, амда бундан мамлакатлар оладиган манфаатларни ўрганади.

Харид қобилияти паритети – валюталар алмашинув курсларининг

шундай даражасики, бунда ҳар бир валютанинг харид қобилияти тенглашади.

Экспорт – товарлар, хизматлари ва капитални мамлакат ташқарисига сотиш; мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун бошқа мамлакатлар жисмоний шахслари, фирмалари ва ҳукуматларининг қилган харажатлари..

Эмиссия – янги пуллар ёки қимматли қоғозларни муомалага чиқариш. Пул эмиссияси давлат (Марказий банк) томонидан амалга оширилади.

Ялпи ички маҳсулот – маълум вақт давомида мазкур мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган якуний маҳсулотларнинг бозор баҳолари йиғиндиси.

ЯИМ даражаларидаги фарқлар (GNP gap) – потенциал ва реал ЯИМнинг даражалари орасидаги фарқлар.

Ялпи миллий даромад – Мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқаришда иштирок этиш натижасида ҳамда мулкларидан олган бошлағич даромадлари йиғиндиси.

Ялпи таклиф – мамлакатда, маълум вақт давомида, тадиркорлик сектори ва давлат томонидан ишлаб чиқарилган, ва баҳоларнинг турли даражасида таклиф қилинадиган товар ва хизматларнинг умумий ҳажми.

Ялпи талаб – уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва хорижликлар томонидан мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларни баҳоларнинг турли даражасида сотиб олишга қилинган харажатларнинг умумий йиғиндиси.

Ўзгарувчан алмашув курси (flexible exchange rate) – ички мувозонатни тиклаш мақсадида мамлакат алмашув курсига эга бўладиган халқаро ҳисоб-китоблар тизими.

Қайд этилган валюта курси (fixed exchange rate) – Марказий банк томонидан валюта интервенцияси ёрдамида таъминлаб туриладиган валюта курси.

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар

1. Чориев Қ.А. Қишлоқ хўжалигида инновациялар жорий қилиш тизимини шакллантириш ва рағбатлантириш истиқболлари (услугий тавсиялар). - Тошкент, 2014. - 30 б.

2. Умаров С.Р. Сув хўжалигини инновацион ривожлантириш йўллари. - Монография. - Т.: Фан ва технологиялар, 2017. - 177 б.

3. Мухитдинова Н.К. Методология инновационного развития национальной экономики. - Монография. - Т.: Фан ва технологиялар, 2016. - 188 б.

4. Умурзоқов Ў.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. - II-жилд. – 469 б.

5. Abdug`aniev A., Abdug`aniev A. A. - Qishloq xo`jaligi iqtisodiyoti. Darslik. - Т.: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2011. -244 bet.

6. Umurzaqov O'., Toshboyev A., Toshboyev A. Qishloq xo`jaligi iqtisodiyoti va menejmenti. – Toshkent, 2008.

7. Umurzoqov O'.P. va boshqalar. Suv xo'jaligi iqtisodiyoti va menejmenti. O'quv qo'llanma. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008.

8. Dean, D. And Zwillenberg, P., (2012). The Internet Economy in the G-20.bcg.perspectives.

9. The New Digital Economy. How it will transform business. Oxford economics.(pp.1-7).

10. Криптографические протоколы в системах с ограниченными ресурсами / Р.В. Мещеряков *и др.+ // Вычислительные технологии. 2007. 12.1. С. 51-6.

11. Цифровая экономика: мифы, реальность, перспектива В.В. Иванов, Г.Г. Малинецкий. Российская академия наук, Москва, 2017.

12. Калужский М.Л. Маркетинговые сети в электронной коммерции: институциональный подход / М.Л. Калужский. – М.; Берлин: Директ-Медиа, 2014. – 402 с.

13. Сидорова О.В.(2011).Определение степени готовности страны к электронной экономике. Journal “ Креативная экономика” 89-93.

14. Программа снижения информационного неравенства в Республике Казахстан на 2007-2009 годы. Алматы: Гылым.(pp.34-36).

15. Государственная программа по форсированному индустриально-инновационному развитию Республики Казахстан на 2010 – 2014 годы. утвержденная Указом Президента Республики Казахстан. Алматы: Гылым.(pp.5-10).

16. Программа по развитию информационных и коммуникационных технологий в Республике Казахстан на 2010 - 2014 годы. Алматы: Гылым.(pp. 3-7).

17. Отчет НИР (2012): Разработка рекомендаций по оказанию комплексных электронных коммерческих услуг населению на основе развития ИКТ .(pp.14-18).

18. Закон Республики Казахстан «Об электронном документе и электронной цифровой подписи». Алматы: Гылым.(pp.11-23)

19. Soumitra Dutta, Irene Mia. (2011). The Global Information Technology Report 2010–2011. (pp. 331-391). Geneva: World Economic Forum.

20. Цифровая экономика. Краткий статистический сборник. Москва 2018.

21. John Quiggin. National accounting and the digital economy. Economic Analysis and Policy. Volume 44, Issue 2, July 2014, Pages 136-142

22. Chihiro Watanabeab, KashifNaveeda Yuji Touc , Pekka Neittaanmäkia . Measuring GDP in the digital economy: Increasing dependence on uncaptured GDP. Technological Forecasting and Social Change, Volume 137, December 2018, Pages 226-240.

23. Алексеев И.В. Цифровая экономика: особенности и тенденции развития электронного взаимодействия // Актуальные направления научных исследований: от теории к практике : материалы X Междунар. науч.-практ. конф. (Чебоксары, 18 дек. 2016 г.). В 2 т. Т. 2 / редкол.: О.Н. Широков *и др.+ – Чебоксары: ЦНС «Интерактив плюс», 2016. – С. 42-45. – ISSN 2412-0510.

Интернет ресурслар

1. www.cummins.com
2. www.cumminsengines.com
3. www.perkins.com
4. www.cnh.com
5. www.claas.com
6. <https://blamper.ru/auto/wiki/dvigatel/akkumulyatornaya-sistema-neposredstvennogo-vpryska-common-rail-3540>
7. [https://books.google.co.uz/books/about/Farm Power and Machinery Management Tent.html?id=12qU2EqIjkC&redir_esc=y](https://books.google.co.uz/books/about/Farm_Power_and_Machinery_Management_Tent.html?id=12qU2EqIjkC&redir_esc=y)
8. <https://books.google.co.uz/books?id=G1VGAAAAYAAJ&q=off+road+vehicles+engineering+principles&dq=off+road+vehicles+engineering+principles&hl=ru&sa=X&ved=0ahUKEwjZu9C2pKfMAhWmNpoKHUeID0cQ6AEIGjAA>

Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти "Иқтисодиёт" кафедраси доценти У.Сангирова ҳамда кафедра ассистенти (PhD) Ж.Намозовлар томонидан институт ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази "Қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиёти" модули бўйича тайёрланган ўқув услубий мажмуага

ТАҚРИЗ

Ўзбекистан Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида» 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сон Фармонига асосан 2019 йилнинг октябридан олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизими амалиётга жорий этилди.

Буларга асосан, олий таълим муассасалари педагог кадрлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ташкил қилиниб, уларнинг максоди, педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази "Қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиёти" модули бўйича ЎУМ нинг вазифаси тингловчиларга кишлок ва сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини, менежерлар қобилияти ва истеъдодини ривожлантириш йўллари йўргатишдан иборат.

"Қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиёти" модулининг максоди иқтисодиётни модернизациялаш шароитида педагог кадрларга кишлок ва сув хўжалиги тармоқларидан фойдаланишни оқилона ташкил этиш ва бошқаришни, ташкилий тузилмаларни такомиллаштиришни, қарорлар қабул қилиш технологиясини, бошқариш усулларидан вазиятга қараб фойдаланишни билишга қаратилган.

"Қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиёти" курсида тингловчи кишлок ва сув хўжалиги ташкилотида инсон ресурсларини бошқариш, ташкилий маданият, етакчилик (лидерлик) ва бошқарув услубларини танлаш; кишлок ва сув хўжалиги

ташкilotида ўзгаришларни тушуниши ва ўзгариш концепциясини қўллаш; сув хўжалиги корхоналари бошқарув фаолиятини таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда иқтисодий самарадорликка эришиш каби кўникма ва малакаларини эгаллаши зарур.

Умуман олганда ТИҚХММИ хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази "Қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиёти" модули бўйича ЎУМ, унга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради.

"Иқтисодиёт" кафедраси мудир, и.ф.д., доц.



Б.Султонов